

**ИБРОҲИМ  
ҒАФУРОВ**

---

**ПРОЗАНИНГ  
ШОИРИ**

---

**Ижодий очерк**

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981

83.3Уз  
F 29

Г 70202—90 \_\_\_\_\_ 159—81 4603010202  
M 352 (04)—81

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981

## ПРОЗАНИНГ ШОИРИ. ДЕБОЧА

Саид Аҳмад катта прозанинг катта намояндаларидан. Унинг прозаси илғор қардош халқлар адабиётлари қаторида сафбаста туриб, кишилиқнинг коммунистик идеалларига жавоб берадиган жамиятни қураётган янги замон одамларининг ҳаёти, курашлари, маънавий дунёсини ҳаққоний ёритаётган, замонавий улкан тажрибаларга эга бўлган улуғ адабиётлар ичига ўзига хос традициялари, ўзига хос тажрибалари билан кириб бораётган, ўз мавқеи, ўз ўрнига эга бўлаётган ўзбек совет адабиётининг ёрқин саҳифаларидан.

Саид Аҳмад прозаси — изланишлардаги проза. Қирқ йилдан бери тинмай замон кишиси қалбига йўл топиш учун жон куйдираётган, илҳом ва ғайрат билан ишлаётган прозани ўз изланишлар мактаби бор, шундай бадий мактабни яратган проза деб аташ ўринли. Мактаб бўлгач, унинг илдизлари, илдизларидан қувватланадиган традициялари, илғор традициялардан ўсиб чиқадиган янгиликлари бўлади, албатта. Саид Аҳмад прозаси намунасида адабиётнинг мана шундай магистрал масалалари хусусида тўла ҳуқуқ билан баҳс юритиш мумкин. Бу прозанинг яхлит қатламлари — унинг том маънодаги замонавийлиги, халқчиллиги, миллий ўзига хосликларининг теранлиги, ўзининг бутун ғоявий-бадий қувватини давр кишиларининг маънавий оламини, руҳий дунёсини очишга қаратганлиги, хати, тасвир қобилияти, характер яратиш санъати, хатидаги жозибадорлик, жозибадорликда миллий традицион рангларнинг жуда қуюқлиги — унинг ўзбек совет адабиёти доирасида катта ҳодиса мавқеида туришидан далолат беради.

Хўп. Саид Аҳмад прозаси шундай адабий-бадний, маданий ҳодиса экан, унинг илдиэлари қаерда? Бу илдиэлар албатта, Ойбек, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор прозасига бориб тақалади. Лекин унинг прозаси на Абдулла Қодирий, на Абдулла Қаҳҳор ва на Ойбек прозасига ўхшайди. Яъни тугал ўхшашлик йўқ. Агар тугал ўхшашлик бўлганда, у мустақил ҳодиса бўлиб етилмаган деб қараларди. У доимо эргашиб юрадиган прозага айланарди. Одамларнинг ичида ҳеч қачон ўзи биринчи бўлиб чопмайдиган, лекин биринчи бўлиб чопадиганлар кетидан албатта эргашиб чопадиган одамлар тоифаси бор. Адабиётда ҳам шундай тоифа ёзувчилар бўлади. Улар доимо оригинал ҳодисаларга эргашиб юрадилар. Бу айб эмас. Бу ҳам меҳнат. Лекин барибир унинг адабий номи бошқа. Саид Аҳмад ўзининг орқасидан эргаштира олувчи проза ярата олди.

Шундай қилиб, тугал маънодаги ўхшашлик йўқ. Лекин энг ажойиб ҳол шуки, Саид Аҳмад прозасида шу уч улуғ адибдан, уларнинг беҳад олижаноб, мусаффо, ўта соғлом изланишларидан нималардир бор. Бу «нималарнинг» номини айтиб ифодалаб бериш жуда қийин. Лекин улар барибир бор. Биз бу «нималар»ни яхшиси из деб атаб қўя қолайлик. От изини той босади. Бу излар аввало Саид Аҳмад прозасининг ички жозибасида ўз аксини топади. Расмана айтганда, Саид Аҳмад прозасига Ойбекдан хаттий порлоқлик ва лиризм, Абдулла Қаҳҳордан лўндалик ва ўткирлик, Абдулла Қодирийдан пластик тасвир туйғуси ўтгандир. Бу «ўтишлар» айниқса, унинг «Уфқ» романида яққол кўзга ташланади. «Уфқ» эса Саид Аҳмаднинг катта китоби. Унинг умрининг мазмуни, ижодининг асосий қиммати шу трилогияда ифодаланган. Шунинг учун ҳам у катта китоб. Саид Аҳмад ижодини ҳодисага ва ҳодисадан ўта мактабга айлантирган китоб.

Саид Аҳмад ўзи севган ўша уч адибни, улар ижодиётини албатта ўз бағрига сингдириб олган. Лекин Саид Аҳмаднинг ёзувчи сифатида шаклланишига қаттиқ таъсир қилган адиблар билан бирга, фикр янада ойдинроқ бўлиши учун таъсирнинг конкрет доирасини белгилаб бериши мумкин бўлган асарларни ҳам айтиш ортиқчалик қилмайди. Саид Аҳмад ижодига фаол таъсирини ўтказган асарлар ичида энг аввал «Шум бола», «Обид

кетмон», «Қутлуғ қон», «Очилган қўриқ», «Сароб»ни эслаш керак бўлади.

Саид Аҳмад прозаси мана шу ўлмас воқеа атанган асарларнинг оригинал синтези... Таъсир ҳақидаги фикрларни чуқурроқ таҳлил қилиш мумкин. Чунки устозлар очган йўлларнинг қанчалар шарафли ва қанчалар умрбоқий эканлиги шоғирдларнинг ишларида ўз ифодасини топади. Шу сўзнинг ҳурмати учун «Обид кетмон» ҳақида икки оғиз айтиб ўтайлик. «Обид кетмон» жуда илғор партиявий нуқтан назар билан яратилган хассос асар. «Она» романи рус адабиётида янги прозанинг шаклланишида қанчалар буюк роль ўйнаган бўлса, янги, замонавий, долзарб ўзбек прозасининг оёққа босишида «Обид кетмон» ҳам шунчалар улуғ аҳамиятга эга бўлди. «Обид кетмон»да ўзбек адабиётида биринчи ўлароқ социализмнинг соғлом ва беҳад ҳаракатчан кучлари майдонга олиб чиқилди. Бу кучлар нечоғли ҳаётбахш ва тарихни олға сурувчи кучлар эканлиги, келажак халқнинг бахти шуларнинг қўлида эканлиги ҳаққоний ёритиб берилди. Агар жуда диққат билан қаралса, бугунги бўлаётган ҳаётимиздаги жуда кўп улуғ ишларнинг барча куртаклари «Обид кетмон»да зуҳуротини топганлигини кўриш мумкин. Мулла Обид, Бердивой қанчалар янги кишилар! Уларда халқнинг энг соғлом, яшашга, келажакни, янги тузумни қуришга қобил кучлари қайнаб ётади! Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида биринчи бўлиб социализмнинг девкор, ўз тили билан айтганда, «атанган ва ақловар» кишисининг образларини яратиб берди. Эски қишлоқнинг чириган устунларини қулатиб, янги устунлар майдонга чиқа бошлади. Абдулла Қодирий мана шу янги устунларнинг тарихан қанчалар қудратли эканлигини ҳаққоний ва реалистик тарзда акс эттирди. У биринчи марта меҳнатнинг бу қадар нашъали, бу қадар завқли эканлигини ёрқин картиналарда бадий кўрсатди. Бунга тасаввур қилиш учун романнинг энг гўзал саҳифаларидан бўлмиш «Қуёш билан ҳам курашман» бобини кўздан кечириш kifоя.

Саид Аҳмаднинг ҳамма ёрқин қаҳрамонлари ўз ҳаётий томирлари билан қай бир тарзда бўлмасин, Обид кетмонга бориб уланади. «Уфқ»даги Азиз, чўл ҳикояларидаги Чўл бургути, Урик домла, «Қадрдон далалар»даги Пўлатжон, «Чўл оқшомлари»даги Қўзивой сингари қаҳрамонлар Обид кетмонга авлоддош ва қондош

бўладилар. Улар ҳам Обид кетмон каби ерни беҳад севадилар, ерни девкор меҳнатлари билан обод қиладилар, халқ бахтини ўйлайдилар, шу бахтни қўлга кириштириш йўлида жонларини аямай тер тўкадилар. Уларнинг ерга, элга бўлган муҳаббатлари қалбда, онгда етилган муҳаббат. Улар нима учун яхши кўришларини, нима учун жон фидо қилаётганларини, нимага жонларини тикканларини яхши идрок қиладилар, яхши тушунтириб берадилар. Онгли муҳаббат уларни ғоятда доно ва билимдон қилиб қўйган. Улар тарихнинг *ишбилармон* ва *ишқилармон*, *ишташқилармон* кишиларига айланганлар. Обид кетмонда куртак ҳолида кўринган олижаноб нарсаларнинг бари чўл бургутларига ўтиб, улар фаолиятида кўламдорлик касб этган, ўз тарихий миқёс ва параметрларини ўзгартирган.

Саид Аҳмад ўзининг энг яхши асарларида халқ қалбидаги бойликларни, халқнинг теран миллий белгиларини чуқур очиб беради. Ерга муҳаббат, меҳнатга ўчлик ва ҳеч қачон синмайдиган адолат туйғуси, халқ қалбининг миллий бойликларидандир. Мана шу хислатлар халқни бағирдор ва яшовчан қилади. Унинг фарзандларига шукуҳ ва навқиронлик бағишлайди.

Чўл бургути — Раҳимжон кучини қаерга сиғдиришни билмайди. Урушдан қайтиб келгач, керилиб кетади, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини ола бошлайди. Урушга кетмасидан бурун ўзи билан аҳд-паймон қилган қиз бошқага — Нуъмонжонга тегиб кетганлигини кўриб, бир оғиз сўзсиз янги келинчакни келинлик уйдан етаклаб олиб чиқиб кетади. То ўзига муносиб иш, қанотларига муносиб майдон топмагунча тинчимайди. У чўлга чиқади ва чўл Раҳимжонга ўхшаган девкор, кучи айқириб ётган йигит-қизларнинг ғайратидан ларзага келади.

Саид Аҳмад ерда тўш кериб, ўзини аямай ишлайдиган кишилар образини севиб тасвирлайди. У адабиётга шундай образларни олиб киради. Улардан жуда бегубор, жуда инсоний фазилятлар топади ва шу фазилятларни содда, лекин ғоятда ҳаётий қилиб тасвирлайди.

Меҳнатга ўчлик... у Саид Аҳмад қахрамонларини бошқача бир инсоний поғонага кўтаради. Фақат Раҳимжоннинг ўзигина меҳнатга ўч эмас: у ўз йигитларини ҳам, Ёғоч полвону Ҳожимуқону Тўппонча полвонларни

ҳам ишга жазиллаб ёпишадиган қилиб тарбиялаган. Уларнинг кўринишлари идеал даражада эмас. Улар юзлари, кўкракларини чўлнинг қаттиқ шамоллари ялаб кетган кишилар. Чўл бургутининг ўзи ҳатто кўримсиз, ташқи қиёфасидан сира бургутга ўхшамайди. Лекин улар ишлари, интилишлари, ниятлари билан бургутга ўхшайдилар. Уларнинг қалблари гўзал, меҳнат билан, фидокорлик билан бойиган, олижаноб бўлган қалблар.

Меҳнатга ўчлик... Кучи оламга сиғмаган Азизхон фидокор меҳнат билан ҳаётда ўзининг чинакам ўрнини топади. Икромжон, Низомжон юракларининг кўри билан тинимсиз меҳнатга интиладилар. Уларнинг олижанобликка ташна юраклари меҳнатда ором топади...

Низомжоннинг беғубор, пок севгиси лат еди. Уйдан чиқиб кетди. Одамлар ичига кирди. Икромжоннинг паноҳида тўқай очишга борди. (Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз керакки, Саид Аҳмаднинг барча тилга тушган асарларида қаҳрамонлар ер очадилар, ўзларини катта ишларга қодир бир жиҳатлардан кўрсатадилар.) Шунда Икромжон унга ҳозирча каналдан сув ташиб юришни топширади. Низомжон: «Мени энг оғир ишга қўйинг. Илтимос қиламан... Бир ишлай», деб ялинади Икромжонга. Синган бутоққа ўхшаб турган Низомжон абадий тириклик сувига интилгандай меҳнатга интилади. Унга ҳозир меҳнатдан бошқа ҳеч нарса керакмас. У ўзини одам деб ҳис қилиши учун, ўзини курашаётган, меҳнат қилаётган фидокор элнинг бир бўлаги деб ҳис қилиш учун шундан бошқа нарса керакмас. Шунинг учун у: «Менга ҳеч нарса керакмас... ниманки ишлаб топсам, колхозга. Меҳнат ҳақи ҳам керакмас!» — дейди. Оғир ҳаёт, бошига устма-уст тушган кўргиликлар Низомжоннинг қалбини жуда эзиб, юмшатиб қўйган. Шу олижаноб сўзлар жуда самимий ва улар ўша эзилишлар туфайли туғилганлар.

Лекин ер очиш туйғусининг ўзи инсоният учун беҳад олижаноб туйғу. Рус ёзувчиси Виль Липатовнинг «Жуда узоқ туш» деб аталган ҳикоясининг қаҳрамони, дунёнинг кўп ачиқ-чучугини кўрган тўқсон саккизга кирган деҳқон Евлампий Крилов ўлими олдидан авлодларига шундай сўзларни айтади: «Мен дунёда кўпни кўрдим. Ўзимни жуда бахтли одам деб биламан. Хотинлар ҳам одамни жуда бахтиёр қиладилар, ичкилик ҳам ўзига яраша бир бахт, фарзандлар кўрдим. Булардан ортиқ-

роқ яна қандай бахт бор? Хотинлар, самогон, фарзандлар — ҳаммаси яхши, лекин булардан кўра ҳам ўн тўққизинчи йилда ер очганим эсимга тушади. Қуёш кўкда пориллаб ёниб турибди, ердан жуда тотли бир нафас келади, от ҳиди димоққа урилади. Ҳаммасидан ҳам зўроқ, каттароқ бахт мана шу эди».

Ҳа, инсон ер билан бахтли. Бу жуда антиқа туйғу!

Икромжон тўқайга чиқиб, ўглининг аянчли тақдирини ўйлаб йиғлаб ётади. Низомжон эса қандай қилиб овутишни билмай унга қўшилишиб йиғлайди. Икромжон бошига ёғилган оғир таъналарни кўтаради. Ҳатто уйининг деворига «Хоиннинг уйи!» деб ёзиб кетганларидан ҳам аламини ичига ютади. У ҳалол меҳнатдан мадад ва малҳам топади.

Низомжон тўқай очаётганларида ўзига ўзи шундай аҳд қилади: «Ишлаш керак. Жуда кўп ишлаш керак... Ишлайди, ишлаб чарчамайди. Чарчаса ҳам ишлайди. Ётиб қолса ҳам ишлайди. Шовқинсиз, писандасиз ишлайди»... Тоға эса Икромжонга қарата шундай сўзларни айтади: «Яшашимиз керак. Кўп ишлар қилишимиз керак... Уруш нуратган деворларимизни урайлик. Эҳ-ҳе, қиладиган ишимиз кўп. Улимдан гапирма...»

Булар ишлаш туйғуси билан яшайдиган одамлар. Уларда меҳнат қилиш, меҳнатга қараш туйғуси жуда мукамал тарбия топган. Саид Аҳмад ўз қаҳрамонларини бошқарган меҳнат психологиясини ва бундан чиқадиган маънавий-руҳий фазилатларни теран гавдалантиради.

Саид Аҳмад меҳнат қилиш истаги эътиқодга айланган қаҳрамонлар сирасини адабиётга олиб кирди. Шу эътиқод миллатни бирлаштириб турадиган улугвор ва ўлмас белгилардан эканлигини ўз асарларида ҳаққоний гавдалантирди. Меҳнат Саид Аҳмад қаҳрамонларини завқли, ошиқ қаҳрамонлар даражасига кўтаради. «Боя домла ўрик ҳақида қандай тўлиб-тошиб гапирган бўлса, Бургут ҳам қулфи дили очилиб, чўл ҳақида шундай мириқиб гапира кетди. У шундай яйраб гапирар эдики, етук бир шоир ҳам чўлни унчалик таърифлай олмас эди», деб ёзади Саид Аҳмад «Ўрик домла» деб аталган ҳикоясида.

Саид Аҳмад ижодкор сифатида мана шундай меҳнат юрагини шоир қилган кишиларни тасвирлашни, уларнинг қалбларини очишни, уларни ҳаракатга солган ва



ер юзида муборак ўринларини бор қилган маънавий гўзалликларни кўрсатишни севади. Ва кўп ҳолларда у ўз қаҳрамонларига эргашиб кетади, бизнинг кўз ўнгимизда ўзбек деҳқонининг ҳаётини куйлаган носир-шоир сифатида бўй кўтаради.

Саид Аҳмад ўз қаҳрамонлари ҳаётини, интилишларини халқ ҳаёти, халқ ҳаракати ва интилишларига чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Унинг асосий қаҳрамонлари ҳаёти билан халқ ҳаёти ўртасида ажиб бир уйғунлик вужудга келади. Мана шундай уйғунлик яратолганидан у ўлка ҳамда умумхалқ миқёсида рўй бераётган катта тарихий воқеаларни ҳаққоний ва ишонарли қилиб гавдалантиришга эришади. Шу ҳол унинг йирик асарлари ва айниқса, чўл кишиларига бағишланган ҳикояларида, уларнинг мундарижасига бадий салмоқ бағишлайди.

Чунончи, «Уфқ»даги Азизхон эл бошлаган ишнинг улугвор оқимиغا киргандан, эл сафида туриб, элнинг улуг манфаатини кўзлаб ишга шўнғигандан сўнг ўзини инсон деб ҳис қила бошлади. Унда қадр-қиммат туйғуси пайдо бўлди. Унинг яйдоқ, бебош мардлиги матонатга, ғайрати шижоатга, имони фидокорликка айланди. Азизхонда мудраб ётган соғлом, қудратли куч элнинг қаторига кирганда, эл нафасини сезганда, эл қудратига қўшилганда уйғонди ва онгли бир моҳият касб этди. Саид Аҳмад янги замон кишисида соғлом халқчил хусусиятлар замирида янги маънавий ўзгаришларнинг туғилиши ва шакллана боришини жуда ҳаётий ва жуда миллий ўзига хос муҳитда чизади. Азизхон ўз-ўзидан онгли кишига айлангани йўқ. У халқдан, халқнинг соғлом ҳаракатидан, интилишидан ибрат олиб ўзгарди.

Худди шундай гапларни трилогиянинг бошқа бир асосий қаҳрамони Низомжон ҳақида ҳам тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкин. Шу юрагини ғусса боғлаб ётган дардли йигит то халқнинг улуг оқимиغا қўшилмагунча, халқ билан сафбаста, бирга боришнинг, ўзини шу халқнинг соғлом ва тўлақонли бир аъзоси деб ҳис қилиш бахтига эришмагунча қанчалар увол, қанчалар ғариб, бечораҳол бўлиб юрди. Айрилиқ, алам, хўрлик унинг бошига тоғ кўчкисидек ёғилди. Икромжонга ўхшаш дардлининг дардкаши бўла оладиган, одил, диёнатли, кўпни кўрган, метин продали одамларга дуч келганидан кейингина у кўчки остидан чиқолди. Ўз юрағида куртак-

ланиб ётган олижаноб интилишларига йўл очолди. Ҳаётнинг қандай синоқларидан ўтмади Низомжон! Шундай синоқли ишларни кўра-кўра элнинг хизматига ярайдиган, унинг оддий, лекин жуда софдил бир аъзоси бўлиб етилди. У манфаатпарастлик маддалаб кетган, очкўзлик, ҳарислик, мол йиғиш тўла-тўқис шафқатсизликка айланган бир муҳитда ўсди ва молпарастликнинг даҳшатларини ўз кўзлари билан кўрди. Кўрди-ю, абадул-абад ўз манфаатидан воз кечди.

Шуни қатъий таъкидлаш керакки, Саид Аҳмаднинг Азизхон, Низомжон, Икромжон, Урик домла, Қўзивой, Чўл бургутти сингари қаҳрамонлари том маънодаги халқчил қаҳрамонлардир. Бу нарса уларнинг қарашларида, феъл-атворларида, интилишларида, ақидаларида, одамларга муносабатларида, барча хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Халқчиллик бундан ҳам кенгроқ маънода Саид Аҳмад асарларининг бўғин-бўғинига сингиб ётади, деб баралла айтиш мумкин. Саид Аҳмад шафқат, мурувват, бағри кенглик, фидокорлик, меҳнатга қобиллик сингари халқ маънавий соғломлигининг асосини ташкил қилувчи хусусиятларни трилогия саҳифаларида, «Ҳукм», «Қадрдон далалар», «Келинлар қўзғолони» сингари асарларида, етук ҳикояларида кенг бадий таҳлил қилади. У ёзувчи сифатида мана шундай маънавий-ахлоқий масалаларни кўтариш ва ҳал қилишга асосий эътиборини қаратади.

Шу маънода у бизнинг адабларимиз ичида энг дидактик адиб бўлиб кўринади. (Кўпгина адабиётдан боғлиқ одамлар, китобхонлар ва ҳатто ёзувчиларнинг ўзлари ҳам дидактика деганда аллақандай жуда зерикарли, меъдага теккан насихатбозликни тушунадилар. Лекин бадий асарнинг асл томирларида дидактика, дидактик ғоялар ҳаракат қилади. Дидактика олижаноб маънода барча бадий асарларга хос. Лекин шундай ёзувчилар бўладикки, уларнинг ижодиётлари ва ижодий қизиқишларида дидактика асосий йўналишни ташкил қилади. Улар ўз асарларида очикдан-очик дидактик мақсадларни ифодалайдилар ва илгари сурадилар. Уларнинг талантлари шу йўналишда катта самаралар беради. Чунончи, ўзбек прозасида Саид Зуннуновнинг асарлари шундай принципади дидактик йўналишга эгаллиги билан ажралиб туради. Дидактика кўзда тутилса-ю, бунга юксак бадий таъсирчанлик билан эришилса,

бундай йўналишдаги асарларнинг халқ руҳини тарбиялашдаги аҳамияти беқиёс баланд бўлади. Саида Зуннунова шундай ёзувчи эди.) Олижаноб, ҳаракатчан, таъсирчан, бадиий жозибадор материалдан келиб чиқадиган кучли йўналишга эга дидактика Саид Аҳмад асарларига маънавий бир жўшқинлик бағишлайди.

Саид Аҳмад ижодида дидактика билан лиризм, қизиқчилик билан сентименталлик ақл бовар қилмас даражада бирлашиб кетади. Ажойиб томони шундаки, Саид Аҳмад прозасининг мана шу услубий хусусиятлари бир-бирига халал бермасдан, бир-бирини туртиб чиқармасдан, аксинча, бир-бирини тўлдириб, бўрттириб, таъкидлаб келади ва... кези келганда кўп ўринларда бир-бирининг айбини ёпиб кетади... Сентиментал ҳиссиётлар ҳаддан ошаёзган жойларда ўртага кутилмаганда қодирёна беғубор ва ўткир олтин кулги аралашади ва у ғалати бир тарзда сентименталликнинг захрини йўқотади. Ёки баъзан дидактик мотивлар меъёридан ошиб кета бошлаган чоғда тасвир кутилмаганда ажиб лирик чекиннишлар, гўзал юрт манзаралари билан алмашади. Драмалар мелодрамага айланаёзган, чучмаллашаётган, ачимсиқроқ бир тутун чиқара бошлаган бир дамда ёзувчи ўзининг энг синалган қуролидан бирини ишга солади. Биз шунда публицистик пафос билан тўлган автор нутқиغا дуч келамиз ва кўз ўнгимизда мелодраманинг чучмал тутун тарқала бошлайди...

Саид Аҳмад тасвир ичига кулги сочишни жондан севади. У китобхонларни яйратиб кулдирмагунча ёзаётганидан кўнгли тўлмай туради.

Саид Аҳмад тўлғин ҳиссиётли ёзувчи. У ҳамма асарларида қаҳрамонларининг ҳаётига, бўлаётган воқеаларга араллашиб кетаверади. У қаҳрамонлари билан бирга нафратланади, бирга севинади, бирга кулади, бирга йиғлайди. У ўз авторлик муносабатини жуда очиқ ифода қилади. Ҳатто энг холисона бўлиб кўринган тасвирларида ҳам Саид Аҳмаднинг нафрати ёки муҳаббати, воқеага, қаҳрамонга бўлган муносабати ўзини ошкор қилиб туради. Бу ёзувчидан жуда нозик тактни, меъёр туйғусини талаб қилади. Шундай туйғу ва такт бўлмаса асар жуда зерикарли ва холис кайфиятли асар бўлмай қолиши мумкин. Лекин Саид Аҳмаднинг асарга авторлик аралашувлари унинг услубига жуда сингиб кетган. У аралашмасдан, ўз муносабатини очиқ ифода қилмас-

дан туриб ёзолмайди. Персонажлари разолатда ҳаддан ошганда,— ўзини билмай қолади,— уларни сўкиб юборади, лаънат ёғдиради. Қаҳрамонларининг жонидан алам ўтиб кетганда уларнинг бошларини силайди, уларга мурувват дарвозаларини очади, йўл кўрсатади. Шунданмикин, Саид Аҳмад қаҳрамонларининг вужудида ёзувчининг безовта юраги гурсиллаб уриб тургандек бир таассуротдан одам ҳеч қутулолмайди.

Саид Аҳмад прозаси одамни ҳам кулдиради, ҳам йиғлатади, шу билан бирга юракларга эзгулик нашъасини олиб киради, яъни ҳам севишга, ҳам нафратланишга ўргатади, шу билан бирга бу проза бошдан-оёқ инсонга шафқат ва мурувват билан суғорилган бўлиб, у ўз ибрати билан одамни ҳам олижаноб, ҳам инсонга меҳрли бўлишга чақиради.

Саид Аҳмад ўзбек насрининг шоири. Шу қадим ва беҳад гўзал юртнинг ҳассос рассоми. У шоир сифатида ҳам, носир сифатида ҳам, рассом сифатида ҳам ўзбек халқининг ижодкор ўғли, у соддаликни севади, соддаликни улуглайди — инсонни инсонлик шарафига эриштирган барча олижаноб соддаликларнинг поэзиясини куйлайди.

Шулар баробарида бу проза ўзбекка жонажон. Шулар баробарида Саид Аҳмад ўз юртига жонажон.

## ЕШЛИҚНИНГ ШУҲ ШУЪЛАЛАРИ

Саид Аҳмаднинг илк ижоди 1940—1949 йилларни камраб олади. Бу йиллар ичида унинг «Тортиқ», «Эр-юррак», «Фаргона ҳикоялари», «Муҳаббат» сингари ҳикоя тўпламлари дунёга келди. 1949 йилда «Қадрдон далалар» повестини ёзиб битирди. Унинг мана шу илк давр ижоди машқ чалишга интилиш деб баҳо олди. Бугунги кун тепасидан туриб қаралса, албатта, Саид Аҳмаднинг ўша пайтда ёзган ҳикоячалари анча-мунча одми бўлиб кўриниши мумкин. Лекин ёзувчининг илк тажрибаларини «машқ» деб атаймизми, қандай деб атамайлик,— гап атамаларда ҳам эмас,— барибир, бу илк асарларни ҳисобдан чиқариб ташлаб бўлмайди. Абдулла Қодирий, Фафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор прозасига нисбатан олиб қараладиган бўлса, албатта, Саид Аҳмаднинг ўша ҳикоялари жуда примитив кўринади. Лекин бу примитивлик талантли одамнинг примитивлиги эди. У ўз чинакам умрлик касбини қандай қийинчилик билан топган бўлса, биринчи ҳикоялари, биринчи китоблари, биринчи қиссасини ҳам шунчалар қийинчилик билан топди. Саид Аҳмадни болаликдан яхши биладиган адиб Шуҳрат: «Саид Аҳмад болалигида рассом бўлмоқчи эди. Расмга қўллари келишарди. Шу ниятда рассомчилик билим юртига ўқишга кирди, таълим олди, расмлар машқ қилди. Лекин рассом бўлолмади. Кейин фотога қизиқди. Расмлар олди, ўртоқларининг, қавму қариндошларининг суратларини кўчириб берди. Газета-журнал редакцияларида гоҳ рассом-ретушчи, гоҳ адабий ходим бўлиб ишлади. Ундан на рассом, на фоточи

чиқди. У адиб бўлди...» — деб ёзади. У ўзининг йўлини, иқтидорини мана шундай бесаранжомликда қидирди. Адабиётга яқин соҳаларда айланиб қидириб юрди, у бир нарсани қидира туриб, кутилмаганда иккинчи нарсани топди. Бу олтин топилдиқ — унинг адабий иқтидори эди.

Саид Аҳмаднинг туғма иқтидори, унинг ижодга қизиқиши қандай бошланганлигини шоир Шукрулло ҳам мароқ билан таъкидлаб ўтади: «Болалар ёшлигидан бирон ўйинга қизиққанларидек, Саид Аҳмадни ҳам ёшлигидан гоҳ артистлик, гоҳ рассомлик, гоҳ фото ўзига қизиқтирган, ҳайратга солган. Ҳаммасидан бир чимдим-бир чимдим тотиб ҳам кўрган. Аммо адабиётга, ижодга бўлган қизиқиш Саид Аҳмад қалбига чуқурроқ ўрнашди, нимаси биландир ўзига кучлироқ тортиб олади. Ундаги бу қизиқиш ёшлик чоғларида уйда бўладиган Абдулла Қодирий каби буюк ижодкорларнинг суҳбати таъсиридами ёки ўқиган китобларининг қизиқтира олишидан уйғонганми, бунини аниқ айтиш мумкин эмас ҳам, лекин кишилар ўзлари севган ва қизиқарли деб билган нарсаларини бошқаларга етказишга қанчалар шошилсалар, Саид Аҳмад ҳам ёзувчиликка, қалбига тугён солган, кўрган ва эшитганларини қани бир ёзиб кўрай-чи, деб қўлга қалам олиб, адабиётга бетама кириб келганига аминман». Мен атай Саид Аҳмад билан жуда эрта елкадош бўлган ва уни бошқалардан кўра мукамал билладиган сафдош ёзувчиларнинг гувоҳликларини келтиряпман. Бу сўзларда ўша илк даврнинг қиёфаси, руҳи, изланишлари ва қандай мақсад билан мушкул, олижаноб соҳага қадам қўйилгани ростлик билан айтиб ўтилган.

Саид Аҳмад ўзининг илк асарларини мафтун бир кайфият билан ёзди. Бу юртга, Ўзбекистон одамларига, Ўзбекистон далаларига, Ўзбекистоннинг беҳад рангин манзараларига мафтунлик эди. Ўзбекистон табиятан сеҳрли ўлка. Бир мамлакатни олсангиз, унда фақат тоғлар ҳукмрон; бошқа бир мамлакатни олсангиз, унда ўрмонлар кўп; учинчи бир мамлакатнинг эса ҳаммаёғи кўл; тўртинчи бир мамлакатнинг бошдан-оёғи чўл. Лекин Ўзбекистон! Унда чўл ҳам мўл, кўл ҳам мўл, тоғтош ҳам мўл, ўрмон ҳам мўл, саҳро ҳам, бепоён адирлар ҳам, яшнаган зумрад боғ-роғлар ҳам, дунёнинг ҳеч қарерида йўқ тенгсиз ҳосилдор далалар ҳам мўл! Қанча ранглар бор бу ўлкада, қанча фусункор оламлар бор бу

ўлкада! Саид Аҳмад шу ўлкани ўғил муҳаббати билан севиб қолди. Бу сеvgи мафтунликка айланди. Ешлик чоғларида унинг юрагини ишғол қилган шу мафтунлик уни сўнг ҳеч қачон тарк этмади. Лекин сеvgи танлайди, сеvgи туйғуси — танлаш туйғуси. Саид Аҳмаднинг сеvgиси ҳам танлади. У Фарғонани севиб қолди. Кўҳна жўмард, одамни шоир қилиб юборадиган Фарғона унинг юрагига қаттиқ ўрнашди. Сўнг Фарғона унинг асарларининг воқеалари кечадиган бетимсол гўзал образга айланди. Фарғона муҳити, табиати, одамлари, анъаналари ва шулар замида ётган миллий колорит Саид Аҳмад қалбига беҳад яқин бўлиб қолди. Шу муҳит уни тўхтовсиз илҳом сели билан қаршилади. Саид Аҳмад шу ерда социализмнинг улуғ қурилишини кўрди, унинг тупроқ тепаларини кечди, уни қурган одамларнинг ғайрат ва шижоатига, социалистик онгига ўзи гувоҳ бўлди. Шундай ишларга қобил халқни сеvди, унга адиб бўлиб хизмат қилишга бел боғлади. Катта ёзувчиларда шундай жой танлаш ҳодисаси бор экан: Гоголнинг Урта Россияни ва унинг одамларини қанчалар теран тасвирлаганлигини эслайлик. Улуғ Америка ёзувчиси Фолкнер ўз асарларида Америка жанубининг тимсоли сифатида Йокнопатофа ўлкасини яратади. Унинг барча улуғ асарларининг воқеалари шу ўлкада кечади, қаҳрамонлари шу ўлкада ҳаракат қиладилар. Хемингуэй эса Испанияни, Африкани, Париж кўчаларини севади. Унинг қаҳрамонлари аксар ана шу муҳитда ҳаракат қиладилар. Шолохов-чи? Шолохов — Дон шоири! Буюк инсон тақдирлари, буюк талашлар, фожиалар, янгилик учун курашлар мана шу Донда кечади. Шолохов асарларининг улуғвор руҳини унга беҳад сеvimли Дон беради. Достоевский учун Петербург, Абдулла Қодирий учун Марғилон ва Қўқон мана шундай илҳомбахш муҳит бўлган. Замонамиз адибларидан Ҳамид Ғулом ижодида ҳам Мирзачўл адабий мамлакатга айланган. Шундай ҳодиса Саид Аҳмад ижодида ҳам кузатилади. Фарғона — Саид Аҳмад қаҳрамонларининг ватани, уларни тарбияловчи, вояга етказувчи она.

Саид Аҳмад ўз илк асарларида колхоз қишлоғи ва унинг одамлари ҳаётига кириб бора бошлади. Асарларининг марказига меҳнат ва инсон масаласини қўйди. Ҳаётни шу масала атрофида тадқиқ қилди. Саид Аҳмад меҳнаткаш одамни севиш ва қадрлашни ўрганди. Унинг

ҳаётий қарашлари, ҳаёт фалсафаси — эътиқодлари шу муҳаббатдан шаклланди. Меҳнат кишилари ҳаётини шоирона бир ҳаққоният билан гавдалантириш — у ўзининг ижодкорлик бурчини мана шунда деб билди.

Меҳнат қайнаган далалар, ажойиб бағри кенг деҳқон одамлар Саид Аҳмад асарларига ўзига хос шукуҳ билан кириб кела бошладилар. Унинг эллигинчи йилгача яратган «Қадрдон далалар», «Орият», «Куёв», «Хотинлар», «Муҳаббат», «Қайтиш» сингари асарлари меҳнат ва инсонийликнинг чамбарчас мазмунини очишга қаратилди. Езувчи бу илк асарларида меҳнатга инсонийликнинг тамали деб қаради ва ўз қаҳрамонларини шу тамал устига қўйиб тасвирлади. Унинг илк ижодида кўринган мана шу фазилат ҳам кейин унинг барча асарларининг бош ҳаётий йўналишига айланди.

Саид Аҳмаднинг илк ҳикояларида танбал бўлиб қолган эр ва ишда илғор хотин коллизияси кўпроқ таҳлил қилинади. Танбал эр назардан қолади, сўнг элнинг танбөх-дашномига чидолмай ўзини ишга уради. «Куёв» даги Алихўжа, «Хотинлар»даги Фанижон, «Орият»даги Комилжон, «Қайтиш»даги Болтабой танбаллик ва тақсалтангликда беобрў бўлиб, сўнг ғайрат камарини белга боғлашга аҳд қилган одамлар. Меҳнатдан қочган одам эл эътиборидан қолади. Кишининг қадри унинг меҳнатига кўра белгиланади. «Орият»да аввал юқори ҳосил олиб сўнг босар-тусарини билмай қолган Комилжон қишлоқ аҳлининг таъна-дашномига дош беролмай яна ўзини ишга уради. Бу ҳикоя шундай тугайди: «Чўлга дори элтиб қайтган Одил ваҳма янги гап топиб келди.

— Тавба деб гапирай-ку, Комилжон чўлда чунонам кетмон уряптики, ҳар зарбидан ер ларзага келади». Танбаллик нақадар хунук ва меҳнат завқи мана шу қадар чиройли. «Хотинлар»да хотини колхозга раис бўлганидан норози бўлиб тўнғиллаб юрган дангаса Фанижонга шартаки Бодом хола шундай дейди: «Ориятинг бўлса, сен ҳам далага чиқ, кучингни кетмонда кўрсат, мен сени мард билай», дейди. Саид Аҳмаднинг илк прозасидаги қаҳрамонлар меҳнатга шундай орият иши, инсонгарчиликнинг бош мезони деб қарайдилар ва ўзаро муносабатларда, муомалаларда шу асосдан келиб чиқадилар. «Қайтиш» ҳикоясида Саид Аҳмад ғалати бир қаҳрамонни яратди. Болтабой худди игначига ўхшайди. Колхоз тўкин-сочин ҳаёт билан гуриллаб турган



пайтларда унинг шуҳратидан бол эмиб, даромад қилиб, ошиғи олчи, қошиғи болчи бўлиб юрган Болтабой уруш йиллари колхоздан путур кетгач, қочишга чоғланади. Унинг колхозга муносабати ўша йиллардаги маълум бир тоифа одамларнинг омонат муносабатини акс эттиради: «Чаккасида гул, қўлида дутор, оғзида ялла Болтабой учун колхоз вақтинча бир бошпана, хоҳласа ишлайди, хоҳламаса йўқ. Борди-ю, унинг бу юриш-туриши раисга ёқмас экан, хайр-маъзурни насия қилиб кетаверади».

Биз ҳозир Саид Аҳмаднинг илк ижоди ва илк ижоднинг ингичка, лекин узоқларга етиб борган шуълалари ҳақида сўзламоқдамиз. Болтабойда ёзувчи колхозга омонат одамнинг социал типини илғаб олган эди. Кейинроқ бу типнинг хусусиятлари мукамал тарзда «Уфқ» қаҳрамони Аъзамжонда ўз аксини топди. Аъзамжон ҳам колхозга омонат одам образи. У ҳам сал қийинчилик олдида чиртиллаб туради. Аъзамжон урушдан қайтгач, кўнглига раис бўламан деб тугиб юрган шекилли, колхозга Асрорани раис қилиб сайлашгач, гаш бўлиб кетади. Кетаманга тушиб қолади. Унинг мана шу ҳолатдаги кайфиятини ёзувчи жуда ўткир очади: «Аъзамжон малол келиб ўрнидан турди. Энди чўлга кетиш керак. Янги ер очаётганларни военкомат чақирмайди. Тезроқ чўлга жўнаб қолиш керак. У орқага қайтар экан, қишлоқ йигитларига дуч келди. Нима гаплигини ташвишланиб сўради:

— Қўрқма, ошнам, бизни олмас экан, сен билан бизсиз бир ёқли қилишар экан. Бориб кетмонингни чопавер».

Аъзамжонни, албатта, тушуниш мумкин. Ҳар қандай одамга ҳам яқиндагина урушдан қайтиб яна урушга борасан деса, балки шундай шошиб қолар. Лекин бу ерда «қочиб қолиш» ва «жўнаб қолиш» психологияси Аъзамжон учун жуда характерли. Шундан салча кейин биз бошқа бир гапга дуч келаемиз. «Аъзамжон Ёзёвонда нима қилишини ҳали билмасди. Агар у ерда ҳам уни хафа қилишса, «қўриқ ерингни онангга бер-е», дейди-ю, чопонини елкасига ташлаб кетаверади». Колхозга омонат одамнинг психологияси мана шундай. Ёзувчи бу психологияни унинг икки ўткир қиррасида очади. Типнинг мағзини яхлит қилиб кўрсатади. Аъзамжон — колхозга омонат, Аъзамжон — жамиятга омонат, Аъзам-

жон — хонадонда омонат. Биз ҳали «Уфқ» таҳлилида бунга яна тўхталамиз. Уни бу ерда эслаб ўтаётганимизнинг боиси шундаки, Аъзамжондай социал типнинг тасвири Саид Аҳмаднинг илк ҳикояларидан бирида бошланган эди.

Болтабойга қайтайлик. Лекин «хайр-маъзурни насия қилиб кетавериш»нинг ўзи бўлмас экан. Тузликқа тупуриш оғир оқибатларга олиб боради. Болтабой тоғаси раис бўлган қўшни колхозга ўтиш тараддудига тушади. Лекин аввал бориб одамлардан колхоз ишларини, одамларнинг қанча даромад олаётганликларини, кимларга қанча мукофот тегаётганини суриштиради. Шундан кейингина колхозга ўтиш ҳақида тоғасига гап очади. Лекин тоғаси рози бўлмайди: «Бир тоғора хамирни бир бурда хамиртуруш етилтиради. Сен ўз колхозингга хамиртуруш бўл. Агар мен гапингга кирсам, кўпчиликнинг таънасига қоламан. Ўзимнинг жийронимни аяб, кўшнимизнинг бугоз байталини минган бўламан. Кўнглингга келмасину мисол учун айтдим». Тоға Болтабойнинг миниб бўлмайдиган байтал эканлигини сезиб қолди. Шундай бўлса ҳам яна ўсмоқчилаб сўрайди: «Қани айт-чи, ўз колхозингдан кечиб, бизга ўтишингга сабаб нима?»

— Сабабини айтсам,— Болтабой хижолат бўлиб, оғзини очмай йўталди, тўнининг устидан елкасини қашиди.— Нима қилай, жонимни жабборга бериб ишлаганим билан биров ҳолинг не, демаса, колхознинг аҳволи мундоқ бўлса, газета зўр бериб танқид қилади. Тўқайга ўт кетса, ҳўл-қуруқ барабар экан. Бизга ўхшаганларнинг меҳнати куйиб кетяпти». Мана шу сўзларда «омонат» Болтабой шундоққина кўрниб турибди. Унинг оғзини очмай ғалати йўталгани шундоққина эшитилиб турибди. Еш Саид Аҳмад типнинг нутқ оҳангини ҳам яхши илғаб, яхши акс эттиради. Колхоздан қочаётган такасалтангнинг занчалишроқ гапи шундоқ бўлса керак.

Шу-шу Болтабой колхоздан кетиб станцияларда юк ташиб юради. Сўнг Жуман отанинг панд-насиҳатлари билан яна қишлоққа қайтади. Дарбадарликдан қутулади.

Албатта, Саид Аҳмаднинг танбалнинг тузалиши, дарбадарнинг колхозга қайтиши мавзуида ёзган ҳикоялари бугунги кун нуқтаи назаридан жўнроқ, одмироқ бўлиб туюлади. Бу нарса ҳаёт ҳодисаларини соддароқ

идрок билан соддароқ ва иложи борича беозорроқ қилиб ёритишга уринишдан келиб чиққан эди.

Лекин Саид Аҳмаднинг шулар каби илк ҳикояларида жонли манзаралар ва айниқса, теша тегмаган кулгили ситуациялар кўзга ташланади. «Унинг ҳатто энг кичик ҳикояларидаги персонажлар ҳам, жилла бўлмаса, ўзига хос икки оғиз луқмаси билан ярқ этиб кўзга ташланади»,— деганда, ёзувчи Шухрат ҳақ эди. Бу айниқса, унинг илк давр ҳикояларида жуда билинади. Баъзан бутун бир ҳикоя шундай бир чимдим теша тегмаган гап учунгина тўқиб чиқарилгандек таассурот ҳам қолдиради. «Куёв»да енгил ишга ўрганиб сояпар бўлиб қолган девдай-девдай йигитлар жамоатчилиқнинг тазйиқи билан далага отланадилар. Ёзувчи шундай улфатлардан бирини янги ферма мудирига иш топшираётгандаги ҳолатини чизади: «Жужунча яктак устидан уч қават қийиқ боғлаб олган шоп мўйловли, семиз бир йигит от чоптириб келди. Эгар қошига оёғидан боғланган тўртта товуқ иссиқдан гоҳ қанотига, гоҳ отнинг ёлига тумшугини ишқаб ҳансирар эди.

— Маъруфжон, оғайни, Алихўжа билан икковинг бир бўлиб менга иккита хўроз билан учта товуқ ё бўлмасам икки юз эллик сўм қарз берларинг...» Белига уч қават қийиқ боғлаган шопмўйлов йигитларнинг мана шундай ҳолга тушиб қолганлиги ўзи улар такасалтангликда қай даражага етганларини яхши ифода қилади. Уларни оёғи куйган товуқдек югуртириб қўйган нарса — эл таънаси. Шу таънага чидолмай алихўжалар жонжаҳдлари билан ишга киришадилар.

Ёш Саид Аҳмад илк асарларидаги юзакилик ўрнини антиқа гап, антиқа бир ҳолат тасвири билан, кулги билан тўлдиришга ҳаракат қилади. У қаҳрамон ҳаётига чуқур кирмайди, воқеаларнинг сиртидан юзалаб ўтади, ҳаёт материалларини теран мулоҳаза қилмайди. Илк ҳикояларда у ғалати ситуацияларни ихчам ва лўнда тасвирлашга, қаҳрамонларнинг ҳаракатларини, уларнинг ҳолатларини, диалогларини илғаб олишга уринаётгани сезилади.

Мана шу тажрибалар Саид Аҳмадда катта прозага ҳавас уйғотди. Бу ҳавасни ҳар қанча қутласа арзирди. Ҳатто эллагинчи йиллар арафасида ҳам ўзбек прозаси жуда ёш эди. Бир қатор тилга тушган романлар, ҳикоялар, қиссалар яратилган бўлишига қарамай, ўқийдиган

асарларнинг камлиги ниҳоятда сезилар эди. Биз айти китоб ўқийдиган, китобга ташна пайтимизда китоб то-полмас эдик. Борларини дарров хўплаб қўярдик. Одамнинг руҳини ва дунёқарашини беҳад бойитадиган рус ва жаҳон классик адабиёти етарли таржима қилинмаган эди. «Китобдан-китобга» дейилган чала ва парчалардан, катта асарларнинг тасодифан танланган бобларидан иборат ақл бовар қилмас сериялар ўша пайтда чиққан эди. Қанчалар соғинардик, орзу қилардик ажойиб китобларни! Лекин улар кейинроқ чиқа бошлади. Эсимда, «Ўзбек шеърини антологияси» чиқишини неча ойлаб орзиқиб кутганмиз. У ўттиз сўм эди, ўттиз сўм! Безакдор каттакон бу китобни алоҳа қўлга олганимизда ҳайратдан ёқа ушлаб қолганмиз. Китоб ҳам шунчалар гўзал, шунчалар нафис бўладими! Ажиб иллюстрациялари бор эди ўша антологиянинг! Мен қараб тўймасдим. Ойбекнинг муқаддимаси эса бизга сўз дурдонаси бўлиб туюларди. «Антология» деган сўзнинг ўзини айтмайсизми! Қанчалар оғиз тўлиб кетади бу сўзга! Қанчалар салобатли бўлиб эшитилади бу сўз! Кейин мен бу китобимни йўқотиб қўйдим. Бир неча йиллардан сўнг уни аллаким олган экан, қайтариб берди. Лекин ўн йилларча вақт ўтган эди. У антология менга аввалгидек таъсир қилмади. Мен энди гўзал китоблар қандай бўлишини анча билиб қолган эдим. Рус тилини ўрганиб олганимдан сўнг китоблар олами бирваракайига жуда кенгайиб кетган эди мен учун. Лекин мен ҳамон ўша эллигинчи йилнинг антологиясидан миннатдорман. Унинг менга берган илк завқлари хотирамда.

Лекин муҳокамамизга қайтайлик. Эллигинчи йиллар арафасида адабиётда ҳаётдан барвақт кетган Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжоннинг ўрни жуда билинар эди. Мана шуларни ўйлаганда, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидовнинг проза соҳасидаги фаол ҳаракати менга чинакам жасорат каби кўринади. Шу адибларнинг зўр ғайрати билан прозада жонланиш сезилди. Улардан илҳомланиб, улар атрофида юриб, адабиётга Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим каби носирлар кириб кела бошладилар. Еш носирларнинг йирик асарларга қизиқишлари ҳам қарийб шу эллигинчи йиллар арафасидан бошланади.

Саид Аҳмад қирқ тўққизинчи йилда «Қадрдон дала-

лар» повестини ёзиб тугаллади. Замон шамоллари бу повестнинг варақларини тўзғитиб юборолмади. У 1957 йилда нашр этилди.

«Қадрдон далалар» ёзувчи учун чинакам ижод мактаби бўлди. Шу асар баҳона у прозанинг ички сирлари ичига чуқурроқ назар ташлади. Ҳаётнинг катта миқёсдаги манзараларини ихчам, лўнда, қизиқарли қилиб тасвирлашга ўрганди, эпик тасвир машқини олди. Энг муҳими, «Қадрдон далалар» унинг проза яратишга бўлган муҳаббатини, ёзувчи бўлиш иштиёқини оширди. Мақсад қатъийлашди. «Қадрдон далалар»ни ёзиб Саид Аҳмад ўз кучига ишонч ҳосил қилди. Бу асар ёшликнинг беғубор самимияти билан қоғозга тушди. У худди лолалар билан бурканган офтоб кўрпа ёйган адирларга ўхшайди. Шу манзара беш-ўн кунгина туради. Лекин одамнинг кўз ўнгида умр бўйи қолади. «Қадрдон далалар» эрта очилган мана шундай лолазор каби Саид Аҳмадга бир умрлик завқ берди. Унга катта завқли оламнинг эшиклари мана шундай очилди.

1921 йилда Парижда инқилобий Россиядан қочиб кетган буржуа ёзувчиси Аркадий Аверченконинг «Революциянинг елкасига қадалган пичоқлар» китоби чиқди. В. И. Ленин шу китобга тақриз ёзди. Бу тақризда, чунончи, қуйидаги сўзлар ёзилган: «Автор ўз ҳикояларини унга нотаниш бўлган мавзуга бағишлаганда, бадий чиқмайди», «талантли ёзиш учун билиш керак». В. И. Ленин бадий проза яратишнинг биринчи шarti қилиб, ҳаёт материални яхши билишликни қўяди. Ёзувчи мавзуни ҳар томонлама, теран ўзлаштиригандагина уни талант билан ёритиши мумкин. Ёзувчининг ёрқин таланти бўлса-ю, шу талантга ишониб ўз мавзуларини чуқур билмаса, ўрганмаса, у ҳеч қачон талантли китоб яратолмайди. В. И. Ленин ҳаётни, ижтимоий воқеликни, унинг энг муҳим тенденцияларини билишни шу қадар юқори қўяди. Билиш талантнинг кўзини очади. Унинг билганлари қанчалар кўп бўлса, улар ичидан замон ва тараққиёт учун муҳим бўлган характерли ҳодисаларни ажратиб олиш ва тасвирлаш имконияти шунчалар ошади. Ёзувчининг билган нарсалари руда ҳолида бўлади. Маяковский айтгандек, минглаб тонна рудадан граммлаб радиий ажратиб олади.

«Қадрдон далалар»ни ўқиганда, ёзувчининг ўзи тасвирлаган ҳаётни яхши билиши сезилиб туради. У ўз

қахрамонларига замондош. Уларнинг қиёфаси, руҳияти унга яхши таниш. У Пўлатжон каби қахрамон жангчиларни урушдан қайтаётганларида вокзалларда кутиб олган, улар билан далаларда, эндигина авж олаётган колхоз қурилишларида учрашган, уларнинг интижишлари, кўзлаган мақсадлари унга бегона эмас. Шунинг учун «Қадрдон далалар»даги тасвир бир чеккадан туриб қилинганга ўхшамайди. Воқеаларнинг худди ичида юрган, уларда бевосита иштирок этган кишигина шундай ёзади.

Ота-онасининг ёлғиз ўғли Пўлатжон урушдан кўксига Олтин Юлдуз тақиб қайтди. Унинг ўнг оёғи болдиригача йўқ, кесиб ташланган. Пўлатжоннинг қайтиши Асакада тўй бўлиб кетди. Район партия комитети Пўлатжонни колхозда янги қуриладиган электростанциянинг бошлиғи қилиб тайинлайди. Шу билан бирга Пўлатжон колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари вазифасини ҳам адо этади. Пўлатжон бутун куч-қувватини станцияни пахта йиғим-теримигача қуриб олишга қаратади. Одамларни уюштиради, ногирон бўлишига қарамасдан сепояларни бостиришда шахсан қатнашади. Қурилиш жадал суръат билан то пахта теримига қадар асосан қуриб битказилади. Шундан сўнг Пўлатжон ҳам қурилиш, ҳам пахта йиғим-теримига ташкилотчилик қилади. Колхоз Октябрь байрамигача давлатга пахта топшириш планини ошириб бажаради. Сўнг электростанция ишга туширилади. Социалистик қишлоқ электр нурлари билан чароғон бўлади. Асакада байрам бўлиб кетади.

Повесть воқеаларини Пўлатжон билан бригадир қиз Назокат ўртасида туғилган севги жонлантириб туради. Назокат Пўлатжонни тўрт йил кутди. Тўрт йил улар ошиқона мактублар ёзишдилар. Уларнинг бир-бирларига муҳаббатлари жўшқин ва оловли. Лекин жўшқинлик ташқарига тошиб чиқмаган, севги оловининг алангалари севишганларнинг қош-кўзларини куйдирмаган: бу — юрак қатларига чуқур ўрнашган севги. У қахрамонларнинг ҳаё-иффатлари билан қаттиқ пардаланган. Пўлатжоннинг оғзидан севаман, деган сўз чиқмайди. Назокат бу сўзни сабр ва толиқиш билан кутади. Лекин Пўлатжон севгисини яширади, уни ошкора ифода қилишга ё ботинмайди, ё буни ахлоқан истамайди. Афтидан, ахлоқан истамайди. Унда бу йигитлик иффати бўлади. У сев-

ги ҳақидаги юрак сўзларини фронтдан қизга ёзган мактубларида айтганлигини эслатади. Лекин у сўзларнинг конкрет мазмуни бизга қоронғи. Афтидан, буни қаҳрамонларнинг ўзлари билишлари етарли бўлса керак. Пўлатжонни атай Назокат билан ёлғиз қолдирган чоғларида ҳам улар ишқ-муҳаббатдан оғиз очолмайдилар. Лекин юраклари севгининг ҳиссий лаззатидан титраб туради. Қизиқ ҳол. Улар бир-бирларига изҳори ишқ қилолмайдилару, лекин ўз севгилари ҳақида бошқалар билан бемалол, тортинмай гаплашаверадилар. Хусусан, Назокат колхоз раиси Жўрабой ака билан Пўлатжонга бўлган муҳаббати ҳақида дангал, ўзини четга тортмай сўйлашаверади. Жўрабой ҳам ота сифатида ёшларнинг юрак ишларига бемалол, тортинмай аралашаверади.

Севги тўғонсиз бўлмайди. Район савдо бўлимининг мудирини Умарбек билан Пўлатжоннинг отаси кекса коммунист Қарим полвон ёшлар ўртасига тўғоноқ тушадилар. Қарим полвон Йўлдош ота Охунбобоевнинг ўз кўлидан партия билетини олган бўлишига қарамай, қаҳрамон ўғлини унинг ҳеч қандай розилигисиз Умарбекнинг қизига унаштириб қўйган. Уғлининг кўнгли Назокатда эканлигини билгандан сўнг эса буни тан олгиси, сўздан, аҳдидан қайтгиси келмайди. Умарбек эса тўғни ўтказишга Қарим полвонни тезлайди. Бу иш битмаслигига ишонгач, Умарбек Қарим полвоннинг розилиги билан Пўлатжон ҳақида бўҳтон тарқатади. Пўлатжон уйланган экан, бола-чақасини қишлоққа олиб келмаган экан, қаҳрамонлиги ҳам шубҳали, деган мишмиш тўқилади. Мишмишни тарқатиш омбор мудирини Ҳожиматга юклатилади. Ҳожимат бу «ҳақиқатни» Назокатга маълум қилади. Назокат бу гаплар тагида туҳмат ётганлигини дарҳол англаб етади. Пўлатжон ва Назокатнинг муҳаббати шу тўғондан ҳам ошиб ўтади. Улар ўз бахтиёр никоҳларини сари ғолибона борадилар.

**Ғоя.** «Қадрдон далалар» эски қишлоқни чинакам социалистик қишлоққа айлантириш ғоясини илгари суради. Пўлатжон, Назокат, райком секретари Рўзиев шу ғоя учун курашадилар. Урушдан кейинги йилларда колхозларнинг чўккан иқтисодий аҳволини тиклаш ва юқорига кўтариш, колхоз қишлоғини обод қилиш, маданийлаштириш жамият ҳаётининг долзарб масалаларидан бўлиб қолган эди. Саид Аҳмаднинг бу асари воқеликнинг шу долзарб масаласига жавоб тариқасида ёзилди.

Албатта, социалистик маданий-иқтисодий ўзгаришлар ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Бу ишларни эътиқоди билан кишилар амалга оширадilar. Саид Аҳмад шундай одамларни ўзига хос қиёфалари билан кўрсата олди.

**Пўлатжон.** Бу йигит тўрт йил уруш нималигини кўриб-билиб келди. Урушга кетмасдан илгари у оддийгина йигит эди. Кўпчилик қатори кетмончилик қилиб юрар эди. Кунлик нормасини бажариб бошқаси билан асло иши бўлмасди. Мажлисларда ҳам биров уни на яхшилаб тилга оларди, на ёмонлаб. У «ва бошқалар»нинг ичида эди. Ўз аравасини ўзи судраб юрадиганлар ичида у унчалар кўзга ташланмасди. Лекин уруш, солдатчилик унинг онгини ўзгартиради. (Биз кейинроқ Саид Аҳмаднинг қаҳрамонларида мана шундай онг ўзгариши онларига кўп дуч келамиз ва уларни таҳлил қилиб ўтамиз.) Ёзувчи бу ўзгаришни шундай баён қилади: «У фронтга келгач, бундоқ ўйлаб қараса, ўз аравасини ўзи судраб юришнинг маъноси, ўзингни бил, ўзгани кўй, деган билан баравар экан. Агар хар бир солдат фақат ўзини ўйлаб, ўз жонини сақлаш билан овора бўлса, елкасига милтиқ осиб, шунча йўл босиб, бу ерларга нима деб келди? Пўлатжон шу ҳақда ўйлаган сари, ўзини бошқача сезар, қизгин жанг пайтларида ҳам ўз жонидан кўра қўшни окоплардаги жангчилар ҳақида кўпроқ ўйлар эди».<sup>1</sup>

Пўлатжондаги ўсиш-ўзгаришни баён қилиб берган ушбу сўзларда асарнинг етакчи ғоясини тўлдирадиган фикр ҳам мужассам. Бу коллективизм ғояси. Пўлатжон коллективизм канчалар қудратли нарса эканлигини урушга бориб билди, ҳис қилди. Коллектив кучига унда ишонч туғилди. Унинг қаҳрамон бўлиши ҳам тасодифий эмас. Уни халққа, партияга ишонч қаҳрамон қилди. Саид Аҳмаднинг илк ҳикояларида шахс ва коллектив муносабатларида коллектив доимо қайта оёққа бостирувчи куч сифатида талкин қилинганлигини юқоридаги ҳикоялар таҳлилида кўриб ўтгандик. Пўлатжон тақдирда ҳам шу ҳолни кузатамиз. Кейинги таҳлилларимизда ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб борамиз. Чунки шахснинг тикланишида коллективнинг роли Саид Аҳмад асарларида доимо урғу билан таъкидланади.

Пўлатжон урушда қаҳрамон бўлдим деб керилиб

---

<sup>1</sup> Саид Аҳмад. Қадрдон далалар. Тошкент, 1957, 44.



келган эмас. У ортиқча ғурур инсон қадрини паст қилишини билади. Шунинг учун айш қилишнинг эмас, меҳнатнинг пайида. У партиянинг қадрини юракдан англайди ва ҳар бир ишини партия кишиси нуқтаи назаридан ўлчаб кўради. Райком билан маслаҳатлашади, ундан ўрганеди, мадад олади. Шу жиҳатдан у райком секретари Рўзиевга, эски коммунист Жўрабой акага муносиб шогирд. Жўрабой ака ўз навбатида пўлатжонлар ҳақида шундай деб ўйлайди: «Ажойиб йигит, чинакам инсон. Бу одамларнинг кучини, иродасини ҳеч қандай қаршилик синдиролмайди». Пўлатжонда шундай қаҳрамон бўлиш учун ҳамма шаронтлар етарли. Фақат ёзувчи бунинг кенгроқ, ишонарлироқ, бадий теранроқ акс эттиришдан ўзини тияди. У қаҳрамонида рўй бераётган ўзгаришларни реал ҳаёт материали асосида эмас, сўзда, баён ва маълумот тариқасида айтиб ўтиш билан чекланади.

Натижада Пўлатжон образидан китобхоннинг кўнгли тўлмай туради.

Маълумки, ҳар қандай бадий асарнинг қовурғасини реал ҳаётни зиддиятлар тутиб туради. Шундай коллизия — тўқнашувларсиз асар бадий тўлақонли ҳолатга кирмайди. «Қадрдон далалар»да ёзувчи жиддий ҳаётни, инсоний зиддиятларни ўртага ташламайди. Характерларга кураш майдони етишмайди. Тўғрироғи, бундай майдон йўқ. Шунинг учун улар нима қилишларини билмайдилар. Ёзувчи эса бунинг ўрнини маълумотлар, табиат тасвирлари билан тўлдиришга, қандай қилиб бўлмасин, бадийликнинг шарпасини тиклашга ҳаракат қилади. Коллизия йўқлигидан муваффақиятли бошланган характер ривожланмай куртак ҳолида қолиб кетади. Қаҳрамонларнинг фаолият майдонлари тор, шу торлик уларнинг характер белгиларида ҳам кўринади. Назокат образида ҳам шунга ўхшаш ҳол кузатилади.

**Назокат.** Бу қизни кўп эмас, уч мартагина жонли ҳаётни вазият ичида учратамиз. Қарим полвон билан Умарбек Назокат бошлиқ бригаданинг полизига келиб, «эмка»га қовун орттирадилар. Умарбекнинг ҳовлисига меҳмон келадиган. Шунинг устига Назокат келиб қолади ва қовунларни жойига қайтаради. Қарим полвон билан Назокат ўртасида гап қочади. Вазият нозик. Ахир, буларнинг бири, Назокат жондан севган йигитнинг отаси, ўзининг бўлажак қайнатаси, иккинчиси, район катталаридан, обрўли одам. Назокат улардан заррача тап

тортмайди. Дўқ-пўписаларга қарамайди. Қовун шу қизларнинг ҳақи. Назокат колхозчи қизларнинг ҳақини талон-торож қилишларига йўл қўёлмайди. Икки катта одам мулзам бўлиб жўнаб кетадилар.

Назокатнинг бошқа эсда қоладиган томони — у колхозда маданий янгиликлар бўлишини истайди. Газетага мақола ёзади, эскича яшашни танқид ўтига олади. Хайри, Зеби деган колхозчи аёлларни тошойнали жавон, гилам олишга даъват этади. Даврнинг сувдай кечишини қаранг. Бир пайтлар, яқингинада, гулкўрпа афзалми, тошойнали жавон афзалми, деб чин дилдан баҳслашиб ўтирганликлари ва буни адабиёт ҳам акс эттириб ўтгани бугун беҳад ғалати кўринади. Ишонгинг келмайди. Лекин шундай бўлган. Кечагина шундай эди. Кечагина водопровод, электр, жавон, машина, аэроплан, трактор — том-тугал янгиликлар эди. Уттиз йил нари-берисида олам шунчалар ўзгариб кетди. Ҳа, ўзбек деҳқонининг ҳаёти содда эди. Ўз вақтида шундай содда нарсалар учун кураш улар ҳаётининг мазмунини ифодалар эди. (Назокатнинг маданиятга интилишини кейинроқ Саид Аҳмаднинг бошқа қаҳрамон қизлари давом эттирадилар. Чунончи, «Баҳор қизлари» деб аталган ҳикоянинг қаҳрамони Шаҳло қишлоқ қизларинигина эмас, қишлоқда иш услубини ҳам маданийлаштиришга ҳаракат қилади. Лекин Шаҳло билан Назокат ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу даврлар фарқи...)

Назокат яна бир маротаба партиёга ўтаётганда, партиё билетини олаётганда, ўзини чинакам коммунист деб ҳис қилган чоғда ёдда қолади. Ёзувчи ёш коммунист ҳаётида рўй берган бу қувончли воқеани шундай чизади: «Қайтишда Назокат тамоман ўзини унутиб қўйган эди. У райкомда билетини ола туриб қандай ҳаяжонланган бўлса, ҳозир ҳам шундай ҳаяжонда эди. У коммунист. Унинг ёнида, кўкрак чўнтагида партиё билети. У шу вақтгача нима иш қилган бўлса, қандай яшаган бўлса, энди шу хизматлар гўё ҳеч нарсага арзимас, қандайдир камчиликлар, бепарволик, нуксонлар бўлиб кўринар эди. У ўйлар эди: «Коммунист. Бу номни оқламоқ керак. Мен ҳали бу юксак номга номзодман, холос. Ўзимни оқлашим, меҳнатда ҳам, ахлоқда ҳам бошқаларга намуна бўлмоғим керак. Ахир, бу партиё билети».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> «Қадрдон далалар», 148.

Назокат ўзини шу воқеа таъсирида қайта туғилган-дек ҳис қилади. Шу ондан эътиборан дунёга, «янги кўз, янги фикр» билан ёндашаётгандек бўлади. Ёзувчи ёш коммунист юрагида содир бўлаётган кечинмаларни анча ёрқин ифодалайди.

Назокатнинг юраги Пўлатжонга мисли қушдек талпиниб туради. Унинг хаёллари жасоратли ва пок. Ёзувчи Назокатни кечинмалари кўтаринки, жўшқин бир қиз сифатида талқин этишни истайди. Лекин юқорида айтганимиздек, у юрагида кўтарилган ҳиссиёт тўлқинларини кўпда юзага чиқаравермайди. Биз уни жўшқин қиз деяпмиз. Жўшқинлик, хусусан, қизнинг қуйидаги кўнгил хитобида айниқса, чиройли акс этади: «Назокатнинг кўзи олдида кўксига Олтин Юлдуз таққан хушмўйлов йигитнинг забардаст қиёфаси гавдаланди. Бу Пўлатжон! Балоғат йилларининг илк тонгларида кўзга уйқу бермаган ширин хаёллар, қалбнинг пинҳоний ўртанишлари сенга, истиқбол дардида ўртанган кунларнинг умидли чечаги Пўлатжон!

Сенинг муҳаббатинг билан кўксимда йилт этган умид ва севги учқуни ҳижрон йиллари оловланиб, ўчириб бўлмас алангага айланди. Мана шу бепоен далаларда шамолдек кезиб, арслондек меҳнат қилиб, сенинг севгингга сазовор бўлолсам дердим, жўякларда шилдираган сувлардан сенинг биринчи бор айтган сўзларингнинг тинглардим, мана шу кўпикланиб, тошларни қулатиб оқаётган сойнинг гувуллашида, жанг оловларидаги наърангни эшитардим. Мени ҳаётга тинмай ундаган, меҳнатда зафарга етаклаган, эл олдида юзимни ёруғ қилган сен, сенинг муҳаббатинг, Пўлатжон! Сени севаман, виждон билан севаман сени...»<sup>1</sup>

Мана шу парча очиқ юз билан айтганда, повестнинг энг гўзал, энг кўтаринки ва рангин, парвози баланд сўз билан ёзилган парчаларидан. У Назокатнинг жўшқин қалбидан, жўшқин инсон эканлигидан дарак беради. Кези келганда айтиб ўтайликки, ёзувчи мана шундай лирик монологга кейин яна бир марта мурожаат қилади. Бу Пўлатжоннинг «...одам ярата олувчи она!» — деб бошланадиган сертўлқин ички монологидир. Умуман. Саид Аҳмаднинг кейинги барча лиро-драматик асарларида учрайдиган лирик-публицистик монологлар, че-

<sup>1</sup> «Қадрдон далалар», 12-13.

кинишлар, публицистик жўшқин хитоблар тўлқини бошланган ўрин мана шу ердир. Биз ҳали бу ҳақда муайян фикрларимизни ўз ўрни билан баён этиб ўтамиз.

Лекин адолат юзасидан кўрсатиб ўтайликки, Назокат шунча қизлик жозибасига қарамасдан, боя кўрсатиб ўтилган камчиликларга кўра натуралистик тўғри образ каби таассурот қолдиради. У ҳам мисоли бўртиб турган куртак. Лекин ижодий шарбат етишмасдан тўла очилиб улгурмаган куртак. Умарали Норматов «Қадрдон далалар»нинг қаҳрамонларини кемтик қилиб турган сабабларни адолат билан қайд қилиб ўтади: «Қаҳрамон йўлидаги реал, жиддий қийинчиликлар четлаб ўтилганидан, конфликт, аҳамиятсиз, омонат можаролар асосига қурилганидан қаҳрамонларнинг руҳий дунёси жуда юзаки акс этган, бинобарин, характерлар қиёфаси хира, қаҳрамонлар портретининг айрим штрихлари бору ўзи йўқ, тўғрироғи, асарда тўлақонли индивидуал характерлар кўринмайди».<sup>1</sup>

Шу фикрларнинг асосли эканлигини тан оларканмиз, яна адолат юзасидан таъкидлаб ўтамизки, бу асарга Саид Аҳмад ижодиётининг умумий тараққиёт йўналиши жиҳатидан қаралса, уни шу ижодиётдан ажратиб эмас, узвий бир алоқада кўздан кечирилса, Саид Аҳмаднинг ижодий ўсишидаги бир ҳалқа деб билинса яъни бир сўз билан айтганда, катта ижодиёт контекстида текширилса, унда албатта, «Қадрдон далалар»га бошқачароқ ёндашиш ҳам мумкин.

Ёш ёзувчи йирикроқ эшик асарга илк қўл уриши эди. Яна устига-устак унинг бу тажрибаси «пардозлаш» — ҳаётни «пардозлаб тасвирлаш» — йўқни йўндириб, нотекисни текислаб ёзиш авжга миниб келаётган ва бу айниқса, суяги қотмаган ёш адиблар, шоирлар, танқидчиларнинг ижодига анча-мунча салбий таъсир қилаётган бир даврга тўғри келди. Бунинг устига яна қайтарамиз, ўзбек прозасининг тажрибалари ҳали қатлам-қатлам бўлиб улгурмаган эди, тажрибаларга ранг-баранглик. услублар ранг-баранглиги етишмасди. Прозанинг жуда катта биноси қурила бошлаган, лекин уни қурувчиларнинг сони бармоқ билан санарли эди. «Қадрдон далалар» мана шундай адабий шароитда қоғозга тушди. Ўз вақтида у қувонч билан кутиб олинди.

<sup>1</sup> У. Норматов. Саид Аҳмад (адабий портрет). Тошкент, 1971, 70.

**Карим полвон.** Пўлатжоннинг отаси Карим полвон повестда бирмунча жонли ҳаётини қайновлар ичида ҳаракат қилади. Унинг тарихи узоқ. Ота Охунбобоев билан бирга Ўзганда чоракорлик қилган. Қирғизҳожини қўлида ишлаб ҳаётнинг кўп аччиғини тотган. Шўро тонги отганда, бел боғлаб унга хизмат қилган, Охунбобоевнинг қўлидан фирқа билетини олган. Коллективлаштиришда фаол қатнашган, бир неча йиллар колхозга раислик қилган, ҳукумат олдида катта обрў орттирган. Хикоя қилинаётган даврда у колхоз ҳосилот советининг раиси. Эски, чиниққан гвардиядан. Лекин Пўлатжон урушдан Олтин Юлдуз тақиб келгач, Карим полвон бирдан керилиб кетади. Иш, одамларни менсимай қўяди. Анча соддадил одам бўлганидан қув Умарбековнинг таъсирига тушиб қолади. Ўғлининг ихтиёрини сўраб ўтирмай уни уйлантириш пайида юради. Пўлатжон унинг тўғри йўлдан тойиб бораётганлигини дангал айтишга, унинг партиявий виждонини уйғотишга мажбур бўлади. Райком секретари Рўзиев Карим полвон билан принципиал суҳбатлашади. Карим полвон хатоларини англайди, қаттиқ изтиробга тушади. Утган шонли ҳаёти кўз ўнгидан ўтади. Пўлатжон ва Назокатдан узр сўрайди. Яна колхознинг фаол ишига қайтади. Карим полвонни фаол ҳаётга қайтариш учун кураш — одам учун, унинг қадрини ва оқибатини учун бўлган кураш ғамхўрлик каби англанади. Карим полвон образида давр пўртаналарида етишган маълум бир социал типнинг ҳамиртурши бор. Ёзувчи бу образ воситасида катта ҳаётини ҳақиқатни очиб бериши мумкин эди. Лекин, афтидан, бу образни унинг ҳаётини-ижтимоий теранлигида очиб бериши ҳали етилмаган эди. Шунинг учун бу образ осон ҳал қилинган арзимас тўқнашувлар ичида ўралашиб, майдаланиб қолди. Ҳаёт етиштирган шўнга ўхшаш образни Қаландаров тимсолида очиб кейинроқ Абдулла Қаҳҳорга насиб этди.

«Қадрдон далалар» ёшлик завқи билан ёзилган асар. У адиб ижодининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Бу асар Саид Аҳмад талантининг яхши томонларини кўртак ҳолида намоён этди. Саид Аҳмаднинг эллик олтинчи йиллардан бошлаб ёзган лиро-драматик ҳикояларида, «Уфқ» трилогиясида биз бу илк эпик асардан алланарсалар ўтганлигини, кўртаклар кейин бориб гўзал самаралар берганлигини кўраемиз.

Саид Аҳмаднинг ўзи ҳам ижодкор инсон сифатида ўса борди. У кейинроқ иш учун эмас, одам учун курашиш керак деган эътиқодга келди. «Пардозлаш» даврида иш учун курашиб, кўпинча, ишчининг ўзи унутилар эди. Ваҳоланки, идеалда кураш одам учун боради. Инсон барча неъматларни яратувчи, ижтимоий-тарихий воқеликнинг ажралмас бўлаги, тарихни ҳаракатга келтирувчи куч. Иш унинг мураккаб оламида яна бир олам. Инсоннинг иш оламини кўрсатиб, унинг руҳий дунёсини назардан қочирадиган, инсон курашининг руҳий асосларини менсимайдиган адабиёт чала, бир ёқлама, саёз адабиёт бўлиб қолади. Саид Аҳмад шундай қарашга келди. Бу қарашлар унинг «Ҳукм», «Уфқ» сингари эпик асарларида, қатор ҳаётий ҳикояларида ўз аксини топди.

1955 — 1965 йиллар Саид Аҳмад учун чинакам сермахсул йиллар бўлди. У тўлиб юрган экан, шу йиллар ичида қанчадан-қанча ҳикоялар, «Ҳукм» повести, «Уфқ» нинг биринчи романини ёзиб тугатди. Бахт ва илҳомга тўлиқ йиллар эди бу йиллар ростдан ҳам. Бу йиллар Саид Аҳмаднинг ёнида унинг ажойиб ижодкор ҳамдами, ёрқин истеъдод соҳибаси, соҳибдил ва соҳибшеър Саида Зуннунова ижод этди. Мустақил талант эгаси Саида Зуннунова Саид Аҳмадга айниқса прозада жўр қалам тебратди. Бу Саид Аҳмадга туганмас илҳом ва мадад берди.

Ёзувчининг иккинчи йирик асари «Ҳукм» 1958 йилда ёзилди. Бу асар бир нафас билан яхлит қоғозга тушди. Шунданмикин, ундан аллақандай ёшлик шижоати ёғилиб туради. Бу етилган йигитлик шижоати бўлса эҳтимол. «Қадрдон далалар»да ҳамма нарса сочилиб ётган эди, «Ҳукм»нинг ҳамма мускуллари таранг тортилган. Орадан яқин ўн йил ўтганлиги, ёзувчи камол палласига кирганлиги сезилиб туради.

«Ҳукм»да коллектив хўжаликлар барпо бўлаётган илк даврларнинг нотинч, серғулув воқеалари акс этди.



Саид Аҳмад қаламқаш дўстлари даврасида. Чапдан ўнга: Мирмуҳсин, Соғим Улуғзода,  
Саид Аҳмад, Хидир Деряев, Жалол Иқромий.

Андижоннинг Хўжаобод томонларида тоғларга ту-ташган Зорқишлоқ бор. Зорқишлоқнинг одамлари жуда содда одамлар. Биз уларни янгиликларни анча қийинчиликлар билан қабул қилаётган чоғларида учратамиз. Зорқишлоқ кишиларининг ҳаётий тажрибалари, муносабатлари, ишлари, сўзлари — бари содда. Уларнинг онглирида динга ишонч чуқур сингиган. Саид Жалолхон эшоннинг кароматларига ишонадилар, уни пир деб биладилар. Мана шу ҳаёти бир текисда кечаётган Зорқишлоққа инқилоб нури тушди. Одамлар аввал ширкатларга, сўнг коллектив хўжаликларга бирлашга бошладилар. Босмачилик довуллари бу ерларни ҳам бир замон шипириб ўтган. Лекин тарих, ҳаёт холхўжабеклар устидан аёвсиз ҳукмини ўқиб бўлган. Улар аллақачон алам бодасини ичганлар.

Лекин уларнинг қолдиқлари кунжакларга биқиниб олиб, совет идораларига суқилиб кириб ҳамон Шўрога унинг одамларига орқадан пичоқ санчишга уринадилар. Зимдан янги тузилаётган коллектив хўжаликларни барбод қилишга интиладилар. «Ҳукм» мана шундай биқиниб олган душман қолдиқларининг сўнгги ирkit жиноятларини фош қилади.

«Ҳукм»да тусини ўзгартирган душман Низомиддинов қиёфасида гавдалантирилади. Езувчи Низомиддиновнинг таржимаи ҳолига анча чуқур кириб боради. Унинг кўргиликлари биографиясини яратади ва шу асосда характери ни шакллантиради. Низомиддинов инсоний бузуқликларнинг мараз вайронаси узра бойқушдек чақчайиб туради. Унинг умри — нурдан йироқ, зиёга бегона умр. Низомиддинов холхўжаларни шўрога қарши қайраганлардан, унга раҳнамолик ва айғоқчилик қилганлардан. Унинг холхўжалардан қилган умиди оз фурсатда кўкка совурилиб кетди. У ёлғиз қолиб узоқ қишлоққа кетди ва бу ердан ўзининг эски ҳамтовоқларини топиб олди. У қишлоқ шўросига ўзини Сибирь сурғунидан соғлиғини йўқотиб қайтган инқилобчи қилиб кўрсата олди. Уни Зорқишлоқда тузилган янги колхозга котиб қилиб қўйдилар. Тугал саводсиз бўлган Зорқишлоқ кишилари орасида саводи билан ҳурмат қозонади. Ўз вақтида рус-тузем мактабини битирганлиги унга қўл келади. Саводи бор экан, Зорқишлоқда зарур одамга айланади. Қишлоқни тамом ўзиники қилиб олгач, у аста эски шерикларига ёрдам беради. Чунончи, раҳнамоси Азимбойни бир не-



ча маротаба қулоқлар рўйхатидан ўчириб қишлоқда олиб қолади. Саид Жалолхон эшон билан унинг қулбаччаси Назирқулни қўллайди. У тамомила мустаҳкам ўрнашганлигига ишонч ҳосил қилгач, аста шўро одамларига қарши ҳужумга ўтади. Колхоз раиси Бўтабойни бадном қилиш мақсадида Эшон аяни ишга солади. Эшон ая Бўта билан йўл устида дуч келиб, фарёд кўтариб унга ёпишади, одамларни ёрдамга чақиради. Ирилган одамларга Бўта мени зўрламоқчи бўлди, менга чанг солди, дейди. Содда қишлоқ халқи Эшон аянинг найрангига чиппа-чин ишонади, улар Бўтадан қаттиқ норози бўладилар. Аяни чигит экиладиган паллада хотин-қизлар далага ишга чиқмай қўядилар. Қишлоқ аҳли, айниқса, аёллар Эшон аяга ишониб, Бўтага ишонмайдилар. Езувчи қишлоқ кишиларининг ўша пайтдаги савиясини, психологиясини ҳаётий қилиб ёритади.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотган, шўро учун курашган, жанг қилган Бўта мана шу найранг олдида дафъатан шошиб қолади. Ўзини ҳимоя қила билмайди, индамай туришга мажбур бўлади. Бу уни одамлар кўз ўнгидан янада гуноҳқорроқ қилиб кўрсатади. Партия ячейкасининг котиби Бектемиров ҳам шошиб қолади. Қишлоқ фаоллари иш ойдин бўлгунча Бўтани раисликдан четлатишга, унинг ишини текшириш учун учлик комиссия тузишга қарор берадилар.

Душман ғалаба қозонгандай бўлади. Низомиддинов орзулари рўёбга чиқа бошлаганидан шодланади. Уни вақтинча колхоз раиси қилиб қўядилар. У босмачилик пайтларида эгардан ағдаролмаган душманини энди ағдарди, саросимага солди, бадном қилди, қишлоқ аҳлини унга қарши оёққа турғизди. Шу билан бирга у Бўтанинг ишини текширадиган комиссиянинг ҳам аъзоси.

Саид Аҳмад Бўтани ҳам, унинг душмани Низомиддиновни ҳам жуда характерли ситуацияларда тасвирлайди. Шундай ғалати ёрқин ситуацияларда тамомила бир-бирига қарши икки одамнинг ҳолатларини кузатиш, мушоҳада қилишга таклиф қилгандай бўлади. Бўтанинг поклиги, қайсар ботирлиги, соддадиллиги, Низомиддиновнинг шайтонлиги, ичдан пишганлиги шу тўқнашувларда яхши гавдаланади.

Низомиддиновнинг қаршилигига қарамай Бектемиров қишлоқда рўй берган аҳволни район партия коми-

тетига хабар қилади. Бўта ўз навбатида район милициясини огоҳлантиради.

Низомиддиновнинг қисқа раислиги вақтида колхоз тарқаб кетиш хавфига дучор бўлади. Одамлар колхозга кириш пайтида топширган мол-қолларини қайтариб олиш учун молхонага ёпириладилар. Колхоз тарқалади, Бўта қочибди, икки юз киши ётадиган кўрпа келаётганмиш, деган гаплар тарқайди. Ваҳима кўтарилади, оломон Бектемировни калтаклайди. Одамлар шу ерда Бектемировнинг метин иродасига дуч келадилар ва қоядан қайтган тўлқиндай ортга қайтадилар. Бектемиров ўзини ураётган, тепаётган, юлаётган одамларни айбламайди, улар нимага шундай қилаётганликларини тушунади. Райком секретари Қаландаров сал кейинроқ, «эндиги қуролимиз ақл, виждон, идрок ва оташин тарғиботдир», дейди. Бектемировнинг иш усулида шу тўрт нарса бирлашиб кетганлиги равшан кўринади. Одамлар шу эътиқод ва ишончни, ҳақ иш учун фидойиликни англагандай бўладилар. Колхоз йўлида турган хавф бартараф қилинади. Қишлоққа аста шўро янгилıkları кириб келади. Станцияга икки юз киши бирга ётадиган кўрпа келганмиш, деган мишмишлар ичида биринчи электр чироғи ёнади. Қишлоқда мактаб очилармиш, муаллима келаётганмиш, деган хушxabар тарқалади.

Муаллима — Саломатхон илгари шу Зорқишлоқда эшоннинг чўриси бўлган. Сўнг эшон томонидан Холхўжага тортиқ қилинган. Бу қизнинг бошидан кўп савдолар, хўрлик, зўрлик кечган. Холхўжа қароргоҳидан қочиб Тошкентга ўқишга борган. Мана энди ўқишни битириб яна шу ёқларга келяпти. Саломат эшон қўлида чўри экан, Бўта билан ўрталарида севги шамоли эсан, лекин Бўта бир кечада унинг изини йўқотган.

Саломат Холхўжа қароргоҳида кўп ишларни, кўп одамларни кўрган. Унинг Зорқишлоққа келиши Низомиддиновнинг фош қилиниши деган гап. Саломатнинг тирик эканлигини, қишлоққа муаллима бўлиб келаётганлигини тасодифан пайқаб қолган Низомиддинов қаттиқ типирчилаб қолади. Саломатни орадан кўтариш чорасини излайди. Унга қарши Назирқулни қайрайди. Назирқул Саломатнинг йўлини пойлаб уни қишлоққа кириб келаётганда чавақлаб ўлдиради. Тасодифан омон қолган Тунсунбой отанинг кўмагида жиноят аста очила-

ди. Низомиддинов ҳам, Назиркул ҳам кўлга олинади. Шунда қишлоқда рўй берган барча бузғунчиликларнинг аси ташаббускори ким эканлиги равшан бўлади. Повесть, «тарих ҳукми мажақланган кўҳна дунёнинг ожиз парчаларидан қаср қурмоқчи бўлган телбанинг аҳволи танг эди», деган сўзлар билан тугайди.

Асар ҳақидаги гаплар унинг ички тузилишига кўра бўлади. Саид Аҳмаднинг содда усул билан ёзилган бу асарлари мураккаб илмий таҳлилларни талаб қилмайди. Содда нарсани мураккаблаштириб тушунтириш эса азалдан тақдирланмай келади. Хуллас, адабий таҳлил табиати асар табиатидан келиб чиқади. Бу худди ҳар мавзу ўз ифода услуби билан туғилишидай гап. Биз ҳам ўз содда усулий муҳокамаларимизда ёзувчининг ўзига хос йўлини, шаклланиб бораётган усулини, асарларининг мавзу ва мундарижасини, сюжет қурилишини, ғоявий йўналиши, инсон образини яратишдаги ўзига хослигини кўздан кечирамиз. Биз талантнинг шаклланиши, давр талантни тоблаши жараёнларини кузатишни севамиз. Биз талантни унинг гўзал ҳаракатчанлигида гавдалантиришни ва реал тасаввур қилишни севамиз. Асар — талантнинг намоиши.

«Ҳукм»нинг умумий воқеа чизиқлари билан қисқача танишиб ўтдик. Энди асарнинг ўзига хосликлари ҳақида сўзлаш анча енгиллашади.

«Ҳукм»да инсон тақдирларининг бадий таҳлили пайдо бўлди. Бу айниқса, образни характер сифатида гавдалантириш, унинг биографиясини — умр йўлини анча тўлиқ чизишда ҳам кўринади. «Қадрдон далалар»да қаҳрамонларнинг биографиялари ҳам чала-ярим эди. Пўлатжон, Карим полвоннинг умр йўллари айрим маълумотлар орқалигина баён қилиб ўтилади.

«Ҳукм»да асосий ҳаракат қобилиятига эга бўлган барча қаҳрамонлар — Низомиддинов, Назиркул, Бўта, Бектемиров, Саломат кўз ўнгимизда тўлақонли биографиялари билан гавдаланадилар. Биография улар ўсган муҳитга йўл очади, уларнинг ўтмишлари, бугунги ишлари, хатти-ҳаракатлари, қилаётган ишлари, одамларга муносабатларини аниқлаб беради. Характер — муҳитнинг инъикоси.

Бектемировдаги онгли прода, эътиқод кучи илғор ишчи муҳитида тарбияланганидан, чинакам инқилобчи-

ларни кўргани, билгани, бирга ишлаганидан туғилган. У жаҳолатга, онгсизликка, душман найрангларига қандай қарши туришни яхши билади. Унда ўз ишига, партия ишига ишонч қулф уриб туради. Унинг характеридаги қайтмас ирода, меҳрибонлик, садоқат, инсон тақдирига ўйчан қараш инқилобий муҳитда шаклланган белгилардир.

Худди шунингдек, Бўтанинг соддалиги, шўро ишини қайсарлик ва матонат билан амалга ошириши ва ҳимоя қилиши, баъзан сўлчилик томон оғиб кетишлари (у ўртаҳол деҳқон Содиқ тарангни зўрлаб колхозга аъзо қилади, унинг номидан ўзи ариза ёзади, бу иш ошкор бўлиб қолгач, Содиқ тарангни қулоқлар рўйхатига тиркаб юборади. Еки унинг якка хўжаликларнинг дон экиб қўйган ерларини зўрлаб буздириб, ўрнига пахта эктирганларини ва бу қанчадан-қанча норозиликларга сабаб бўлганлигини эслаш мумкин) қизил партизан бўлиб юрган йиллари билан изоҳланиши ажабланарли эмас.

Низомиддиновнинг ҳам бутун ҳаракатларида, қилиқларида ўтмиш акс садо беради. Ўтмиш туфайли бугунги ҳаёт ва келажак уни даҳшатли титроққа солади. Низомиддиновнинг ҳозирги қиёфаси эртами-кечми албатта етиб келадиган жазо онининг қўрқинчлари ичида шаклланган. У башарасини ҳар дамда ўзгартириб туради.

Саид Аҳмад унинг қиёфасида душманчиликда юрган ва умри бенур ўтган одамнинг ҳаққоний белгиларини ишонарли гавдалантиролган.

Қиссанинг бошланишидаёқ биз Бўта олдида ялтоқланаётган Низомиддиновга дуч келамиз. У, кечаси билан маорифда бўлган мажлисда қатнашиб чарчаган Бўтага, уйингизга бора қолинг, мудраб кетяпсиз, деб меҳрибончилик қилади. Бўта кетгач, пича вақт ўтмай Назирқулга Бўтани ёмонлаб кетади: «Улуғдан куйдик, — дейди у. — шунча иш қалашиб ётибди-ку, ухлагани кетдилар. Э, ўрғилдим-э...» Шу қисқагина гапда қанча ҳиссий характеристика бор. Низомиддинов шундай одамларданки, у доимо билиб туриб... У ҳамма нарсани бошқача қилиб айтади. Ҳамма нарсани бузиб, қийшиқ ойнага солиб кўрсатади. Улуғ ухлагани кетди деган гапга Назирқул ҳайрон бўлади:

« — Куппа-кундузи-я?

— Билмадим, аллақайси гўрда экан. Роса ичган шекилли. Кўзларининг жиягигача қизариб кетибди.

— Йўғ-э, афандихон. Чиноқнинг ичадиган одати йўқ эди чоғимда...

— Кейин биласан, ука, кейин...»

Низомиддинов аста ва мана шу тариқада Бўтани бузуққа, дайдига, ароқхўрга чиқармоқчи. Бу Бўтани Эшон ая қўли билан беобрў қилишга кўрилаётган тайёр-гарлик.

Бўтабой раисликдан вақтинча бекор қилинганда ҳам Низомиддинов ўзини жуда ғалати тутади. Бўтабой бошига кутилмаганда тушган тўхмат балосидан бўйинини эгиб идорадан чиқиб кетаётибди-ю, Низомиддинов унга яна бир карра кичкинагина бўлса ҳам зарба беришдан ўзини тийиб туролмайди.

«— Уртоқ Бектемиров, печать Бўта аканинг ўзларида тураверадими?» Ёзувчи унинг бу гапини автор томонидан изоҳ билан тўлдирмайди. Гапнинг ўзи, унинг оҳанги, қандай шароитда айтилгани, бу гап қанчалар «зиёли» товушга тўла эканини билдириб туради. Бу товушда қанчалар ғалаба нашъаси бор!

Саид Аҳмад қаҳрамонлар кайфиятини, уларнинг психологик ҳолатлари, кечинмаларини ғоят усталик билан чизади. Низомиддиновнинг сўзи идорага чўккан оғир жимликни бузгач, ёзувчи тасвирни ундан олиб Ботирали билан Бўтага ўтади. Уларнинг ҳозирги ўнғайсиз вазиятларига мос сўзларни топади: «Бўтабой Ботиралининг жавобини кутмай, ёнидан печатни олиб столга қўйди-да, тез юриб чиқиб кетди.

Ботирали папирос чекди. У Бўтабойни тўхтатмоқчи бўлиб, эшикка қаради, нима учун тўхтатмоқчилигини ўзи ҳам билмай яна жойига ўтирди. Идорада жимлик ҳукм сурарди».

Ботирали — шу кўпни кўрган ишчи йигит нималарни ўйламаяпти шу тобда. У сафдош, маслакдош дўстининг боши букилиб чиқиб кетганидан ўртаниб ўтирибди. У Бўтага ишонади, бу ерда бошқа бир ҳангома борлигини сезади. Лекин қандай... уни қаттиқ ўйга толдирган нарса шу. Лекин ҳозир идорадан Ботирали ҳам чиқиб кетади. Бу ерда ёлғиз Низомиддиновнинг ўзи қолади. Автор шу ҳолатни нозик дид билан чизади: «Ботирали чиқиб кетди. Низомиддинов стол устида ётган печатни олиб, унга тикилиб турди-да, и л ж а й д и». Қанчалар содда ва қанчалар гўзал тасвир бу!

Низомиддинов бир ярим йил мобайнида биринчи ға-

лабага эришди. Қишлоқ ақли орасига ваҳима солди, уларни сароемага туширди, парокандалик бошланди. Ҳозир унинг айни илжайдиган пайти келган. Ахир, бунга осонликча эришдими, бунинг орқасида қанча одамларнинг тақдирлари ётибди. Энди у ҳақиқатан, илжайса арзийди. Ёзувчи талантнинг нури билан қаҳрамоннинг илжайдиган пайтини топади ва бу образнинг ичини чироқ каби ёритиб юборади.

Қиссада Низомиддинов яйрайдиган яна бир эпизод бор. Низомиддинов Ботиралининг топшириғига биноан учлик комиссия аъзоси сифатида Бўтанинг ишини аниқламоқчи. У Эшон ая билан Бўтани юзлаштиради. Тақдирнинг ўйинини қарангки, тил бириктирган, илоннинг ёғини ялаган икки душман шўро идорасида ўтириб яна шу шўронинг энг ишонган одамларидан бирини сўроққа тутиб талайдилар. Низомиддинов — шўро тафтишчиси, Эшон ая — жабрдийда. Бўта — зўравон, бузуқ, Низомиддинов ўзида йўқ шод. У сўзларини чертиб-чертиб гапиради ва ўзи хоҳлаганча қилиб айтади:

«Низомиддинов Бўта билан қўл беришиб кўришди-да, меҳрибонлик билан унга столдан жой кўрсатди. Кейин хотинга дўқ аралаш деди:

— Тўғриси айтинг, ўртоқ Бўта сизга ёпишдими ё сиз ўртоқ Бўтага ёпишдингизми? Шўро қонуни олдида турганлигингизни обдан билиб жавоб беринг. Ҳукумат идорасига кирганда паранжингизни олиб ўтиринг. Бўл-маса арзингиз инобатга ўтмайди».

Бу ва бундан кейинги парчада Низомиддинов суриштириб яйраса, Эшон ая қарғаб, ҳақорат қилиб яйрайди. Лекин уларнинг яйрашлари то Бўта эс-ҳушини йиғиштириб олгунча. Улар Бўтани шошириб ташладилар. Уни ўкситиб, пушмонга солмоқчилар. Охири аламига чи-долмаган, ноҳақликдан кўкси ўртаниб кетган Бўта тилга киради: «...колхоз тузишда кечани кеча, кундузни кундуз демаган бир одамнинг гапи инобатсиз қолиб кетаверса-ю, қишлоқ одамларининг қонини зулукдек сўрган эшоннинг хотини, оқсоқолнинг қизи, ҳокимтўра тилмочининг сарқити нима деса, маъқул экан-да, а? Майли. Бу замонда — шўронинг замонида ҳақиқат оёқ остида қолиб кетмайди.

Низомиддинов ушлаб турган қоғоз ерга тушиб кетди. У энгашиб қоғозни олди-да, қўлининг титраётганини

сездирмаслик учун чўнтагидан нимадир қидира бошла-  
ди».

Тухмат балосидан боши гангиб қолган, ўзини йўқо-  
тиб қўйган Бўта бирдан ўзи суянган ҳақиқатни қаттиқ  
ҳис қилади. «Ҳақиқатни ерга кўмиб бўлмайди», «Шўро  
замонида ҳақиқат оёқ остида қолиб кетмайди», деган  
сўзлар унинг эътиқодидан туғилган сўзлар. Шўрога,  
унинг адолатига ишонч Бўтани ўзига келтиради. У ҳа-  
ракатга тушади.

Саид Аҳмад Назирқул, Турсунбой ота, Муса каби  
персонажларни ҳам уларнинг ғоятда характерли хусу-  
сиятлари билан жонли гавдалантиради.

Турсунбой ота эса содда, довдир одам. У Низомид-  
диновни астойдил ҳурмат қилади, «худо ярлақаган, яхши  
ишларнинг бошида юрган», одам дейди. Саломатни  
ўлдирган қотилни таъқиб қилиб келади, қотил Низо-  
миддиновнинг эшигида юрганини кўриб кўрқиб кета-  
ди: «Сизни ҳам бир худо асради, — деб ҳикоя қилади у  
Низомиддиновга. — Уйда бўлсангиз чавақлаб кетарди.  
Э, худо, дейман ичимда, афандихон ишқилиб ҳужрада  
бўлмасин-да. Худога минг қатла шукур, йўқ экансиз».

Низомиддинов негадир шу чолни нишонга олиб қўй-  
ган. Унинг соддалиги ва довдирлигидан бирон мақсадда  
фойдаланмоқчи бўлиб юрса керак. Низомиддинов чол-  
нинг эчкиларига ҳам от қўйиб берган: бирига «Чанқай-  
ши», бирига «Чемберлен» деб. Эҳтимолки, шу билан  
ўзининг қизиллигини таъкидламоқчи бўлган содда одам-  
лар кўз ўнгида. Турсунбой ота Низомиддиновга ачина-  
ди: «Хотинидан куйган, бечора», дейди. Шу билан бирга  
у Бўтабойдан қаттиқ хафа. Уни чиндан ҳам Эшон аяга  
тегишган деб билади, буни «нонкўрлик», деб атайди:  
«Шундай таваррук одамга шилқимлик қиласанми, аҳ-  
моқ». Чол Саломатнинг — «меҳмон қизнинг» ҳаётини  
сақлолмаганидан қаттиқ хижолатда, аммо ўзининг қо-  
тил қўлида абгор бўлганлигини ўйламайди: «Эл-юрт-  
нинг кўзига қандоқ қарайман энди, бир бечора бегуноҳ  
ўлиб кетди. Низомиддинуп хижолат, мен хижолат, э,  
худо, қандоқ кунларга қолдим-а!» — деб ёзғиради.

Чолнинг тўғрилиги ва ҳамма нарсани тўғри қабул қи-  
лиши Низомиддиновнинг қилвир, шайтон, пих ёрган  
одам эканлигини бошқа бир томондан ёрқинроқ қилиб  
кўрсатади.

Езувчи қотил Назирқулни табиатан содда одам каби

гавдалантиради. Назирқул умр бўйи эшон эшигида хизмат қилиб, унга «фарзанд» бўлиб қолган. «Езда қирга чиқиб кетиб, кузда эшоннинг омборига ғалла тўкди. Қишда ўтин ёрди, сув ташиди. Эшон мурид овлагани сафарга чиққанда, Назирқулнинг ўзи арава минди. Олдига парда тутилган нақшли соябон аравада Эшон аяни зиёфатларга олиб юрди. У кунлар Назирқул учун энг бахтиёр кунлар эди. Ушандай беозор кунларнинг тагига сув кетди». Беозор кунларда гаштини суриб юрган йигит замонасига сув кетгач, пир амри билан дилозор қулга айланди — «ислом лашкари» сафига бориб қўшилди. Одам ўлдирди. «Ислом лашкари» тариқдай тирқираб кетгач, яна эшоннинг пинжига қайтди. Низомиддиновнинг паноҳида ўтмиши ёпиглиқ яшай бошлади. Назирқул ҳам Низомиддиновни шўронинг одами, большевик деб билади. Низомиддинов Саломатни йўқотиш керак, қишлоққа қадам босмасин деб, унинг юрагига қутқу солганда, буни ўзига қилинаётган яхшилик деб тушунади. Низомиддинов эса унинг соддалигидан, умуман, қишлоқ аҳлининг соддалигидан фойдаланди. Лекин Назирқул ўтмишни унутиб юборган, энди тинчгина яшашни истайди. Қон тўкишни асло хоҳламайди. Лекин Саломат қишлоққа келса, омон қолмаслигини яхши билади. Шунинг учун қон тўкишдан бошқа чорани кўрмайди. У Саид Жалолхон эшон билан Қашқарга қочишга отланади. Лекин эшонни тоғда бўри талайди. Кўзларини қузғунлар чўқийди. Назирқул мана шу даҳшатли манзара тепасида телба бўлиб қолади. Уни ҳеч чидаб бўлмайдиган пушаймон телба қилиб қўяди. Назирқул тоғ-тошларда ўн кун оч-яланғоч кезади, кўз ўнгидан бутун кечирган ҳаёти ўтади. Мияси оташ алангасида ёнади. Ёзувчи телбанинг кўз ўнгида жаннатмисол ястаниб ётган табиатни гўзал шоирона ранглари билан чизади. Назирқулнинг инсоний фожиаси бу ерда янада бўртиб кўринади: «У кўриниб турган тоғ чўққисиди жулдур чопонга ўралиб, кўпдан тиг тегмаган ияқларини кафти орасига олиб гулга, қўшиққа, нурга чўмган қишлоққа қараб маъюс ўтирибди. Унинг кўзи бу кенгликларга ҳасрат билан боқар, кўнгли эса олам-олам ҳасрат ва аламда ўртанарди». Назирқул «пастда ялла айтиб кетмон чопаетган йигитларга» ўзини солиштиради. Булар унинг дўстлари эди. У дўстларига ҳам, нурли ҳаётга ҳам хиёнат қилди. Мана шу яшнаган ҳаёт қаршисида унинг



кўзи тиниб, мияси гувиллайди. (Жиноятчига гўзал ҳаётни кўрсатиб, шу билан жиноятнинг даҳшатини очиш йўлидан кейинроқ Саид Аҳмад «Уфқ»нинг иккинчи романида ҳам моҳирона фойдаланади. Қочоқ Турсунбой тўқайдан, қамишлар орасидан бошини чиқариб, юраклари севги билан тўлган Низомжон ва Зебихонни кўради...) Телбаланиб бораётган хаёлида ўзи худди қоқ иккига бўлиниб, икки Назирқулга айлангандай кўринади. Унинг армонлари тилга киради. У ҳам мана шу йигитлардай қўшиқ айтиб юриши мумкин эди. Шу жаннатмисол олам унга ҳам аталган эди. Назирқулнинг яллиғланган хаёлида беғубор болалиги билан ҳозирги — умри пайҳон бўлган чоғи тўқнашади. Икки Назирқулнинг мана шу сўзлашуви повестнинг энг гўзал парчаларидандир. Улар худди саробга берилган умр вайроналари узра янграган виждон фарёди каби эшитилади.

«Назирқулнинг ёшлиги тилга кирди.

— Боғларни обод қилсам, юртга ош бериб тўйлар қилсам, тўйларда хизмат қилсам, отамнинг чироғини ўчирмасам, одамларнинг мушкулини осон қилсам...

Телба Назирқул жавоб берди:

— Боғларни пайҳон қилдим, тўйларни азага айлантирдим, одамларнинг мушкулини оғир қилдим, отамнинг чироғини ўчирдим.

— Нега?

Телба Назирқул жавоб бермади.

— Нега?— дея такрор сўради Назирқулнинг ёшлиги».

Энг оғир дамда, энг сўнгги дамда Назирқул болалигини эслади. У ўзининг қонли қўлларидан, бировларнинг эшигида тўкилиб қолган умридан даҳшатга тушди. Болаликнинг пок шуъласида бу ҳаёт янада чиркин бўлиб кўринди. Бугунги ҳаётга болаликнинг ўткир, тоза кўзи билан қараши Назирқул образига янги сифат қўшади.

Низомиддинов ҳаётининг финали ҳам мана шу даражада фожиали. Бу фожа унинг бутун ўтмиш умри баробарида тайёрланган. Ўтмиш умрининг ҳар нафаси, ҳар қадами уни шу фожа сари яқинлаштирган. Автор тексти Низомиддинов умрининг мазмунини аёвсиз суратда шундай шарҳлайди: «У ҳамиша бир нарса учун курашди. Йўқолган бойликни қайтариш, йиртилган кўк

байроқни ямаб кўтариш умиди уни ҳаммавақт оёққа турғизарди. Охири у шунчаликка бордики, нечун курашаётганини, нечун ўз ҳаётини таҳлика остига солаётганини, нечун қон тўкаётганини ҳам билмай қолди».

У гўё мустақкам пахса деворга калла ураётган қўчқорга ўхшарди. Ҳар гал калла урганда девордан фақат шўр тўкиларди-ю, унинг боши бир неча кун зирқираб оғрирди. Шунга қарамай тарки одат — амримаҳол, дегандек у калла уришдан тийилмасди.

Нуҳ пайғамбарнинг кемасини сичқон тешиб фарқ қилгандек, Низомиддинов янги замонни сичқон бўлиб тешмоқчи, ҳалокатга йўлиқтирмоқчи бўларди. Низомиддиновнинг фожияси мана шу бемаъниликда, мана шу телбаликда. Ёзувчи унинг курашини телбалик деб атамайди. Лекин Низомиддиновнинг телбалиги Назирқулникидан баттароқ, қўрқинчлироқ.

Саид Аҳмад мана шу тариқа шўро душманларининг сўнги қаршиликларини тарих томонидан ўқилган сўнги ҳукмга олиб келади.

Халқнинг йўлини ким тўсолади, ким банд қилолади, ким уни тараққиёт қонуниятлари белгилаб берган йўлдан орқага қайтаролади?!

Фақат халқ билан борганлар, ҳаққоният билан борганлар, халқ манфаатларини кўзлаганларгина бахтиёрдирлар.

Саид Аҳмад яратган «Хукм» қиссасининг ғояси, ҳаётий-инсоний фалсафаси ана шундай.

Повесть ёзувчига чинакам проза олами қандай бой ва қандай жозибали бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Проза диди, деган сўз борми, йўқми, билмайман, лекин «Хукм» Саид Аҳмадга проза дидини берди, унда шундай дидни тарбиялади. Адиб катта ижодий бир фикрга келди: проза олами — бу тўқнашувлар олами, ғоялар, қарашлар, инсон курашларининг олами. Бу янги фикр эмас. Алифбо. Лекин ҳар бир ижодкор ўз алифбосини ўзи кашф этади. Тинимсиз тажрибаларда шу фикрга келади, ишонч ҳосил қилади. Бир-биридан баднияти, ҳаётий материали, мавзуси билан ва ниҳоят таҳлил усули билан фарқланиб турадиган қиссалар тажрибаси уни ҳам шундай хулосага олиб келди.

Саид Аҳмад тўлақонли характерлар яратиш йўлига кирди.

У инсон характерларини уларнинг индивидуал турланишларида, кучли драматик коллизияларда очишни ўрганди.

Саид Аҳмад персонажларнинг ҳаётий биографияларини муҳитга уйғун тарзда тўлиқ-туғал ва бир-бирларига мутаносиб тарзда чизиш тажрибасига эга бўлди.

Коллизияларнинг характери ва миқёси аниқ бўлгандагина асар архитектоникаси мустаҳкам ва гўзал бўлишини тушунди.

«Ҳукм»нинг баъзи коллизиялари ва баъзи инсон тақдирлари, чунончи, Ботирали, Бўта, Турсунбой ота характерлари ва биографияларининг баъзи қирралари Михаил Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романидаги баъзи қаҳрамонларга ўхшашиб кетадилар, ситуацияларда яқинлик бор. Бу ўхшашлик Михаил Шолохов традициясининг ҳаётбахшлигидан дарак беради. Михаил Шолохов прозада улуғ мактаб яратган адиб. Саид Аҳмад шу мактабнинг жонли яшовчан анъаналаридан баҳраманд ёзувчи, М. Шолоховнинг ўзбек диёрида етишган шоғирди. Шоғирдда, айниқса, унинг илк ижодида устозга ўхшашлик бўлиши қусур эмас, хайрлидир.

«Ҳукм» Саид Аҳмад қалбини янги проза завқи билан тўлдирди.

Унинг лўнда, ёрқин, драматик кечинмаларга бой, гўзал кулги ва гўзал лириканинг бирлигидан туғилган янги прозаси инсон тақдирлари драмаси ва туғёнлари билан тўлиқ оламга кирди.

## САОДАТ ФАЛСАФАСИ

«Уйналадиган ролнинг майдаси йўқ, — дейди К. С. Станиславский, — майда артистлар бор, холос». Адабий ижод иши ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Ҳар бир асарнинг қиммати унинг шакли, қандай жанрда яратилганлиги билан эмас, балки кўрсатадиган таъсир кучи билан ўлчанади. Жанр чегаралари ана шу таъсир кучини реаллаштиришда восита бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>.

Роман ҳам, поэма ҳам, ҳикоя ҳам баб-баравар қалб ҳароратини талаб этади. Қалб ҳароратини ҳаёт ҳарорати яратади. Ҳаёт ҳароратини халқнинг ҳарорати белгилайди. Ана шу ҳароратнинг даражаси, миқёси, турли жанрларда уларнинг специфик умумлаштириш доираси ва қобилиятларига кўра бўлади.

«Новелла... ҳодисаларнинг қатъий ва изчил баёнини талаб қилади» (*М. Горький*). Тунда ғунча ҳолатида бўлган гулнинг тонгда барг ёйганини, очилганини кўра-миз. Ғунча ҳолатидан гул ҳолатига ўтгунча бўлган процесс ва муддат қанчалик қонуниятли бўлса, ҳикояда умумлаштирилган ҳодисанинг экспозициясидан тортиб, то ечимигача юз берувчи процесслар ҳам шунчалик қатъий, қонуниятлидир. Ҳодисалар изчиллигининг моҳияти ана шунда. Изчиллик ёзувчи кўзлаган мақсадни амалга оширишда ҳикоя воқеасининг бутун элементла-

---

<sup>1</sup> Бу иш 1961 йилда ёзилган эди. Таҳлилда, услубда, қарашларда авторнинг ёшлиги сезилиб туради. Лекин шу ёшлик нафаси, завқи ҳозир қанчалар қадрдон бўлиб кўринади. Шунинг учун авторнинг ҳурматли китобхондан уэр умиди бор. (*И. Ғ.*)

рини мақсаддан келиб чиқувчи ғоя атрофида марказлаштириш демакдир. Бу бадний асар учун энг муҳим моментлардан бирини, яъни ички тузилишининг уюшқоқлиги ва сюжет тараққиётининг қатъий суратини таъминлаш деб ҳисобланади.

Ёзувчи Саид Аҳмаднинг эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмидаги ижоди унинг бошланғич давр ижодидан тубдан фарқ қилади. Бу фарқ бир томондан, ёзувчи ижодида тематик диапазоннинг кенгайиши ҳисобига юзага чиқса, иккинчи томондан, мазмунни акс эттириш услубининг, ижодий мазмунни акс эттириш услубининг, ижодий манерасининг ўзгарганлигида кўринади. Ёзувчининг стили янги ҳодисаларни тасвирлашнинг ички руҳига мослашади.

Бу даврда Саид Аҳмад ижодида янги тема — совет кишисининг нозик ва мураккаб ички кечинмаларини, маънавий дунёсини очиш, муҳаббат ва оила, уруш оқибатлари ва тинч меҳнат гўзаллиги завқи проблемаларини ҳал этишга интилиш асосий ўрин тутди.

Тема тонни белгилайди. Саид Аҳмад ҳикоялари чуқур драматизм ва поэзияга хос лиризм билан характерланади. Ёзувчининг асарларига бу ҳар икки тон қанчалик хос бўлса, юмористик ва сатирик оҳанг ҳам кўпгина ҳикояларига шунчалик хосдир. Аммо бу ҳали Саид Аҳмад ижодида биринчиси каби катта босқичга кўтарилмаган. Диққатга сазовор, баркамол сатирик ва юмористик ҳикояларини бармоқ билан санаш мумкин.<sup>1</sup>

Муҳаббат темаси адабиётда М. Горький айтганидек, энг ўлмас ва энг қадимий темаларнинг биридир.

Совет ёшлари ўртасидаги мавжуд алоқаларни ёритиш, бу алоқаларнинг ҳаётий ва фалсафий мағзини чақиш, замоннинг руҳига яраша янги ахлоқий-ижтимоий хулосалар чиқариш ва шу асосда давримиз ёшларининг маънавий қиёфасини очиш, юксак эстетик умумлашмалар бериш ҳозирги кун совет адабиётининг вазифаларидандир.

Лирика ўз номи билан қалб қўшиғи, қалб тори демакдир. Бунда ёзувчи ўз қаҳрамони номидан юракда борини ўртага ташлайди. Ёзувчи «кўчма» қаҳрамонга ай-

<sup>1</sup> Саид Аҳмаднинг кулгили ҳикоялари, умуман, Саид Аҳмад ижодида кулгининг руҳи ва табиати ҳақида автор кейинроқ алоҳида, батафсил тўхталишни ният қилган. (И. Ғ.)

ланади. У «мен» номидан ҳикоя қилади. Китобхон билан бундай қаҳрамонлар ўртасида кучли ва жуда яқин алоқа пайдо бўлади. Бунинг сабаби, ёзувчи воқеани худди дўстига, қардошига, яқинига айтиб бераётгандай, фикр олишаётгандай, сўзлашаётгандай ўқувчи билан ҳамнафас, ҳамдард ҳикоя қилишидадир. Худди ана шунда миллионлар ўз бошидан кечирган туйғу ёзувчининг шахсий-индивидуал туйғуси билан чирмашиб ифода этилган бўлади. Ёзувчининг жамият, жаҳон, одамларга нисбатан бўлган қарашларининг руҳи, миқёси, кучи қанчалик қудратли ва илғор бўлса, кишилар кечинмасига ҳамдардлик нечоғли ривожланган бўлса, унинг ҳикоя қилувчи қаҳрамони шунчалик объектив ва гўзал, жонли, серқирра, жилвадор адабий тип сифатида юзага чиқади. Адабиёт тарихида шундай бўлган эди.

Лирика демак муҳаббатдангина иборат эмас. Муҳаббат унинг юрагидир. Шу юрак орқали инсоннинг беҳисоб, турли-туман юксак кечинмаларини баён қилиш, лириканинг ижтимоий-ахлоқий хулосалар чиқариши демак бўлади. Тилла балиқ сувдан бош кўтариб: «Бу сувларга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ деганда, — деб айтади Жанни Родари, санъат фақат санъат учун дейдиганларга қарата, — бу сиёсий ва ахлоқий тутуриқсизликнинг учига чиққан кўриниши бўлади».

Лирика ана шундай «тилла балиқ»қа айланганда, у жисмсиз жондан бошқа нарса бўлмай қолади. Ҳар ҳолда, кўланканинг вазни йўқ. Дарахт қуёшсиз соя-ташламайди. Соя ташласа, бу фақат масалнамо ҳодиса бўлади.

Саид Аҳмаднинг лирик ҳикоялари. ёш қалбларнинг кичинмалари, қилиқлари, интилишларини ёритади. Қаҳрамонлар чин маъноси билан поклик ва покдомонликка, вафодорлик ва самимиятга имтиҳон топширадилар.

Ҳақиқатан ҳам Саид Аҳмад қаҳрамонлари муҳаббат орқали ўзларининг инсоний жамолларини кўрғаздилар. Муҳаббат эса, шу жамол орқали камолга етади. Иқболнинг манбаи меҳнат бўлса, меҳнатнинг манбаи муҳаббатдир. Ёзувчининг «Иқбол чироқлари», «Муҳаббатнинг туғилиши» ва «Муҳаббат» ҳикояларида ана шу нарса бош мотивдир.

«Иқбол чироқлари» ҳикоясида сваркачи қиз Иқбол кўзига учқун сачраб кўр бўлиб қолади. Уни севган, бу ҳодисадан аввалроқ чигирткалар чириллаши, кулиб тур-

ган чўл юлдузлари остида ишқини нэҳор этган ишчи йигит Самаднинг муносабати қизга нисбатан энди қандай бўлади, эҳтимол қиз умрбод кўр бўлиб қолар, эҳтимол тузалар. Худди шу ҳодиса Самаднинг ички дунёсини очиш учун хизмат қилади. Агар бу қаҳрамон Самад эмас, бошқача йигит бўлганда, у табиийки, қизга ачинарди. Ачинарди-ю, ташлаб кетарди. «Тенг тенги билан...» деган қондага амал қилиш орқали ўз қилиғини оқларди: «Ахир қандай қилиб у кўр бўлиб қолган қиз билан яшай олади? Ўзи соғ, кўзи юлдуздай жононлар қуриб кетибдими? Дунёга одам бир марта келади, яшаб қолиш керак» ва «яшаб қолишга» умр бўйи интилади. Ўзининг ҳар қандай қилиғига ҳам гўё худди шундай бўлиши керак, деб қарайди...

Еки бундан бошқачароқ муносабат ёзувчи томонидан илгари сурилиши мумкин эди. Яъни Самад бошидан сентиментал қобиқли, «ўлсам ҳам шу қизга уйланаман, вафосизлик капалакка хос...» тарзидаги ўйлар, инсонлик бурчини исботлайдиган фикрлар кечиши ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас эди.

Самад бундай мешчанлик йўлларини инкор қилади. Самад булар ҳақида ўйламайди. Ёзувчи унинг бошидан кечириши мумкин бўлган ўйлар устида тўхталиб ҳам ўтирмайди. У Самадни касалхонада бир-икки штрих билан характерлайди:

«Иқбол янги йўлга кирган болалардек деворни ушлаб турмоқчи бўлди. Тез бориб унинг қўлини ушладим.

— Электрод учқуни кўзимга сачради, — Иқболнинг овози титради. Унинг бошини силадим».

Кўриниб турибдики, персонажлар учун масъулиятли бир моментда ёзувчи Самаднинг руҳий ҳолатини бевожита яратмайди: қаҳрамоннинг ташқи ҳаракати орқали унинг ички дунёсига йўл олади. Агарда Самад хаёлида шу пайт самимий ҳис жилва қилмаганда эди, у тез бориб қизнинг қўлини ушламас, бошини силамас, каравот қирғоғига бирга ўтирмаган бўларди. Унинг бу ҳаракатлари ҳар қандай олибқочар кайфиятли интеллигентчанинг шундай чоғларда айтадиган ақлли сўзларидан ишончлироқдир. Саид Аҳмад Самаднинг характеридан келиб чиқиб тасвир этади. Йигит жуда кам гапиради. У ўз ҳисларини сўз билан эмас, инсон дилига яқинроқ ҳаракат билан ифода этишни афзал деб билади. «Наҳот умрбод кўр бўлиб қолсам-а?» — дейди Иқбол. Самад

нима деб жавоб бериши керак? Қиз учун фожиали бўлган бир дақиқада унга таскин бериш, юпатиш маъносида нима дейиш мумкин? Бизнингча, ҳеч нима. Ёзувчи ўз қаҳрамонини кузатиб турибди. Қаҳрамон индамайди. Унинг бутун вужудидан таскин ахтараётганлиги сезилади. Ва ниҳоят, эпизодни тугаллаб, ҳикоя қилувчи қаҳрамонимиз Самад бундай дейди: «Врач мени ҳайдаб чиқаргунча унинг олдидан жилмадим».

Манзара учун шунинг ўзи етади. Бу ҳикояга хос кучли ва сиқик ифода, қолаверса, ривожланиб етган меъёр ҳиссининг аниқ кўринишидир.

Бу воқеадан сўнг орадан кўп ўтмай Самад армия сафига чақирилади. Орадан беш йил ўтиб кетади. Қаҳрамон: «Бу йиллар мобайнида қизга ўнлаб хат ёзиб жавоб ололмадим, охири унинг изини йўқотдим», — дейди.

Нима учун Самад изни йўқотди? Нима учун оқ йўл тилаб: «Кутаман, Самад ака», — деб қолган қиз йигитнинг хатларига жавоб бермайди? Ёзувчи буни сир тутаяди. Чунки у ҳикоя воқеасининг ривожда тугун ролини ўтайди.

Қиз билан йигит ўртасидаги англашилмовчилик қуйидаги эпизодда ойдинлашади. Иқболнинг ишонч билан айтган:

«Кўзим очилади... яна кўришамиз...» — сўзларига йигит:

«— Кўзингиз очилади. Албатта очилади, яна учрашамиз, бирга турмуш қиламиз. Ана ўшанда сиз чўлларда комбинезон кийиб юрмайсиз. Менинг уйимда худди маликалардек яسانيб, шоҳона ҳаёт...»

Иқбол қўлини шарт тўртиб олди. Назаримда, кўнгилсиз воқеа эсига тушиб кетгандек, сесканиб кетди. Ё менга шундай туюлдимикан? Ҳали-ҳали билолмайман».

Йигитнинг «ўнлаб» хатларига жавоб келмагани, қиз кўнгилсизлигининг боши Самаднинг ана шу комбинезон ўрнига қизга рицарона «маликалардек шоҳона ҳаёт» ваъда қилганлигидадир. Йигит таклиф этган бу ҳаёт қизга, эҳтимол, кампирлар қиссасидан ўқилган чўри қизлар турмушини эслатгандир. Эҳтимол, у ўз умрида шундай «шоҳона» ҳаёт, яъни ҳозирги замон термини билан айтганда, мешчанликни кўрган ва бунга ўз бахтини ўзи бино қиладиган ишчи қиз сифатида нафрат билан қарагандир. Ҳар ҳолда, комбинезон унинг учун ҳар қандай малика либосидан кўркемроқ, чунки у шу оддий



комбинезон кийиб бахт яратади. Бу ХХ аср совет қизининг қиёфаси, ҳали-ҳалигача эр елкасига суяниб, унинг чўриси бўлиб қолаётган айрим аёлларнинг антиподидир.

Ҳикоя қурилишини тартибга солувчи, ғоявий-ахлоқий хулосалар чиқаришга асос бўлувчи бу эпизод ҳикояда тутган ўрнига кўра икки хил таассурот қолдиради.

Бириси шуки, у юқорида айтиб ўтилгандек, қизнинг маънавий қиёфасини реаллаштиради. Иккинчи томондан, яъни ҳикоя воқеасини ташкил этувчи зарбдор эпизод бўлгани туфайли шундай эпизодга қўйиладиган талабга жавоб бера олмаслиги жиҳатидан ютқазади, яъни таассурот тўла бўлмай қолади. Чунки бу эпизод тўлатўкис далиллай олмайди... Бунинг сабаби йигит сўзларининг мантиқий асосланмаганлиги, тасодифийлигидир. Ахир, йигит «маликадек шоҳона...» сўзларини қиз кўнглини кўтариш учун айтмадими? Унинг хаёлида ҳақиқатан ҳам Иқболни ана шундай ҳаёт қобигига чирмаш ҳисси бўлмаган бўлиши керак. Агар, мабодо бўлган экан, у ҳолда йигитнинг хотин-қизларга нисбатан муносабатини бир тасодифий гап билан эмас, оралиқ йўллар воситасида чуқурроқ очиш лозим эди.

Қиз ҳам севган йигитини бир сўз учун шунчалик қораламаса, абгор қилмаса керак. Гарчи халқ мақолида дўстликни бир гап ҳам бузади, дейилган бўлса-да, ҳар нечук бундай ҳолатни ёшлар ўртасидаги конфликтнинг манбаи қилиб олиш ҳикояда қисман ўзини оқлашига қарамай, барибир зўракиликнинг, ҳар на қилиб бўлса ҳам кўчани кўчага улашнинг меваси бўлиб қолади.

Ҳикояда Саид Аҳмаднинг воқеаларни олиб бориш маҳорати ундаги барча ҳолатларнинг асосий мақсадга бўйсундирилганлигида яққол кўзга ташланади. Паромчи чол билан учрашув, сувнинг қутуриб оқиши, чол будкасида Иқбол расмини кўриш, аллақанақа ялт-юлт этаётган чақин, чолнинг Иқбол ҳақидаги ахбороти — булар ҳаммаси, асосий воқеанинг ёрдамчи фони, ечимни белгиловчи омилларидир. Айниқса, чолнинг Иқбол тўғрисидаги, унинг беш йилдан бери кимнидир кутиб, эрга чиқишни рад этаётганлиги ҳақида айтганлари ҳикоя ечимини табиийлаштиради. Ва ёзувчи композиция устаси сифатида гавдаланади.

Ҳикоя бахт фалсафасини илгари суради.

Инсон интилади. Топади. Эришади. В. Г. Короленко айтганидек, ҳар бир кишининг қаердадир, қачондир

рўёбга чиқувчи шуълакор бахти бор. Муҳаббат ана шу порлоқ нурга томон етаклайди. Ҳар кимнинг ўз оппоқ юлдузи борки, интилса, эришади.

«Иқбол чироқлари» ўз рамзий маъноси билан ана шундай бахтнинг чақнаб турган юлдузидир.

Муҳаббат ҳақида яратилган баъзи асарлар шундай қудратли кучга эга бўладики, бунда шу асарнинг ҳар жумласи, ҳар фикри, ҳар ифодаси ўз самимияти, эркин руҳи билан киши борлигини қамраб олади. Унинг жумлаларига қўшилиб парвоз этгинг, ифодаларига уланиб хандон ургинг, қаҳрамонлар учун ҳамма нарсадан аразлагинг келади. Ёзувчининг қалби самимий тебранганда натижа доимо ана шундай бўлади.

Саид Аҳмаднинг «Муҳаббат» ва «Муҳаббатнинг туғилиши» номли ҳикоялари, назаримизда, ўз руҳи, руҳининг баёни билан киши юрагида чуқур таассурот қолдиради.

Бу ҳикояларда тасвирланган муҳаббат йиғлоқи ва сатанг эмас, у кўҳна дард, ҳазинлик билан суғорилмаган. Бунда муҳаббат, давримиз ҳавоси сингари мусаффо, нафаси каби қайноқ, гуркироқдир.

Ҳар иккала ҳикоянинг қаҳрамонларида бир ажиб хислат умумлашгандир. У ҳам бўлса, бу ёшлар қалби, ҳисларининг раҳна емаганлигидир. Яна шуниси ҳам характерлики, қаҳрамонлар табиатидаги нафислик ва софлик сентиментал қобиқдан, сохта романтизмдан холидир.

Қаҳрамонлар ўта жонлигининг боиси, ҳикояларда шу қаҳрамонлар ҳаракати, сўзи, вазиятининг ниҳоятда, аниқ ва ихчам ифода топганлигида, табиий сайқалга эга бўлганлигида кўринади.

«Тожибой қаддини ростлаб, белбоғини тузатди. Гўё оғир бир юкни кўтаришга чоғлангандек билагини ҳам шимарди.

Айтайми, айтайми...

Лутфихон Тожибойнинг илтимосига, «хўл, розиман, кўндим», деган гапларни ифода қиладиган биронта ҳаракат тополмагач, секингина бош қимирлатиб ерга ўтирди, тескари қараб туриб, нимчасининг киссасидан бир қийтим йўл-йўл шоҳи олди ва Тожибойга узатди:

— Мана шунақаси сизга ярашадими?»

Бу парчани биз ўзбек эртақларидан олинган бир лавҳача билан солиштиришни лозим деб топдик. Чунки

улар ўз ифодавий зийнати, ўткирлиги билан бир шодадаги маржонлар кабидир.

«Тўрга олтин балиқ илинди. Балиқчи чол суюнди:

— Уғлим, балиққа қараб тур, мен шоҳга хабар қилай. — Чол кетди. Бола қолди. Олтин балиқ болага ёлворди...» («Олтин балиқ»дан)

Парчаларда диққатга сазовор икки момент яққол кўзга ташланади.

1. Персонажлар ҳолати, вазиятининг ўта ёрқин ифодаси.

2. Ҳаракат кетма-кетлиги, изчиллигининг узлуксиз, табиий рўёбга чиқарилиши.

Қиз талаб этганда, унга керакли сўзни айтиш учун энг довюрак йигит ҳам талмовсираб қолади ва аввало «қаддини ростлайди», яъни тараддудланади, сўнг ўзни ўнглаб олиш, ички тўлғоқдан қутулиш учун Антей ердан мадад олгандай «белбоғини тузатади». Йигит пайсалланади, қалб қушдай типирчилашда давом этади, йигит шу қушни ушлаб олиш ва ниҳоят, нафас ростлаш мақсадида «билагини шимаради». Бу ҳам етмайди, у гапни чўза бошлайди: «Айтайми, айтайми...»

Езувчи ўз навбатида Лутфихон ҳолатини тасвирлаб ўтади. Йигитнинг вазияти қизга кўчади. Йигит ҳолатни қўлга олади, у ҳукмрон кучга айланади: «Қани айтингчи, энди нима дейсиз, ҳали ҳам ачангизнинг бошларига болиш бўласизми?»

Лутфихон нима деб жавоб қилиши керак. Ҳаяжонли, зид дақиқада «Хўп, розиман, кўндим»ни ифода қилиш мумкин бўлган сўзлар унинг хаёлига келмайди. «Секингина бош қимирлатиб, ерга ўтиради». Йигитнинг назари ўқдек. Қиз тоб беролмайди, уялади ва тескари қараб туриб, «нимчасининг киссасидан (эътибор беринг: «чўнтагиданмас») бир қийтим йўл-йўл шоҳи олди ва Тожибойга узатди». Бундан сўнг ёлғиз шу вазият учун мумкин бўлган сўзлар келади.

«Мана шунақаси сизга ярашадими?»

Худди шунингдек жараённинг кетма-кетлиги, механик ҳолат билан руҳий ҳолатнинг чамбарчас боғланиб келиши эртақдан олинган парчада ҳам жуда ёрқин ва ниҳоятда содда рўёбга чиқади. Балиқнинг тўрга илиниши ҳолатнинг ўзгаришини юзага чиқаради. Чолнинг кетиши балиқнинг ёш йигитга мурожаат қилиши учун

имконият туғдиради. Бола уни қўйиб юборади. Алданган шоҳ болани дарёга отишга буюради ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, қаҳрамоннинг турли вазиятлардаги ўзига хос ҳаракатлари шу персонажлар тушган ҳолатни характерлайди ва уйғунлаштиради. Вазият жонли руҳ касб этади.

Маълумки, ҳар қандай тасвирнинг бош манбаи ҳаракат-ҳолатдан иборат. Ёзувчи ҳаракат жараёнини илиб олгандагина, уни юзага чиқарган шароитни тасвирлаш имкониятига эга бўлади. Бу бир. Иккинчидан, ёзувчи ҳаракатга маълум бир йўналиш, маъно бера олгандагина мақсадига эришади, қаҳрамон нима учун киприк қоқди, нима сабабли қошини учирди, нега қимтинди, оғзидаги ўчиб қолган папиросни мунча чайнайди, бошини эгиб, фозланиб саломлашади (инсоннинг ҳали мичглаб ифодасини топмаган ҳаракатлари бор) — буларнинг барчаси мақсадга йўналтирилган чоғдагина картина яратади. Акс ҳолда симобдай беқарор бўлиб қолаверади.

Ёзувчида ҳаракат сезгиси қанчалик кучли бўлса, у чизган манзаралар ҳам шу даражада кучли ва ёрқин бўлади.

Ҳикояда ҳаракат худди драмадаги каби жўшқин ва уюшқоқ бўлиши керак. Жўшқинлик меъёр натижасида, уюшқоқлик эса боғлиқлик туфайли мақсадга мувофиқ шаклга киради.

«— Ҳа, хира бўлмай ер ютсин сен очопатни, — деди Лутфихон, ариқ лабидан кесак кўчира туриб.— Қўлимга тушсанг, нақ этингни бир бурдадан қиламан. Иккинчи шу уйга қадам қўйгин, нима қилар эканман.

Отга минай деб турган Тожибой Лутфихоннинг овозини эшитиб, қайтиб йўлакка кирди.

— Менга айтяпсизми?

— Қўйинг-э, — деди Лутфихон уй деразасини ёпа туриб.— Ўзи жоним ҳалқумимга келиб турибди».

Парчада энг аҳамиятли нарса шуки, агар Лутфихоннинг сўзи унинг кесак кўчириши билан боғланмаса, ундаги юзага чиққан ғазаб сайқалсиз, натижасиз бўлиб қолади. Иккинчи ўринда «...Тожибой Лутфихоннинг овозини эшитиб қайтиб йўлакка кирди», дейиш мумкин эди. (Кўп ёзувчилар шундай қиладилар.) Аммо бу ҳолда манзарани конкретликдан маҳрум қилинган бўлади. Шунинг учун ҳам юқоридаги «Отга минай деб

турган...» жумласи шу вазият учун ниҳоятда зарур, гапни тўлдирувчи, бойитувчи қисм ҳисобланади. Ёки «Тожибой... қайтиб йўлакка кирди» жумласи ҳам шу ҳолатга нисбатан бирдан-бир тўғри фикр ташувчидир. Бошқача бўлиши мумкин эмас, эҳтимол, «Тожибой эшикни очиб, Лутфихонга қаради», дейиш керакдир. Аммо бу вазиятни таъкид қилишдан йироқ бўлади. Эҳтимол, Тожибой отга миниб олгандан кейингина Лутфихонга девор орқасидан мурожаат қилар, лекин бунда унинг қиз гапидан олган таъсири бўшроқ, лоқайдроқ чиқади.

Лутфихоннинг айтган гапи шундайки, унга ташқаридан туриб ёки эшикдан мўралаган ҳолда изоҳ талаб қилиш фақат сўстлик бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳам Тожибой «Ҳа, хира бўлмай», — деб гап бошлаган қизни рўйирост кўрмагунча қўлоғига ишонмайди. Ва ёзувчи, «Тожибой қайтиб йўлакка кирди», дейди. Булар барчаси манзарани худди фильмдагидек ҳаракатчан, ҳаётдаги каби жонли гавдалантиришга хизмат қилади.

Саид Аҳмаднинг юқоридаги каби ҳикояларига хос бўлган яна бир нарса шуки, ёзувчи икки ёш ўртасидаги интим муносабат орқали муҳит қиёфасини кўрсатади. Совет ёшларининг беғубор ҳиссиётлари улар тарбия топган жамият ахлоқий-этик принципларининг акс садо-си — инъикоси каби кўзга ташланади. Бу ҳиссиётлар чиндан ҳам шундай хосиятга эга. Агарда таққос қиладиган бўлсак, бу янада яққолроқ кўзга ташланади. Содиқ Ҳидоят ҳикояларидаги оҳу афғонли, эрини йўқотган Зарринқулоқ каби, эр тушунчасини «баданидан эшак ва оғилхонанинг ҳиди» келадиган, қамчи атрибути билан пойма-пой, фарқ қилолмай тасаввур этадиган хотин-қиз образи билан руҳан ва жисман бадбўй Гулбўбўлар ўртасидаги муносабатлар ҳам қолоқлик ҳукмронлик қилган ўлкада ва шароитда табиийдек, ўша жамиятнинг маҳсулидек, чиркин, ифлос намоён бўлади. «Хотинни севар бўлсанг, қамчинни унутма!» Бу ўша ғуборли ўлкада муҳаббат учун қўлланма ва унинг «юлдузи»дир. Ҳис-гуйғу гўзаллиги хинадек топталади, кишилар умри йўлларда ғубордек қадр-қимматсиз, тўзимсиз бўлиб қолади.

Совет ёзувчиси эса, яратувчи, бино қилувчи муҳаббатни, унинг қўшиғини, туғилишини тараннум этади. Чунки ҳаётнинг ўзида муҳаббат ана шундай ижтимоий

қимматга эгадир. Муҳаббат меҳнатга чорлайди, меҳнатни гўзаллаштиради, минг, миллион йиллик даштни бўстон қилади: Қорақум, Қизилқум саҳроси остида ер ости денгизи борлигини топади ва сув мингларча чақирим масофани ўн минг йилларга довур кўкаламзор қилиши мумкинлигини айтади.

«Муҳаббатнинг туғилиши» ҳикоясида «Муҳаббат шундай қудратли бир кучки, — дейди ёзувчи, — кимнинг қалбига йўл топган бўлса, уни ҳам ўз йўлига бошлайди». Чиндан ҳам ғубор эмас, беғуборлик келажакка чорлайди. Икки ёш қалбни уюштирган куч, сон-саноксиз ёшлар тақдирини юксак инсоний фазилатлар асосида уюштиришга қодирдир.

Яна бошқача, иккинчи бир турли муҳаббат ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Бундай севги енгилгина пайдо бўлади, уни биз ўткинчи, муаллақ севги, деб атаймиз. А. Қаҳҳор таърифи билан айтганда, у мушакдай пов этиб, зум ўтмай сўнади, умрда эса, аччиқ хотира қолдиради. Ана шундай севгига мубталолар тилида кўпинча бир мақол тез-тез қайтарилади, яъни эмишки: «Муҳаббатнинг кўзи кўр». Бу тоифа шахслар ўзларининг чала ўлик ҳиссиётлари натижасида туғилган нарсани яна чала ўлик ҳолда муҳаббатнинг гарданига юклайдилар. Мотам маросимида кўпчилик ўзининг қаерда, қачон, кимнинг ўлими устида бўлганлигини гапирганидай, бундай ишқ сарровлари ҳам доимо ўзларининг ўлик кўнгилларини тирик кўнгил тарзида баён этадилар ва муҳаббатдан шикоят қиладилар.

Баъзида ёзувчилар ана шундай ўлик шахсни тасвирлайдилар, уни тузатмоқчи ёки тузалганини кўрсатмоқчи бўладилару барибир сунъий хулоса чиқариб қўядилар. Саид Аҳмаднинг «Севгинга содиқман», «Баҳор сувлари» номли ҳикоялари ҳам шундай сунъий мотивли асарлар қаторига киради.

Мақсад инсонни яхши йўлга солиш, тувакда қоқигул, арзанда, эрмак, мешчан бўлиб қолмасликка ундаш бўлар экан, шу мақсадни реаллаштириш, яъни ниятдаги порлоқликни акс эттириш порлоқлигига кўчириш зарур бўлади.

Акс ҳолда, тасвир этилаётган қизнинг муҳаббати ҳам, садоқати ҳам унинг ўқувчига етказилган қялмишлари қаршисида урвоқчалик таъсирга эга бўлмай қолади.

«Севгинга содиқман» ҳикоясида биринчи планга муҳаббатни қайта мулоҳаза қилиш маросимини эмас, адашган қизнинг ўз инсонлик биографиясига, виждон ва қадр-қиммат ҳиссига эга бўлиш учун босиб ўтган кураш йўлини, тубанликдан юксакликка томон интилишини чиқармоқлик асарнинг қимматини бошқача, яъни ижобий даражага кўтарган бўлар эди. Ҳикояда бўлса, қиз:

«Қадрдон дўстим, азизим, мени сев, севгинга содиқ бўламан», — дейди-ю, аммо бу қизнинг сўзлари эмас-дек, у фақат қизга ёрдамга шошилган, қиз ўрнига ўзи гапираётган ёзувчининг сўзи каби англанаверади.

Ҳаётда умрни умрларга, ҳисни ҳисларга пайванд қилиш мумкину, аммо ҳеч қачон кишига у айтолмайдиган, айтишга бутунлай имконияти бўлмаган фикрни улаб ёпиштириб, яъни табиий кўринишга келтириб бўлмаса керак. Инсон қалбининг, характерининг, шу характер теоремасининг қонуни шундай. Тенг томонли учбурчакнинг бурчаклари тенг бўлади.

Муҳаббат мавзуининг асарларда ифода этилиши актив бўлади ёхуд пассив.

Буларнинг биринчисида кучли драматик ситуация, қарама-қарши қутбли қаҳрамонларнинг тўқнашуви — маънавий юксалиши ёки руҳий бадтаринликнинг юзага чиқишидаги энг характерли пайтларини очиб бериш устун туради. Шуниси ҳам борки, баъзан у ўз ичига кучли драматик ситуацияларни олмаслиги мумкин.

Ёзувчи ҳаёт ҳақиқатининг гўзал бир бобини тасвирлашни мақсад қилиб қўяди. Совет кишиларининг қиёфасини оддий, шу билан бирга фақат унинг ўзигагина хос бўлган юксак ахлоқий принциплар асосида очади. Бундай асарларда кишиларнинг маънавий дунёси асар воқеаси ичига шундай сингдирилган бўладикки, китобхон воқеадан мутаассир ҳолда, ундан келиб чиқувчи ғояни сўзсиз қабул этганини ўзи сезмай қолади. Гўзаллик бора-бора унга таъсир қила боради, аммо ҳалқ ҳам таассуротини аниқ бир фикр орқали ифода қила олмайди. Фақат яширин маънавий таассуротнинг ўзиёқ унинг юрагида доимо сақланиб қолади: муборак ҳис!

Саид Аҳмаднинг «Муҳаббат» ва «Муҳаббатнинг туғилиши» ҳикоялари, назаримизда, ҳаётнинг гўзал бобини ўткир коллизиясиз, оддий, аммо нафис акс эттириши билан характерланади.

Пассив ифодада эса, доимо силлиқ жумлалар ичига

яширинган жузъий реализм, жузъий гуманизм, жузъий драматизм билқиллаб туради. Майда муҳаббат, майда ҳис, майда ўйлар ёзувчи томонидан йирик муҳаббат, йирик ҳис, йирик ўйлар, деб тақдим этилади. Яъни, жуда қадимий Экклезиаст китоби башорат қилиб кетган фикрни бундай асарларга баҳо беришда ёдга олиб ўтиш мумкин:

«Содир бўлган ҳодисалар яна содир бўлаверади, нималар қилиб келинган бўлса, яна қайта қилиниб келинаверади. Ва офтобимиз остида ҳеч қандай янгилик юз бермайди. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, бунда «мана, бунни кўр, янгилик экан», дейдилар, аммо худди шу нарса биздан бурунги даврларда ҳам юз берган эди. Қадим ҳақида хотиралар йўқ ва умуман, ҳозир содир бўлаётган ҳодисалар ҳам биздан кейинги кишилар ёдида сақланиб қолмайди».<sup>1</sup>

Кўҳна идеализмнинг бу намунасидан реал мағзини олсак, шу нарса равшан бўладики, баъзи бир ёзувчилар «содир бўлган ҳодисаларни» яна қайтадан ўз ижодларида содир қилаверадилар. Тематик диапазонни кенгайтириш ўрнига бир теманинг ўнгини алоҳида ҳикоя, терсини ҳам алоҳида ҳикояга айлантираверадилар. Яъни «нималар қилиб келинган бўлса, яна қайта қилиниб келинаверади», ижодлари саҳнида янгилик кам юз беради.

Ҳақиқий ижод тушунчаси бунни доимо инкор қилиб келди ва инкор қилаверади. Агар ёзувчи кўҳна бир мавзунини янги замон, янги одамлар руҳи билан боғлай олса, бу шубҳасиз замондошлар олдидаги бурчни ҳис қилиш демак бўлади.

\* \* \*

Саид Аҳмад қаҳрамонлари инсонлик шаъни учун, кўркама маънавий дунё учун, ғурур ва номус учун курашадилар. Бу кураш бежирим китобийликка эмас, балки аксинча, ҳаёт ва турмушнинг буюк дарслигидан олинган, бошдан кечирилган, синалган-сиқталган бобларга — яшашнинг жонли саҳифаларига суянади. Ва шунинг учун ҳам қаҳрамонлар биз билан ёнма-ён бораётган,

<sup>1</sup> Леон Фейхтвангернинг «Лже-Нерон» асаридан олинди. М., 1960 й.



ўқийётган, ишлаётган, тинимсиз ўсиб, ўзгариб улғаяётган замондош, қондош, ҳисдош кишилардек гавдаланади.

Бундай ижобий қаҳрамонлар ўзларининг барча маънавий фазилатлари билан бебурд ва номард, ойга қараб ув тортадиган ифлос шахслар турмуши, турқи тароватини яхшироқ кўришга, тушунишга, разилликдан халос бўлиш йўлларини қидириш, топиш, мушоҳада қилишга ундайдилар, қолаверса, миллионлар учун ўрناق, яъни маёқ бўладилар. Нур тушганда гард ҳам ёрийди. Яхшиликни кўрсатувчи ойна ёмонликни ҳам кўрсатади. Яхшининг юзи дур бўлиб аксланади, ёмонники бадхўр.

Адабиётнинг мақсади инсон саодатидир. У шунга интилиб келди, интилади. Шунга чақиради. Шуни тараннум этади. Чунки буюк халқ карвони интилган манзил ана шундай деб аталади. Минг ёзувчи, ўн минг ёзувчи, агар у чин маънодаги ёзувчи бўлса; ўз қиссаси, романи, поэмаси бетига «САОДАТ ИУЛИ» деб сарлавҳа қўйса, доимо шу сарлавҳага яраша мазмун топади. Барча прогрессив йўллар доимо ана шу йўлга бориб туташади. Бу йўл коммунизм йўлидир.

Совет кишиларининг моддий таъминоти тўқин ва бекаму кўст бўла борган сари «ақлнинг маданияти — руҳнинг маданияти» (*В. Брюсов*) учун, бошқача айтганда, инсоннинг маънавий дунёси учун кураш биринчи планга чиқади. Ва «инсонлар ўзларининг беқиёс қудратли ҳистуйғулари, ғоялари ва ўйлари билан коиноту заминни титратурлар» (*А. Толстой*). Адабиёт учун эса қудратли инсон руҳининг «хазинаси яна миллион-миллион юз йилларга ҳам етади» (*А. Толстой*).

Ҳозирги кунда ҳар бир ёзувчи асарининг қиммати кишилар фазилатини юксак бадийий умумлаштириш орқали инсонда шу хосиятни тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси билан ўлчанади. Ёзувчи ёш ишчининг ҳаёт йўлини тасвирлайдими, колхозчилар турмушининг, колхозчилар меҳнатининг, колхозчилар қиёфасининг ички руҳини очиб берадими, оила масалаларини ёритадими, албатта САОДАТни мақсад қилиб қўяди.

Саид Аҳмаднинг барча етук асарларида адабиётнинг бош мақсади билан ҳамнафас бўлиш ҳисси сезилиб туради. Бу эса ёзувчининг совет аёлларининг жонли, латиф образларини яратганида яққол кўзга ташланади. Ёзувчи ижодидида совет аёлининг образини ишлаш биринчи планда туради, дейиш мумкин. Саид Аҳмад ўз ҳикоя-

ларида хотин-қизларимиздаги ҳаётни гўзал қилишга бўлган интилишни ёритади. Ёзувчининг «Меҳрибон», «Хотин», «Кўклам чечаклари», «Хотиралар» сингари ҳикоялари бунинг далили бўла олади.

Давримиз аёллари образини яратиш, уларнинг юксак маънавий қиёфасини адабий асарлар саҳифасида жонлантириш Саид Аҳмад ҳикояларининг етакчи мотивини ташкил этади. Ёзувчи ўзбек совет аёлларининг ички дунёсини очиш, аёлнинг жамият ва оилада тутган ўрнининг моҳиятини ёритишга катта эътибор беради.

Аёлнинг образи адабиётда шундай бир мавқеда бўлиши керакки, то унинг тасвири китобхонда милдир-милдир булоқ таассуротини қолдирмасин. Баъзи бир асарларда аёллар ана шундай милдир булоққа ўхшаб қоладилар. Ҳаёт сокин ва тўлқинсиз қилиб идеаллаштирилади. Бу ҳаёт ҳамда инсон психикасининг қомуси бўлган проза учун келишмаган ҳолатдир. Аёлнинг образи, унинг меҳнати, қудрати бизнинг бу кунги ҳаётимизда булоқликдан йироқ туради. Аёлни нозик дейдилар. Нозиклари ҳам бор. Йигитдек лочин ва ёвқур бўлганлари ҳам бор. Уни лобар дейдилар. Лобарлари кўп. Аммо лобарликни диловарлик билан боғловчилар ҳам бир жаҳон. Уни вафодор дейдилар. Вафодорлигини фақат эрга нисбатан тушунадилар. Элга вафодор аёллар озмунчамми? Худди шу нарсаларни аёлнинг меҳрибон, шафиқлиги ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Буюк Навоий аёлга латиф ва рост сифат айтибди: «...анинг (аёлларнинг) кайфиятида тафовутлар бордур: мувофиқ тушса, кадбону давлат ва жамиятга бўлмоқдур ҳамзону. Уйнинг оройиши андин ва уйлукнинг оройиши андин.

Жамоли бўлса, кўнгулга марғуб ва салоҳи бўлса, жонга матлуб. Оқила бўлса, рўзғорга андин интизом ва маош асбобига андин тартиб ва саранжом».

Навоий яна аёлнинг ички руҳини шундай таърифлайди:

«...Рўзғордин ҳар жафо етса, анисинг ул ва чархи даввордин ҳар ибтило келса жалисинг ул. Кўнгулунг ғамидин ул ғамнок ва баданинг заъф малолатидан ул ҳалок... Носоғ жуфт эвга муҳлик, мараздур ошкор ва нухуфт».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> «Ўзбек адабиёти», II том. Ўзадабийнашр, Тошкент, 1959 й., 532.

Дунё адабиётида бўлганидек, ўзбек дostonлари, эртаклари, ғазаллари, етук роман, ҳикоялари ҳам аёл қиёфасининг, аёл қалбининг муҳташам, кўздек нозик, юракдек сезгир хислатларига ўлмас ҳайкаллар қўйгандир.

Совет аёллари Тўмарисдек фидокордирлар. Аммо улар Робия Қаъб бинт Қиздорий туғёнлари, Муаззамхон кечинмалари, Нодира ва Мақсадхоним, Ойсулув ва Қамарсултон фожиаларидан йироқдирлар. Бу аёллар ислом тиш-тирноғи билан ҳукмронлик қилган феодализм шароитида, оҳу фиғон дуди ичида ўзларининг мусаффо инсонлик хосиятлари, ҳақ-ҳуқуқлари учун курашган эдилар. Бундай аёллар ҳар бир халқ орасида жуда кўплаб топилади.

Тарихнинг энг шиддатли тўфонларида — энг шиддатли буюк революциялар даврида аёллар доимо эркак билан ёнма-ён курашиб, ёнма-ён фидо бўлган, ёнма-ён музаффар, ёнма-ён бахтиёр бўлган.

Саид Аҳмад ҳикояларида эса, аёлнинг Навоий кўрсатиб ўтган хислатлари, янги замон руҳида ўзининг ҳаётий ифодасини топади.

«Хотин» ҳикоясида трест бошлиғи Жўрабек халқ мулки учун бели қайишмаган уч-тўрт мўрт ошна-оғайни таъсирига тушиб қолиб, умрни елга бера бошлаган чоғда эрнинг тўғри йўлга қайтишидан умид узган хотин — Мунисхон уни ташлаб кетади.

Эр-хотин ўртасида юз берган ажралишнинг бош қабаби оиладан ариб кетган маънавий давлатдир. Маънавий давлат ўрнини эрнинг бемаъни улфатлар билан ҳушни йўқотгунча ичишлари, тентишлар, хотинни «тунни тонгга улаб кутишлари», борган сари хуружга минган, турли-туман, майда-чуйда таъналар эгаллаганда доимо шундан ўзга чора қолмагандек кўринади. Жўрабек бундан сўнг ботқоққа бутунлай ботади. Фельетонга тушади. Мунисхон Жўрабекнинг аҳволи танглигида ўзини ҳам айбдор деб ҳисоблайди. Ажралишда эрини судга фақат айблаб таърифлаганини эслайди. Ва «дод» деб юборгиси келади. «Курашим, уни шу йўлга бошлаган ҳар қандай кучдан зўр келишим керак эди. Нега шундай қилмадим? Нега уни енгмадим? — дея ўйлайди. Кескин ўйлар кескин ҳаракатга ундайди. Расм-русм, қонун-қоида инсонга муҳаббат ва ҳамдардлик қанот қоқиши биланоқ ўз аҳамиятини йўқотади. Мунисхон эр томон шошилади. Аёлнинг муҳаббати, қалби, дўстлиги ярамас

улфатларнинг товоқ сингунча бўлган муаллақ ошна-оғайнигарчилигига, уларнинг ҳаётига қарама-қарши қўйилади. Конфликт ҳақиқатда эр-хотин ўртасида юз берган. Бири субутсиз ва бетайин, иккинчиси саботли ва вафодордир. Вафодорлик учун тўсиқ йўқ. Чунки аёл қалбида доимо айтилмаган бир ҳис яшириниб ётади. Вазият тугиладики, ана шу ҳиссиёт рўёбга чиқади, ҳаракатга ундайди. Ва шунинг учун ҳам буюк бир сўз инсон ҳаётида ҳамиша ўз исботини топиб келади: «Рўзгордин ҳар жафо етса, анисинг ул». Ким? Аёл!

Бизнинг назаримизда ҳикоянинг конструктив тони, экспозицияси (Муниسخоннинг ўз эридан ажралиб келиб, олти ойдан бери уйда ўтиришидан, она дарди, ота куйиши, суд процесси, хотиннинг ўйларидан эмас) асосан ва аслида:

«Эрталаб тонг отиши билан Муниسخон йўлга чиқди. Уни Тошкентга олиб кетаётган автобус ҳам, поезд ҳам назарида жуда секин юраётганга ўхшарди. Поезд ичи дим бўлганидан йўловчилар газета билан ўзларини елпирдилар. Бу томонларга почта бир кун кечикиб келарди. Кечаги газетанинг Жўрабек ҳақидаги фельетони йўловчиларнинг эрмаги бўлиб қолди» билан бошланиши керак. Бу эпизод ҳикоянинг деярли ярмидан бошланади. Агар ҳикоя кўрсатилган эпизод билан бошланса, у бир қанча ўзига хос ютуқлар касб қилган бўлар эди.

Биринчидан, бу эпизоддан ҳикоянинг асосий воқеаси, яъни бошига иш тушган Жўрабек томон хотиннинг интилиши — ҳақиқий мунисликнинг намоён этилиши бошланади.

Иккинчидан, кўрсатилган эпизодда юқоридаги узундан-узоқ иккинчи даражали, ўтган воқеалар мустақил тасвирсиз ҳам ҳикоянинг кейинги қисмларидан равшан бўлади. Китобхон эпизоддан сўнг бўлаётган воқеалар тизмасидан аввал нима бўлиб ўтганлигини ёзувчининг муваффақиятли ишора, деталлари орқали англаб ола билади. Чунончи, Муниسخоннинг Жўрабек билан ажралганлиги, нима учун ажралганлигини ўртоқлик судида Жўрабекнинг айтган сўзларидан ёрқин тасаввур қилиш мумкин.

«Менга жазо беринглар,— деди Жўрабек,— мен бир марта жазоланган одамман, кўзим очилмаган. Севган хотиним ташлаб кетган. Шунда ҳам йўлимни топиб олмаганман».

Бу гаплардан Мунистоннинг қандай аёл эканлиги, эрини нима учун ташлаб кетганлиги ва нима сабабли поездда келаётганлиги равшан бўлади.

Яна. Аёлнинг ҳикоя бошида зерикарли бир тусда берилган ўйлари поездда бўлган йўловчиларнинг фелетонни ўзаро муҳокама қилишлари ҳамда Мунистоннинг ташлаб кетилган уйга кириб боргандаги кучли эпизодлардан тамомила англаб етилади. Чунки шу ҳолатларда аёлнинг ички кечинмалари ўзининг маънавий ҳал қилувчи чўққисига, характерли кўринишига эга бўлади. Мунистон эрининг фақат айбинигина кўрганини ва таъна ёғдирганини эслайди ва куюнади. Бу Мунистон билан Жўрабекнинг бева аммаси ўртасидаги учрашувда тўла ифодаланади ва ҳикоя бошида фақат ортиқча баён бўлиб қолади.

Шу нарсаларнинг барчаси амалга ошган чоғда, аминизки, ҳикоя, шубҳасиз, ихчамлик касб этарди.

Қилинган анализ шуни кўрсатадики, ёзувчи эстетик меъёр ҳиссини унутиши биланоқ тасвирда ортиқчалик, воқеа умумий руҳининг бузилиши содир бўлади.

Воқеаларнинг характери ҳикоянинг экспозицияси қандай бўлиши кераклигини доимо сездириб туради. Айрим воқеаларни қаҳрамоннинг руҳий ҳолатидан бошлаб тасвирлаш лозим бўлса, бошқа бирларини характерли пейзаж билан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бир воқеани диалог билан бошлаш энг қулай кўринади. Иккинчисини эса, бевосита персонажнинг макон ичидаги ҳаракатини кўрсатиш билан бошламоқлик марғубдир.

Саид Аҳмад аёллар образини яратар экан, бунда, аввало, кишининг кечинмаларига ҳамдам ва йўлдош, оқила ва вафодор бир инсон гавдаланади. Унинг хотинлиги ҳам, оналиги ҳам, меҳнаткашлиги ҳам ана шу тасаввур ичига чулганган бўлади.

Аяси ўлиб, доғда-ҳижронда қолган Қундузхон («Меҳрибон») ўқишдан таътилга қайтади. Кутиш учун вокзалга ҳеч ким чиқмабди. Онанинг йўқлиги дарҳол билинди. Ота эса, қизини кутиб олишга вақт тополмайди. Қундузхон биринчи бор оламни бўм-бўш ҳис этади. Хомуш ерга боқадди ва шунда кимсасиз перронда илиққина бир овоз.

«— Сиз Қундузхон эмасмисиз? Дарров танидим, суратингизга ўхшар экансиз.— Хотин тез-тез юриб келиб,

у билан қучоқлашиб кўришди. Ҳали ўзини ўнглаб олмаган Қундузхон бу хотиннинг бағрида кўпдан унутилган ўз онасининг исини туйди».

Ҳикоянинг бутун пафоси, руҳини ана шу онанинг аллақандай салобатли, доно ва меҳрибон сиймоси жонлантириб туради.

Саид Аҳмад одамлар орасида азалдан ҳукм суриб келган «ўғай она» тушунчасини бошқача талқин этади. У янги бир она туғилганини, бу она учун фарзанд, у кимникилигидан қатъий назар, доимо ўз жонининг узилмас, қадрли парчаси эканлигини ҳаётий тасвирлаб кўрсатади.

«Меҳрибон» ҳикоясида хотиннинг вазияти ҳам, Қундузхоннинг вазияти ҳам драматизм билан суғорилгандир.

Хотин ўзи она бўлишни бўйнига олган болаларга нисбатан шундай муносабат яратиши керакки, токи бунда улар йўқотилган она доғида умр бўйи ўксиниб, руҳсизланмасинлар. Дардида куйиб нола чекмасинлар, ўртанмасинлар... Оналикнинг муқаддас ҳисси ёмон оғизларда ёмон таъриф олмасин, поймол бўлмасин, бола менинг онам бор, дея олсин.

Бировнинг фарзанди ўзга онага қаловсиз ўтиндай бир ҳол, бир сар, дейдилар. Аммо шу фарзандларни қандай уюштириш, тарбиялаш, одам қилиш, яъни қаловга келтириш мумкин? Қандай қилинса, ётсираб турган шу болакай ишончига, фарзандлик меҳру муҳаббатига, чин кўнгилдан «...ая», деб чақира олишига эришилади? Хотин олдида ана шу оғир ва масъулиятли жумбоқларни ҳал қилиш вазифаси туради. Буни унинг ўзи ҳам тушунади.

Саид Аҳмад хотин қалбидаги энг буюк ҳиснинг — табиий оналик ҳиссининг ғалабасини кўрсатади.

Хотиннинг ҳаракати, ҳар бир сўзи унинг оналик ҳисси миқёсини таъкидлаб туради. Қундузхоннинг қарши олишдаги унинг биринчи сўзиёқ олдимизда ҳақиқий она турганлигини билдиради. У Қундузхон қалбидаги ҳозирги ҳиссиётни сезади. Шунинг учун ҳам алоқани жуда оддий, кўнгил кўтарадиган, орадаги ясамаликни кўтариб ташлайдиган оналик муносабати билан бошлайди. Қундузхон бу хотиннинг бағрида унутилган она исини қайта туйди. Бу бежиз эмас. Хотиннинг бутун сиймоси, вужуддан юмшоқ тақаллум, самимият жозибаланиб туради.

Чунки у — она ва инсон. Езувчи тасаннога лойиқ содда штрихлар воситасида хотиннинг оналик ва инсонлик фазилатини очади.

«Хотин чамадонни қўлига олиб ерга тушди-да, Қундузга йўл берди».

Соддагина жумла. Аммо унда анча маъно бор. Агар аёл бефарқ, қўрс, самимиятдан йироқ бўлса, у такаллуф этиб, «Қундузга йўл» бермайди. Бундан ташқари, у ўз ёшини ҳисобга олиб, Қундузнинг чамадонини кўтариб олмасди. Қундуз унга кўтартирмасди ҳам. Аммо аёл йўлдан ҳориб келаётган қизнинг чамадон кўтаришига сира рози бўлмаган...

Хотиннинг юрагида майинлик ва табиий табассум бор. Бу табассум, айниқса, унинг сўзларида яққол кўзга ташланади.

«Уйга киришди. Хотин ичкари хонага кириб, йўл-йўл халат кийиб чиқди-да, стол устига ёйиб қўйилган дастурхонни очиб юборди.

— Қундуз, аввал бир душга тушиб оласизми, а?

— Майли,— Қундузхон гўё сеҳрлангандек жавоб берди».

Сафодан фақат сафога хос, танбурдан эса, фақат танбурий сас чиқади. Образ билан образ тили ўртасида ҳамма тан оладиган, аммо ҳамма ҳам амалга оширавермайдиган ажралмас муносабат мавжуд. Гапирилган гапнинг оҳанги ва қурилиши ана шу муносабатни мутаносиблаштиради. Мутаносиблик образ ҳаракат қилаётган муҳит-вазиятни, образнинг ўзини ёзувчи аниқ кўра олгандагина юзага чиқади. Меҳмон кутиш маросимининг тантанаси, Қундузхон қаршисидаги ҳаяжон, хотиннинг илиқ қалби илиқ бир сўз айтишга ундайди. Сўз — воқеа оқимига уланиб кетганлиги учун оддийгина туюлади. Аммо ҳар қандай оддий сўз ҳам кишини оғир вазиятда мафтун қилавермайди. Хотин ўз сўзини шундай бир табиий, дўстона, ҳеч нарса талаб қилмайдиган, ҳеч нарсага қатъий мажбур этмайдиган оҳангда дастурхон тузата туриб, йўл-йўлакай айтиб ўтдики, Қундузхон бунини кутмаган эди. Кутмаганлиги учун ҳам «сеҳрланади».

Ёзувчи бу ўринда тасвир мантиқини характерлар мантиқиغا сингдириб юборади. У хотиннинг гирдикапа-лак — қиз атрофида парвона бўлаётганини кўриб туради. Кўриб тургани учун ҳам китобхонга кўрғазади. Кўришга ҳис қилиш йўлдош бўлади. Бу икки нарсани ёзув-

чи тарк этган ҳамон персонажнинг сўзлари қовушиқсиз чиқа бошлайди. Шу ҳикоядан бир мисол: Қундузхон тинмай ўзига меҳрибончилик қилаётган бу хотин ўгай она эканлигини билганда, ўқиб йиғлаб юборади. Хотин эса, гўё бутун ҳаракатлари беҳуда кетгандек, хомуш, гуссали ўтириб қолади. Сўнг Қундузхон ёнига киради ва:

— Ҳаммасига тушунаман. Оғир, жуда оғир. Бироқ менга ҳам... ўзганинг фарзандига она бўлишдек оғир иш йўқлигини биламан,— дейди.

Хотиннинг бу сўзларида «Бироқ менга ҳам...»дан кейинги «ўзганинг фарзандига она бўлишдек оғир иш йўқлигини биламан» жумласи шу аёл айтмайдиган сўз-дир. У ўзини кам ўйлайди, фикр-ёди ўзганинг фарзандлари кўнглини олишда. Аёл «менга ҳам...» дейди-ю, аслида давомини айтолмайди, айтишга тили бормади, «оғир» сўзини айтгиси келмайди. Айтса, миннатдек бўлиб қоладими, деб ўйлаши керак. Ёзувчи эса, зўрлаб сўзлатади. «Менга ҳам...»нинг ўзида аёлнинг борлиги ифодаланаётганини худди сезмаётгандек кўринади. Яна шу гапнинг остида бундай дейди:

«Хотин юрагини тўлқинлатиб турган фикрларни айтиш учун сўз тополмади. Хўрсинди».

Агар хотин «Менга ҳам...»да ўз сўзини тугатса эди, ҳақиқатан ҳам «юрагини тўлқинлатиб турган фикрларни айтиш учун сўз» тополмагани рост бўларди. Юқорида эса, хотин сўз топди, фикрини тугатди, энди унга бошқа ҳеч нарса дейишнинг ҳожати йўқ.

Ёзувчи ана шу «Менга ҳам...»дан сўнг айтилиши керак бўлган, аммо ҳаяжондан айтишга имконият бўлмаган фикрни хотин номидан жуда чиройли баён қилади:

«Дарҳақиқат, она ўз боласини шўхлик қилганда уришади, вақти келганда жазо беради. Аммо ўзганинг боласига шундоқ қилиб бўладими? Уларга оналик қобилиятининг энг нозик воситалари билан ёндашмоқ керак».

Қундузхоннинг йиғлаб юбориш эпизоди ҳикояда марказий ўринда туради. Драматизм шу моментда поёнига чиқади. Бу ҳолат ниҳоятда аниқ ва қисқа ифода-ни талаб қилади. Ёзувчи шу вазиятни ўз тилидан тасвирлаб ўтмайди. Агар шундай бўлганда, ҳикоя шаксиз ютқизган бўлар эди. Ёзувчи бошқача йўл излайди ва топади. Ҳолатдаги кучли драматизм ҳикояда кичик қиз-



ча Лола воситасида — шу қизчанинг ҳаракати, бўлаётган воқеаларга болаларча муносабати орқали юзага чиқади. Биз драматик ситуацияни, асосий қаҳрамонларнинг ҳолатини шу қизчанинг тили билан қабул этамиз.

«Эшикдан мўралаб турган Лола ҳайронликда кўзини пирпиратиб орқасига қайтди.

— Ая-чи, ая, опам йиғлаяптилар.

Хотин хомуш ўтириб қолди. Электр чойнагининг жўмрагидан париллаб буғ кўтарилар, тўлқини адашган радиоприёмник муттасил хириллар эди.

— Сиз ҳам йиғлаяпсизми? — Лола хотиннинг елкасига осилди. Хотин қизчани тиззасига ўтқазиб унинг бошини силади.

— Бошингиз оғрияптими?

— Ҳа, қизим, бошим оғрияпти».

Бундай услуб воқеани иштирокчиси бўлмаган персонаж воситасида характерлаш, вояга етказиш. Вазиятга табиий, жонли тус бериш бу услубнинг ўзига хос хислати.

«Меҳрибон» ҳикоясининг композициясида, воқеанинг ечимида Лоланинг тутган ўрни, ёзувчининг бу персонаждан максимал фойдаланиши жуда характерлидир.

Лоланинг бетоб бўлиб қолиши ва хотиннинг куймаланиб, унинг бошида парвона бўлиши Қундуз юрагида ўзгариш ясайди. Дадасининг ҳақлигига ишонч ҳосил қилади. Бу нарса Қундуз билан хотин ўртасидаги муносабатларнинг бўлғуси руҳига асос солади ва асар воқеасининг ечимини табиий, мақсадга мувофиқ суратда шакллантиради.

Лоланинг касалланиши ва хотиннинг уни врачга олиб кетиши Қундузнинг уйда ёлғиз қолишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, қизнинг уйни кўздан кечиршига сабаб бўлади. Қундуз «ҳаммаёқда дидли, меҳрибон хотин» қўлини кўради. Баҳарҳол, ҳар бир аёлнинг уй тутиши, шу хотин табиатининг кўзгуси бўлиб ҳисобланади.

Қундуз бу хотинда ўз онасининг фазилатларини кўради. Йўқотилган она қайта топилади, меҳру муҳаббат қайта ўз ўрнига эга бўлади.

Ҳикоя-сабабий боғланишларнинг, картиналар ассоциативлигининг кучли намунаси эканлиги билан ҳам диққатга сазовор.

Сабабий боғланишлар ҳаёт ҳақиқатига қанчалик

тўғри келса, ҳикояларда бу боғланишлар ўзини оқласа, далил ва асослар нечоғли кучли бўлса, ҳикоянинг ғояси шунчалик яққол юзага чиқади. Воқеа эса композицион бутунликка эга бўлади.

«Умрбод тўшакка қадалган майиб», «уруш қурбони» хаста беморнинг меҳрибони, вафодори Меҳри («Кўклам чечаклари») ўзида олижаноб аёлга хос бўлган хислатларни акс эттиради.

«Кўклам чечаклари» уруш фожиасига қарши айбонма сингари, аёл қалбига нисбатан эса тарона каби ўқилади.

Муттасил оғир ва уқубатли ўйлардан оқариб кетган қуюқ сочлар, рангсизлик, ориқ бармоқлар, ипак толасидек чўзилиб, пароканда тўзғиётган папирос тутуни (заифлик аломати), будильникнинг бир меъёрдаги бетиним овози — жимлик, сукут бемор фожиасини яққол гавдалантиради.

Бемор умидли яшайди. Унинг умиди одамларга боғланган. Мана, почтальон кампир. Чаккасида гунафша — қуёш ва баҳор нишонаси. Унинг оддий-оддий сўзларида чексиз самимият ва эркалаш бор:

«Вой, шўрим, яна чекапсанми? Ташла, ташла папиросингни. Қара, ҳаммаёқ тутун бўлиб кетибди-ку.

Беморнинг кўзлари порлади.

— Гунафша очилибди-ку.

— Ҳа, ҳа, очилди. Сенга олиб келдим, тентагим!».

У беморни тентагим, дейди. Қим шундай дея олади? Демоқлик учун қалб мусаффо ва беқиёс илиқ бўлиши керак. Беқиёс илиқлик эса, оналарда бўлади. Қим кампир қилгандай беморга атаб қўйнида нарса келтиради? Ва ким мана бундай деб айта олади?

— Ол буни, тентагим, хотининг ишдан келганда совға қил. Арзимас бўлса, айбга буюрма».

Қим чўккан кўнгилни яна тоғдай баланд қила олади?

Фақат она! У атирсовун келтирибди. Баҳоли қудрат. Аммо гап «баҳоли қудрат»да эмас, гап маънавий ҳиснинг, оддий жондошликнинг қудратидадир. Қадр-қиммат деб аталган заррин нур ана шу бўлади.

Меҳрихон оддий, лекин ҳар кимсанинг қўлидан келвермайдиған фидойиликка, фидойи вафодорликка қодирдир. Фидойи-ку, аммо Қарамзин Лизаси каби, Эдгар По қаҳрамонлари сингари хаёлий, романтик фидойи мубта-

лолик руҳида эмас, балки яратувчи совет аёли кайфиятига хос жон бағишловчи фидойидир.

Бундай аёллар ҳаётимизда кўплаб топилади. Ўзгармас меҳру муҳаббатли бу аёллар замонамизнинг нодир қалб эгаларидан ҳисобланади. Оддий машинистка хотинда улкан ҳис, онг мужассамлашган бўлади.

Ёзувчи Меҳрини ҳикоя қаҳрамони сифатида батафсил, ипидан-игнасигача тасвирлаб ўтирмайди. Унинг руҳий ҳолатини муҳит ҳолати билан контрастда беради. 8 Март байрами арафасида гавжум, ҳаёт оқими билан тўлиб-тошган кўча бўйлаб бораётган Меҳрихон, эртанги байрам ҳақида эмас, хаста эри тўғрисида ўйлайди.

Ёзувчи на Меҳрининг портретини ва на ташқи қиёфасини чизади. Аммо ҳар ким бу чизилмай қолган портретни ўзича, идеаллари бўйича чизиб олади. Ва ҳеч қачон ўз гўзал тасавурида янглишмайди.

Ишда ҳам, уйда ҳам эри ҳақида ўйлайдиган, бирон ножўя гап айтиб қўймадиммикан деб машаққат чекадиган Меҳри ҳар кимса қалбидан ўз ўрнини топади.

Ожизроқлар унга ишончсизроқ қарайдилар, мешчанлар: «Еш умрини зое қилибди... қиз бечора!»— деб ачинган бўладилар, дунё ишидан беҳабарлар елка қисадилар, нозиклар ва раҳмдиллар Меҳридек бўлишни орзу қиладилар: аёлга ҳам, йигитга ҳам бахт тилайдилар.

«Биз эркаклар баъзан хотинларимиз учун тоғ-тоғ олтинлардан кўра, уларнинг қалбини титратадиган кичкинагина самимий юрак ҳадяси афзал эканини сезмай-миз».

Ёзувчи шундай дейди. Юрак ҳадяси, майли, у нима-лигидан қатъий назар, упами, атирми, олтин соатми, тилла узукми ёки кампир айтгандай «арзимас» совунми, барибир, ҳадя қилинувчи қалбига баҳор олиб келади. Фақат у юракдан бўлса ва юракдан қабул этилса, бас.

Меҳрихон ҳам кутилмаган совғани кўриб етти йил чеккан азиятини бир зум ичида унутди. Гап совғада эмас. Гап совғанинг нима учун ва ким томонидан қилинганлигида. Меҳри совғада эрининг бардам бўлиб кетишини, тетик руҳини, ўзига бўлган, эъзозланган муҳаббатини кўради. Бу — ҳақиқат.

Бир аёлга байрам куни гул ҳадя этганларида у гулга термилиб туриб йиғлаб юборган экан. Хижолат чекиб, уни юпата бошлаганларида, жуда оддий қилиб жавоб беради. Уттиз беш йил умр сурибди-ю, шу тобгача



Езувчи Саид Аҳмад ва Шукрулло.

унга ҳеч ким чин кўнгилдан гул ҳадя қилмаган экан...  
Шу бор гап!

Меҳрининг бахти, қувончи тушунарли. Кишилар киши бахти учун яшайдилар. Меҳри ҳар баҳор эри димоғига янги очилган гунафша тутади. Бу аёл нафас олган ҳар ерда кўклам чечагининг ҳиди анқийди. Чунки одам-севарлик унинг қалбида енгилмас кучга айланган.

Ҳикояда Меҳрининг вазияти шу образнинг сифатини, моҳиятини белгилайди. Вазиятнинг ўзидан образ ўз характеристикасини олади. Бу ерда ҳар қандай тафсилот, чунончи, Меҳри қандай қилиб шу эрига турмушга чиққан — урушдан олдинми ё кейин топишганларми, бунда улар ўртасидаги муносабат қандай бўлган: ёки Меҳрининг ёши, гавда тузилиши, кийим-бош, характери, хислатлари, одамларга муносабати... — булар барчаси кўрсатиб ўтилмаган. Уларнинг ўрни даставвал билинмайди. Чунки, қайтарамиз, Меҳрининг эрига бўлган маълум муносабати, яъни унинг вазияти шундаки, аёл юқоридаги тафсилотларсиз ҳам образ сифатида характерланади. Ситуациянинг даражаси образнинг даражаси бўлиб қолади.

Ҳикоя заминидаги фавқулодда драматизм бахт ҳиссини туйиш билан тугалланади. Бу зўрма-зўраки ечим эмас, албатта. Бу мантиқий, шу ҳодиса учун характерли ечим. Бошқача йўл тушкун трагизмга ёки сохта пафосга олиб борарди.

Аёлнинг руҳий ва жисмоний қиёфасини унинг вазияти, воқеа ичида туган мавқеи билан характерлаш, ҳикоя ихчамлигига бир томондан катта ҳисса қўшса, иккинчи тарафдан, у ҳикоянинг ортиқча ихчамлигига, яъни воқеаларнинг ташқи томонинигина, юзаки ёритиб ўтиш камчилигига ҳам сабаб бўлади.

«Кўклам чечаклари»да бу иккинчи томон, айниқса, билиниб туради. Гап нимада? Гап шундаки, ёзувчи энг муҳим нарсани — Меҳрининг ўз мажруҳ эрига нисбатан бўлган фидойилигининг маънавий ва руҳий асосларини очиб бермайди.

Меҳри фидойи аёл ва вассалом. Бошқа жиҳатларни англаб етишни ёзувчи китобхонга ҳавола қилади. «Хотин» ҳикоясида, кўрсатиб ўтганимиздек, қаҳрамон билан боғлиқ барча тафсилотлар ниҳоятда сергаплик билан тасвирланган. Яъни китобхон англаб етиши учун

унга ҳеч нарса қолдирилмаган эди. «Кўклам чечаклари»да эса, аксинча, китобхон жуда кўп нарсаларни ўзича ҳал этиши керак бўлиб қолади.

Ҳикоя воқеасининг руҳи Меҳри қалбининг очилишини талаб қилади. Бу аёл ҳаётнинг маъносини, умрининг мақсадини қандай тушунади, уни нимада деб билади ва нимада кўради, нимага интилади? Буларнинг ҳаммасига ёзувчи жавоб бериши керак. Ахир, Меҳрининг вазияти уни шу масалалар устида ўйлатмасдан қўймайди-ку! Табиий ҳол ҳам шу. Воқеалар ичидан воқеалар туғилади. Шундай туғилишлар бўладикки, буларда ҳар қандай тасодифот инкор этилади. Сабабиятларнинг темир қонуни ўз амалида бўлади. Ёзувчи Меҳри аҳвол-руҳиясидаги эрининг «бадан заъф малолатидан» туғилган нарсаларнинг тақомилини кўрсатиши зарур эди.

Етти йилдан бери тўшакка қадалиб ётган эр, ёстиқ ҳамдаму девор суянчиқ бўлиб қолган кезлари нималарни ўйламайди. У, табиийки, хотинининг ҳар бир ҳаракати, қарashi, гапини кузатади, синчковланади ва буларнинг барисига ўз маъносини беради. Фикр юритади, мушоҳада қилади. Ёзувчи, агар истаса, эрнинг ана шу ўйлари, мушоҳадалари — унинг кўз қарashi орқали Меҳрининг ажойиб ички дунёсини, юқорида камчилик сифатида кўрсатилган томонларнинг ўрнини табиий суратда тўлдириб юбориши мумкин. Бунда воқеаларнинг ташқи баёни эмас, порлоқ ички нурланишлари юзага чиққан бўлар эди.

Ҳозирча, бу бир истак, холос.

Саид Аҳмаднинг уруш оқибатлари ва ҳозирги кунларимиз мавзуида ёзилган ҳикояларида энг муҳим нарса бу — совет кишиларининг ҳаётида ва онгида рўй берган ўзгаришларни, қон-қуюн аралаш тўфонли кунлар кўкламга, унинг чечаклари ва тароналарига ўрин бўшатганлигини кўрсатишдир.

Америка ёки унга ўхшаш мамлакатнинг модернисти урушдан кўр бўлиб қайтган эрини танимай қолган, тўғрироғи, танишни истамаган хотин ҳақида ҳикоя яратади. Ва буржуа ахлоқи, «озод дунё» маънавий принциплари нуктаи назаридан хотиннинг қилиғини тўғри деб топади. Қолганига садқан сар! Бўлганича бўлар — тараллабедод! Бош қотириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Хотиннинг бадани нима учун яратилган ахир! Бундай ёзувчи хотинга кўмаклашади: ҳа, баракалла, баракалла!

Бадан бизнѐс, чирой бизнѐс, лорсиллаган кўкрак бизнѐс, тирсиллаган бел бизнѐс, хоним, давом этинг: ҳа, ҳа, баракалла, баракалла! Кўр эрми, садқаи сар! Ана, кўрмаяспсизми, очларга икки центлик ёрдам фонди бор. Ана, Жон Рокфеллер кичкина ҳам эски костюмда юрибди. Ана, у инвалидлар билан кулиб гаплашяпти. Яшасин камбағалпарвар Рокфеллер! Кўр эрми, ўлмайдди. Аммо Америкада соғлом гражданлар туғилиши учун ҳаракат қилингиз, хонимлар, ҳаракат қилингиз! Форд конвейерига ёш ва соғлом кул керак.

Совет ёзувчиси эса совет кишисининг улуғвор маънавий қудратини кўрсатади. Бу мислсиз ўлкада ногирон кўзсиз эмас, майиб-мажруҳ эмас. Уларнинг кўзи ҳам, асоси ҳам халқида. Халқи ичида вафодор ўртоғи — аёли, эри бор. Булар бурчнигина эмас, муҳаббатни — ҳаёт чақиригини, қалб интилишини, истагини адо этадилар.

Икки оёқсиз қолган Саодатнинг эри архитектор («Кўклам тароналари»), хастанинг аёли Меҳри («Кўклам чечаклари»), қурбон бўлган Обиджонни ҳали ҳам кутаётган муштипар онаси ва хотини («Мангулик қиссаси») ана шундай совет кишиларидир. Тарих яратаётган инсонларнинг маънавий дунёси худди ана шундай бўлади. Сохталик ўрнида бу ерда доимо поклик ва самимият ҳукмрон. Демак, манзил аниқ ва равшан кўрилади.

## МАТОНАТ ВА ЭЗГУЛИК

Муҳокамамиз Саид Аҳмаднинг дардли ҳикояларига келиб тўхтаган эди. Мен шартли суратда бу ҳикояларни дардли деб олмоқдаман. Ҳа, уларнинг таҳлил марказида инсон дардлари ётади. Лекин бу дардлар улуғ инсоний катаклизмлар — урушларнинг, қайта тиклашларнинг акс садолари. Бу дардлар зерикиб кетган одамнинг инжиқликларидан эмас, катта матонатли қалбларнинг олижаноб соғинчларидан, қўмсашларидан, юзи битмас жароҳатларидан туғилган. «Дардим менинг мунаввар», деган экан шоир. Саид Аҳмад қаҳрамонларининг юрагидаги дард катта дард ва мана шундай инсоний мунаввар дард. Кишилар кўпинча дардли одамлардан қочадилар. Дард юқувчан деб ўйлайдилар. Юракларнинг қувнок муҳитига дардни яқинлаштиришни истамайдилар. Дардни чақиришнинг ҳожати йўқ, сендан сўрамай келаверади, дейдилар. Гёте турмуш дардларини ўзидан йироқ қуволган одамлар катта ишлар қилишга қодир бўладилар, дейди. Албатта, ғам билан чувалашиб ўтирмақ ғайратли, матонатли инсонларга хос эмас. Саид Аҳмаднинг ўзи катта романида ғам одамни пастга тортади, шодлик юқорига, дейди.

Саид Аҳмад ўз дардли ҳикояларида дарддан ғолиб чиққан, дарддан баланд келган, унга бўйсунмаган Инсон образини таҳлил қилди.

Саид Аҳмад бундай ҳикояларида фироқ ўтида қовурилаётган, айрилиқ шиддатларига бардош берган одамларнинг олижаноб матонати нималарга қодир эканлигини акс эттиради. У шундай ўт юракли одамларнинг жонига чироқ ёқиб қараётгандек бўлади.



Саид Аҳмад умуман лирик тўлқинли ҳикояларини ва хусусан, дардли, фироқ дуди тутаб турган асарларини кўпинча мен тилидан олиб боради. Мен бундай ҳикояларда кўпинча журналист ва адиб қиёфасида кўринади. Гарчи бундай ҳолларда мен автор билан тўла ухшаш ёки тўла қовушиб кетмаган бўлса-да, лекин автордан, унинг фикрлаш тарзидан, биографияси, эътиқоди, қарашларидан у қадар йироқ ҳам қочмайди. Автор функцияларини гўё ўз устига олган бу мен воқеаларнинг боришига, уларнинг ўзгариши ва тараққиётига, қаҳрамонларнинг ҳолатлари ва тақдирларига таъсир ўтказмайди. У ўзи илгари бир кўрган, сўнг ҳаёт бўронлари ичра йўқотган ғалати, қизиқ, ўзи севиб қолган одамларни излаб юради. Қидирганга толе ёр, дегандай, у бировни қидириб бошқа бир нарсани топади, бошқа бир антиқа воқеанинг устидан чиқади. Бошқа бир ажойиб одам билан учрашиб қолиб, унинг тарихига ошна бўлади. «Тўлқинлар», «Хотиралар», «Ҳайқиреқ» сингари ҳикояларда мен воқеаларни худди тарихчи каби олиб боради. У тарихчи каби ўзи кўрган, ўзи шоҳид бўлган ёки ишончли одамларнинг оғзидан эшитган, чин эканлигига ўзи амин бўлган воқеаларни баён қилади. Мен тарихчи каби олижаноб ва кўтаринки, шоирона воқеаларни қаламга олади.

Меннинг шаҳодати воқеаларга кучли эмоционал тўлқин бахш этади. Баъзан шундай ғалати психологик ҳодиса ҳам рўй беради: китобхон ўзини мен деб ҳис қилади, ўзини унинг ўрнида тасаввур қилади. Одамлар билан ўзи учрашгандай, воқеаларга ўзи гувоҳ бўлгандай туюлади унга. Меннинг китобхон билан бундай туташиб кетиши фақат маънан ёрқин гавдаланган ҳоллардагина рўй беради.

Мен воқеага ишонч уйғотади. Лекин боя айтганимиздек, у воқеанинг ўзагига аралашмайди. Баъзан у ҳодисага муносабат билдиради, бу кўпинча ҳикояларнинг финалида бўлади. Бу муносабат доимо кўтаринки лиро-публицистик руҳ билан суғорилади. Мен ўзининг муносабати билан воқеага урғу беради, таъкидлайди, унга виқор бағишлайди. Умуман, кўп адиблар мана шундай автор муносабатини «мен» воситасида очиқ ифодалашни, китобхонга воқеани қай тарзда қабул қилиш кераклигини кўрсатишни, лирик чекинишлар қилишни, ҳикояларни бадний ҳитоблар билан тугаллашни унчалик ёқ-

гиравермайдилар. Бу унчалар холис эмас, бу воқеани ҳаққоният билан қабул қилиш ва баҳолашга халал беради. Асарни ўқиётганда автор китобхоннинг қанча эсидан чиқса, шунча яхши, асар шунча қизиқарли бўлади, деб ўйлайдилар. Бу қараш ҳам тўғри ва яхши. Лекин у Саид Аҳмаднинг воқеаларни мен воситасида олиб бориш йўлини инкор этмайди. Саид Аҳмаднинг воқеликни идрок этиши ва бадиий акс эттириши учун балки шу усул қулайдир, шу балки унинг кўрган-кечирганларининг руҳига, юрагининг кайфиятига мос тушар, балки лирик кайфиятнинг ўзи, лирик ўзлаштиришнинг ўзи шунини талаб қилар. Ҳар қалай, бир нарса равшанки, шу йўл билан борганда ўзи ҳам завқланади, ҳам кўнглидаги санъаткорлик қилларини чертади, сира тинч қўймаган ҳаёт материални яхши қоғозга туширади.

«Тўлқинлар» ҳикоясида «мен» қишлоқ йўлидан бормоқда. Бу йўллардан у ўн саккиз йил илгари уруш пайтида ўтган, ўшандан бери мана энди келиши. Ушанда «Сталинград остоналаридаги жангларда душманнинг учта танкини ёндирган қаҳрамон Ўсарбой Омонбоев оиласи ҳақида очерк ёзиш учун худди шу йўлдан юриб қишлоққа келган эдим»,— деб ҳикоя қилади мен. У ўша оиласида колган уруш йилларини эслаб кетади. Ўсарбойнинг хотини Жўраҳон ёлига тушади. Танти ва олижаноб аёлнинг калбига яна назар ташлагандай бўлади. Колхоз меҳмонхонасининг қоровулидан аста Ўсарбойни суриштиради. Шунда Жўраҳоннинг ҳалок бўлганлигини эшитади. Жўраҳон сел келган чоғ чўпон чолни қутқарман деб ҳалок бўлган. Ўсарбой эса шунча йиллардан бери Жўраҳоннинг доғида куюди, уйланмай, ўз ҳасратларининг сўнмас алангасида яшайди. Жўраҳонни сел олиб кетган, унинг ҳатто қабри ҳам йўқ. Ўсарбой айниқса, мана шунга чидолмайди. Ёзувчи Жўраҳоннинг ҳалокатини кичкина бир парчада чизиб ўтади. Тун. Сел қутурган. Йўлида нима дуч келса, шунини пишқириб олиб кетмоқла. Селда қўйлар, одамлар. Жўраҳон «ҳали қўй, ҳали кўзини оғидан сувдаб чиқади», ҳеч ким ҳеч кимни кўрмайди. Шунда Жўраҳон чўпон ота сувда оқиб бораётганини кўради. Уни қутқараман деб ўзини сел очимига отади. Шундан сўнг уни ҳеч ким кўрмаган. Жўраҳоннинг шундай қилишига одамнинг ишонгиси келмайди. Бу фавқулодда ҳолат дейсиз. Саид Аҳмад ўз асарларида мана шундай фавқулодда ҳолатларни кўп

тасвирлайди. Матёқуб Қўшжонов Саид Аҳмад асарларида учровчи шундай психологик ситуацияларнинг табиати ҳақида яхши фикр айтган: «Баъзан шу даражада бўладики, бу шиддат ва кескинлик яратган психологик ҳолатларга ишониш ҳам қийиндек кўринади. Бундай пайтларда у тасвирлаётган образлар—шахслар ғайритабiiий бир ҳолатда кўзга ташланади. У бу ҳолдаги «ғайритабiiийликка» ҳам сизни тўла ишонтириш учун бор ёзувчилик маҳоратини ишга солади. Охир-оқибат ишонасиз. Хуллас, Саид Аҳмад психологияси бу кескин ва шиддатли ҳолат ва хатти-ҳаракатлар психологияси, баъзан ошириб-тошириб тасвирламоқ психологияси. Воқеаларга, психологик ҳолатларга шиддат бағишлашда у ҳеч кимни аямайди — на ўзи яратган образни, на китобхонни»<sup>1</sup>. Чуқур мулоҳаза. Жўраҳоннинг қилган иши ишонтирмайди, дедик. Осуда бир кайфиятда, руҳларимизни ҳеч нарса тўлғоққа солмаганда ва безовта қилмаганда, китобга қараб ўтирганимизда бизга шундай туюлади. Соғлом, оқил одам бундай қилмайди. Қоронғида селга ўзини ташлаш ўз жонига қасд қилишдан бошқа нарса эмас, наҳотки, Жўраҳон кўра-била туриб ўзини ўлимга гирифтор қилса, деймиз. Лекин қаҳрамонлик кўпинча мана шундай кутилмаган, ақл бовар қилмас онларда туғилади. Қаҳрамонлик — мулоҳаза қилиб, ақл ишлатиб ўтиришга ҳеч қандай вақт қолмаган сонияларда туғилади. Қаҳрамонлик — ўз ширин жони кўзига кўринмай, бировнинг жони ўз жонидан қимматли кўринган онларда, ўзни бошқаларга бағишлашнинг энг ўқтам онларида туғилади. Жўраҳон мард ва полвон хотин. У колхоз мол-мулкининг, инсон боласининг ҳалок бўлаётганига чидаб қараб туролмайди. У ўзини унутади ва селга ташланади. Сел унинг кўзига омонсиз ёв бўлиб кўринади. Ёв билан олициб ҳалок бўлади. Ҳаётда бундай қаҳрамонликлар бўлиб туради. Энг муҳими, бу тасодиф эмас. Жўраҳон — шундай қаҳрамонлик ва фидокорликка қодир аёл. Лекин албатта, ёзувчи Жўраҳонни яна андак батафсилроқ гавдалантириши керак эди. Менимча, Жўраҳон жасоратига ишончсизлик шундай бадiiий асослашнинг етарли бўлмаганидан келиб чиқади.

Мана шундай «тилга чиқса тилни, дилда қолса дил-

<sup>1</sup> Матёқуб Қўшжонов. Истеъдод қадри. «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1980, 20 июнь.

ни куйдирадиган» фарёд садоси «Ҳайқириқ» ҳикоясида ҳам эшитилади.

«Ҳайқириқ» ҳам мен тилидан ҳикоя қилинади. Бу ерда меннинг кўз қараши қизиқ. Уруш йиллари колхоз бош бухгалтери Фотиманинг эри Исмоилжон жангга кетади. Исмоилжон колхоз парткоми эди. Фотима урушга кетган эрининг ўрнига ҳам ишлайди. Эл назарига тушади, партиёга ўтади, кўтарилади. Бу орада қишлоқда Исмоилжон немисга асир тушган эмиш, деган гап тарқалади. Фотима хоиннинг хотини бўлиб қолади. Ҳикояни менга чол сўйлаб бермоқда. Шу ерга келганда ҳикоянинг маркази Фотимадан чолга кўчади. Шу чол партиёга ўтаётганда Фотимага кафолат берган. Исмоилжон асир тушибди, деган гап чиққач, чол нимагадир қўрқиб кетади. Фотимани партиядан ўчиришларини талаб қилади. Фотима партиядан ўчирилади. Ишсиз сарсон бўлади. Лекин нолимай ҳалол яшайди. Сўнг ҳақиқатнинг кўзи очилади. Фотима партиё сафига тикланади. Кейинроқ Фотима Исмоилжоннинг қуролдош дўстларидан хат олади. Хатда Исмоилжон икки йил партизанлар ичида жанг қилиб, ҳалок бўлганлиги хабар қилинади. Фотимага унинг ҳужжатларини, орденларини, қабридан олинган тупроқни юборадилар. Фотима эрининг ўқ тешиб ўтган гимнастёркаси чўнтагидан ўз суратини топади. Ўқ суратнинг ҳам пешонасидан тешиб ўтган эди.

Шу тариқа, мана сизга яна бир айрилиқнинг тарихи. Лекин бу дардли ҳикоя фақат айрилиқ ҳақида эмас. У аёлнинг бардоши ва олижаноблиги ҳақида ёзилгандир. Бунда чолнинг тарихи ҳам бор. У ўзи мустақил бир ҳикоя. Ҳикоя ичидаги ҳикоя. Чунки унинг ўз таъсир доираси бор. Қисқагина парчада чол шароит ичида тусини ўзгартириб турадиган типга айланади. Чолнинг қўрқоқлиги, бу қўрқоқликни сиёсий сабаблар билан изоҳлаши жуда хатарли. Қадимги файласуфлар инсон учун энг даҳшатли учта ёмонликни кўрсатадилар. Шулардан бири — қўрқоқлик. Чиндан қўрқоқ одам ҳар нарса бўлиши мумкин. Лекин энг олдин, ҳаммадан олдин у жаллод бўлади. Қўрқоқлик — доимо ахлоқий, маънавий розолатнинг манбаи. Агар одамларнинг ўзаро ҳаётий муносабатларига эътибор билан қаралса, улар мард ва матонатли кишилардан эмас, қўрқоқлардан чўчинқираб турадилар. Чунки қўрқоқ одамнинг қачон қандай ҳолда разиллик

қилишини олдиндән кўриб-билиш қийин, қўрқоқнинг қилиги прогнозга тобе эмас. Чолнинг қўрқоқлигида шундай разолат кўринади. У била туриб Фотимага оғир зарба берди. Била туриб қилгани учун ҳам буни кечириш қийин. Балки шароит шунга мажбур қилгандир. Лекин шароит билан ҳам уни оқлаб бўлмайди. Шу чолга ўхшаб кўрқоқликнинг оғир юки билан юрганлар озмикин ҳаётда?! Езувчи оғир гуноҳ қилиб сўнг унинг адоқсиз ўтида қовирилган одам образини лўнда ва тарихан тўғри ёритади.

Саид Аҳмад ўзининг қатор ҳикояларида чол воқеасига ўхшаш сюжет ичра сюжет қуради. Катта воқеа ичида жойлашган микросюжет ўз қурилишига ва ўз тасвир доирасига эга бўлади, у катта сюжет доирасига ифодавийлик, драматик кескинлик бағишлайди.

Саид Аҳмаднинг дардли ҳикоялари юракни эритадиган бир мусиқага эга. Эҳтимол, бу садо шоирона тасвирлардан туғилар. Эҳтимол, бу дардни енгиб ўтаётган қалбларнинг мусиқасидир. Бу мусиқа арганун садоларидай тоза ва ҳаётбахш.

Саид Аҳмаднинг дардли ҳикояларидаги қаҳрамонлар шоирона табиатга эга. Биз пок, олижаноб, халқ ишига фидокор одамларни шоирона қалб эгалари деб биламиз. Саид Аҳмад ўз ҳикояларида шундай одамларнинг қалбларига қулоқ тутишни севади. Уларнинг маънавий гўзал хусусиятларини эҳтирос билан ёритади.

Саид Аҳмад дардли ҳикояларида қаҳрамонларнинг бошларига тушган оғир айрилиқлар, фиरोқ аламларига мос муҳит яратишга моҳир. Бундай ҳикояларда баҳор манзаралари кўпроқ тасвирланади. Табиат ёшариш, янгиланиш фаслига қудратли гулдурос, қудратли нафас билан кириб бораётган бўлади. Табиатда масаррат ва сурур. Қаҳрамонлар юрагида эса дарднинг яллиғи. Бу дардлар кўпроқ инсониятнинг катта миқёсдаги жароҳатларининг акс садоси. Урушлар, босмачилик кулфатлари...

Саид Аҳмад табиатдаги ҳолат билан инсон қалбнинг ҳолатини уйғун тасвирлайди. Табиат ўз сир-асрорига тўлиқ нафаси билан инсон кечинмаларига жўр бўлади, руҳий кечинмаларни ажиб бир тарзда бўрттириб кўрсатади. Инсон ҳаётига шоирона бир мазмун бағишлайди.

Езувчи ўзининг беҳад дардли ва шу билан бирга чароғон, умидбахш ҳикояларидан бири бўлмиш «Лайлак

келди»ни шундай бошлайди: «Кампир самовар қўяман деб ҳовлига чиқса, ноғора товуши эшитилгандай бўлди. Беихтиёр осмонга қаради. Чорбоғ этагидаги оқ теракдаги ҳурпайган сават уяда лайлак турибди, у офтоб чиқаётган тарафга қараб, томоғини такиллаятпти.

— Ҳа, жонивор, келдингми?— деди кампир».

Ҳикоянинг бошидан-охирига қадар унинг ритмига лайлакнинг ҳазин такиллаши сингиб кетганга ўхшайди. Худди жумлалар ҳам шунинг садосини ўзлаштиргандай. Ҳатто кампирнинг юрагида ҳам бу маънос мусиқа тинимсиз акс садо бераётгандай. Кампир лайлакни кўриши билан ўтмишни эслайди. Ўтмишнинг совуқ шамоллари кўкрагига шиддат билан урилади. «Лайлак ҳамон мунгли ноғорасини тарақлатади», дейди автор тексти. Шундан сўнг у лайлак билан кампирнинг ажиб тарихини бошлайди. «Кампир бу лайлакни танирди. Лайлак ҳам унга ўхшаш ёлғиз. Жуфтини қор қуюнлари орасида йўқотган. Икки аламзада, икки хижронзада бир ҳафтача мана шу уйда дардлашишган. Бирга йиғлашган». Умрихоннинг дардли тарихини сўйларкан, Саид Аҳмаднинг тасвирий қобилияти ўзининг гўзал чўққиларидан бирига кўтарилади. Бунда ҳамма нарса одамнинг кўз ўнгида жонланиб кетади. Бунда ҳамма оҳанглар худди гўзал, сеҳрли куйдаги каби бир-бирига сирли боғланади. Кўкламда бевақт тушган қалин қор, изғирин, эшикларнинг ғичирлаши, елкасига урушга кетган эрининг тўнини ташлаб қунишиб ўтирган аёл. Тасвир лўнда гўзаллик касб этади: «Шамол очиқ эшикдан қор учириб кирди. Лайлак чўчиб уй ичкарасига қочди, лапанглаганича уй бурчагига бориб қуношиб олди. Умрихон ҳайрон эди. У ҳам лайлакдек қимирламай ўтираверди. Аммо ташқарида шамол ҳар хуруж қилганда, ҳар гал эшикдан қор ёпирилиб кирганда, лайлак жойидан нари сурилар, кўзлари бесаранжом бўларди.

Умрихон ўрнидан туриб эшикни зичлаб беркитиб келди. Елкасидаги чопонини унинг устига ёпмоқчи эди, лайлак ётсираб ўрнидан туриб кетди». Аёл — ёлғиз, лайлак — ёлғиз, улар бир-бирларининг ёлғизликларини қанчалар кучайтирадилар, шу билан бирга манзарада ҳамма сўзлар ёлғизлик ҳиссиётини кучайтириб ифода-лайди. Ёзувчи Умрихон билан лайлакнинг ҳолатидаги ўзгаришларни энг нозик жиҳатларигача назардан қочирмайди. Ҳолатдаги ўзгаришлар руҳий ўзгаришлар билан

мутаносиб тасвирланади. Умрихон лайлакнинг елкасига чопон ёпади: «Елкада анча илиб қолган чопон иссиғи унга хуш ёқди шекилли, бўйнини, иягини кўрпача устига узунаси қўйиб, кўзларини мўлтиратганча ётаверди.

Умрихон ҳам жойига бориб ўтирди. У тиззасини қучоқлаганича унга тикиларкан, бир неча дақиқада дунёни хаёлан кезиб чиқди. Уруш бўлаётган жойларга борди. Оловлар ичига кирди. Ўғлини ҳам, эрини ҳам тополмади. Назарида у ҳам шу лайлакдек мунгли, кимсасиз бўлиб қолди». Заргар ноёб узукнинг гавҳарига олмосдан зарралар ўрнатаётган чоғда мана шундай аниқлик, устакорлик билан ишлайди. Саид Аҳмад шу ерда сўзлардан гавҳар бағрига олмос зарралар қадаётгандек туюлади. Ўзбек прозасида мана шундай беҳад гўзал, ноёб тиниқликдаги тасвири Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикоясида учратамиз. Саид Аҳмад бу ўринда «Даҳшат» билан тасвирий мусобақага киришгандек таассурот қолдиради. «Даҳшат»да ботир қиз Унсиннинг ҳар бир хатти-ҳаракати жонимизда қандай акс садо берса, Саид Аҳмад ҳикоясида ҳам Умрихон билан қорбўронда унинг кимсасиз масканига кириб қолган лайлакнинг ҳар бир ҳаракати юрагимизни шундай ларзага сола бошлайди. Умрихон совқотган, дилдираган лайлак устига эрининг чопонини ёпди. Урушда, не даҳшатлар ичида юрган эрнинг чопони ёпилган лайлак янада мунгли кўринади. «Чопон ёпиш» аёл қалбида мунгли хотиротларни жунбишга келтиради. Шунинг учун у дунёни кезиб чиқади, хаёлида уруш майдонларини гавдалантиради, улардан эри билан ўғлини излайди, уларни тополмайди, ўзини янада ёлғизроқ сезади. Бунинг устига чироқ ўчади. «Ёғи тугаб, пилиги сўхта бўлган чироқ-аста-аста хиралашиб, бир пўп этди-ю, ўчди». Чироқнинг ўчиши ҳам персонажлар ҳолатига мос, ҳолатни бўрттириб кўрсатади.

Тунги маъюслик тонгда ҳам тарқамайди. Умрихон эрталаб ҳовлига чиқиб қорда судралган изларни кўради. Умрихон ўчоққа қаради: қозон тагига кириб совуқдан қотиб қолган лайлакка кўзи тушади. Бу ичкаридаги лайлакнинг жуфти. У қоронғида жуфтини йўқотиб ташқарида қолиб кетган. Умрихон лайлакни тупроққа кўмади. Шу орада эридан жудо бўлгани ҳақида қорахат келади.

Уруш — баҳорнинг чароғон куниди бирдан тушган

қаттиқ қор каби. У одамларни тўзғитиб юборди, хонадонларга айрилиқ солди. Табиатнинг ғазаби — лайлакни жуфтидан жудо қилди. Лекин табиатда қора кунлар доимо ёруғ кунлар билан алмашиб туради. Унинг шодонлик келтирувчи дамлари қайғу келтирадиган дамларига уйғун. Ёзувчи нидо қилади: «Уйнинг бир бурчида лайлак, бир бурчида Умрихон қимирламай ўтиришарди. Умр бўйи шу алфозда ўтириб бўлмайдик-ку. Умр бўйи кўз ёши тўкиб бўлмайдик-ку! Шу алфозда бир умр ўтираверса, шол бўлади, шу алфозда тинмай ёш тўкаверса, одам боласи кўр бўлади-ку!..» Саид Аҳмад одам бошига қанчалар оғир кунлар тушмасин, ҳаёт доим умидбахш эканлигини кўтаринки пафос билан тасвирлайди.

Унинг асарларида ҳаёт доимо ғолиб, ҳаётга ишонган пок ва матонатли одамлар ғолиб. Бу одамлар ўткинчи нарсаларни елкалари оша орқага ташлаб борадилар.

Саид Аҳмаднинг барча дардли драматик ҳикоялари кучли ҳаётбахш, умидбахш пафос билан тўлиқдир. Ҳаётбахшлик унинг асарларини ич-ичидан нурлантириб туради. Йўқ, бу ичига чироқ ёқиб қўйилган, анвойи ғаройиб балиқчалар сузиб юрган аквариум эмас. Бу — ҳаётнинг тубигача нурли, тезоқар, тиниқ оқар, тинмай оқар дарёси!

Умрихон тарихига қайтайлик. У ҳам мунгли, муштипар бўлиб йиғлаб-сиқтаб ўтириш инсон боласига ярашмаслигини ҳис қилди. Чарақлаб офтоб чиқди. Офтоб уни ҳаётга чорлади. Уруш ҳам тугади. Лайлак ҳам ўз уясига кўтарилди. Одамлар кўзларида ёш билан кулдилар. Ёзувчи Умрихоннинг бундан кейинги ҳаётини йирик чизиқлар билан ёритади: «Умрихоннинг ҳовлисидаги ариқ бўйида икки туп гулсапсар очилди.

Йигитлар келишяпти.

Терак учиди лайлак ногора чалади. У кимни кутаётганикин? Умрихоннинг ҳам бағри тўлди. Ўғли қайтди».

Саид Аҳмад қаҳрамонлари руҳий дунёсида бўлаётган ўзгаришларни, кечаётган жараёнларни теран ҳис қилади. Шу теран ҳиссиётдан унинг асарларида ажиб кайфият яралади. Замон адибларидан бири: ҳикояда айниқса кайфият яратиш қийин, дейди. Кайфият яратилгандагина асар яхлит бир жаранг билан куйлай бошлайди.

Саид Аҳмад мана шундай кайфият яратишга моҳир. Саид Аҳмад инсон дардларини қанчалар нафис бўёқлар



билан тасвирласа, дардларнинг бахтиёр дамларга айланган чоғларини ҳам шунчалар нозик тасвирлайди. Фақат бу тасвирларнинг ўртасида тафовутлар бор. Кувончининг тасвири бошқа, дарднинг тасвири бошқа. Уларнинг ифодавий тони ва туси бошқа. Гегель бахтли дамларни тасвирлаш қийин, фожиаларни тасвирлаш осонроқ ва бунда тез таъсирчанликка эришилади, дейди.

Қаҳрамоннинг ҳолати ўзгариши, унинг руҳиятида бурилиш содир бўлиши билан ёзувчининг ифода усули ҳам ўзгаради. У персонажларнинг бахтга эришган дамларини йирик чизиқлар билан, киночилар тили билан айтганда, йирик планда ёритади. Психологик, нозик, деталлашган тасвир билан йирик пландаги тасвирни бири-бирига уйғун олиб боради. Саид Аҳмад ҳикояларида ва ҳатто энг яхши ҳикояларида ҳам сюжетлар моҳирона қурилмаган бўлса-да, лекин персонаж қалбига кўра топилган мусиқа ва кайфият туфайли улар бир қадар яхлит бўлиб туюладилар.

Умрихон воқеасига қайтайлик.

«Терак учиди лайлак ногора чалади. У кимни кутаётганикин? Умрихоннинг ҳам бағри тўлди. Уғли қайтди.

Яна баҳор келди. Мана шу баҳор Умрихон келин кўрди. Тўйда куни билан чорбоғ тепасида лайлак ногора чалди». Бу тасвир билан бояги қор босган баҳор кечасидаги тасвир ўртасида қанчалар фарқ бор. Тун қанчалар оҳиста тонг сари кириб боргандай ва кун қанчалик секинлик билан тун сари кириб боргандай Саид Аҳмаднинг ифода усули ҳам бир руҳий олам тасвиридан иккинчи руҳий олам тасвирига шундай аста ва тугал кириб боради. Негадир баъзан кичкина, жажжигина қизчанинг ўзи кўзга ташланмайди, унинг ялтироқ лентаси кўзга ташланади. Саид Аҳмад инсон кайфиятларидаги қарама-қаршиликларни шундай уйғунликда тасвирлай олмаганда эди, унинг кўп ҳикояларининг финали шундай қизчанинг лентасига ўхшаб қоларди. Ҳаётни теран руҳий силжишларда эмас, унинг енгил ҳилпирашларида акс эттирадиган проза китобхон кўз ўнгиди обрў ва эътиборини йўқотиб қўяди, реалистик салмоққа эга бўлмайди.

Саид Аҳмад урушнинг кулфатлари, адоқсиз аламлари ҳақида ёзаркан, айрилиқ ҳақида эмас, одамларнинг бардоши, вафоси, инсонийлиги ҳақида ёзади ва худди мана шунинг учун ҳам прозанинг шоири каби кўринади.

Саид Аҳмаднинг «Уйлар», «Турналар», «Кўклам тароналари», «Хазина» сингари ҳикояларида уруш даҳшатларидан омон чиққан, бу даҳшатларга асло таслим бўлмаган, инсонлик шаънига муносиб яшаган одамларнинг ёрқин образлари гавдаланади. Бу образларнинг ҳаммаси бир-бирига жуда яқин, уларнинг тақдирлари ўхшаш. Бу ўхшашликни уруш юзага чиқарган. «Уйлар», «Турналар», «Лайлак келди» ҳикояларининг структурасида мавзу бирлигидан, авторнинг воқеа танлаш методидан келиб чиқадиган яқинликлар кузатилади. «Уйлар»да Меҳрихоннинг эри урушда ҳалок бўлади ва у ёлғиз фарзанди билан қолади. Уруш шамоллари ўз комига тортиб кетган мард Анорбойдан қолган фарзанд худди отаси каби жўмард ва танти. У космонавт бўлишга ҳозирлик кўрмоқда. Меҳри эса кампир бўлиб қолган. У энди қўша-қўша набиралар кўриш орзуси билан яшайди.

«Уйлар»да нозик психологик картиналар йўқ. Меҳрининг ҳаёти бошқа кўп ҳикояларда яхши синалган усул— унинг хотиралари орқали ёритилади. Ҳаёт лўнда штрихлар билан чизилади. Тафсилотлар жуда оз. Деталлар жуда сийрак. Адиб бу ҳикояда лирик тарихчи усулини танлайди. «Остонасига арча ётқизилган эшикдан ёр-ёр айтиб қизлар ўтди. Меҳрихоннинг уйига самбитдек келин тушди. Уринбой бир чиройли куёв бўлди.

Чинор тагига янги ошиқлар келди. Олисада гулханлар ёнди. Уғри шамоллар яна япроқлар тилини пойлади. Энди Уринбой ота бўлади. Келиннинг юзларига чиройли доғлар тушди. Меҳри қариди. Белидан қувват, кўзидан нур кетди. Ҳассага таяниб қолди». Қайдлар, қайдлар. Лирик тарихчининг қайдлари. Адиб шундай қайдлар билан бир аёл умрининг тарихини яратади. Ҳикояда боқий ҳаёт рамзи сифатида чинор образи чизилади. Чинор Меҳрихон умрининг тилсиз гувоҳи. Умр шамоллари эсиб ўтаверади. Чинор шамолларда синмай яшнаб тураверади. «Лайлак келди»да лайлак, «Турналар»да турна, «Хазина»да дотор қаҳрамонлар ҳаётига қанчалар мазмундор руҳ бериб турса, «Уйлар»да чинор персонажлар дунёсига ўзгача маъно бағишлагандай бўлади. Зотан, «бу чинор Дашнобод оқшомларининг, офтоб яшнатган кундузларининг юз йиллардан бери гувоҳи. У тун уйқусини бузган отишмаларни кўрган, неча-неча бахтиёр ошиқларнинг дилни ўртайдиган кўшиқларини тинглаган тилсиз гувоҳ. Эҳ-ҳе, у гапира олсайди, ҳар

бир япроғига битылган ҳижрон ва бахт ғазалларини ўқиб беролсайди...»

Саид Аҳмад ҳаётни унинг абадий ҳаракат ҳолатида ёритади. Унинг барча асарларида авлодлар эстафетаси давом этади, насллар алмашилиб, янгиланиб боради. Оталар ўзларидан болаларга яхшилик ва эзгуликни мерос қилиб қолдирадилар. Уларнинг яхшилиги одамга сингийдиган яхшилик.

Одамнинг ўтиб кетган соатлари, кунлари, йиллари — бизнинг мукаммал бўлмаган шууримизга ўтиб кетгандай бўлиб туюлади. Одамнинг ўтиб кетгандай бўлиб кўринган барча дамлари унинг ўзи билан яшайди. Одам йилларнинг қатламларини, қатламларга битилган дастхатларни ўз вужудида, хотирасининг қаватларида олиб юради. Шунинг учун юзга кираётган мўйсафидлар саксон беш йил бурун оламдан ўтган онасини туш кўради. Беш минг йил нари-берисида ўтган воқеаларни жонли тасаввур қилади, буткул эсидан чиқариб юборган ҳодисаларни кутилмаганда бирдан эслаб қолади. Мана шу одамнинг пешонасини силаб эсаётган шабадада миллиардлаб ўтган одамларнинг нафаси қолган... шунинг учун у баъзан эсиб ўтганда худди Чингизхон эсиб ўтгандай бўлади — ҳамма нарса тўзғиган, пароканда, қуюн... Номимиз муборак оқ саҳифаларда қолади, коинотдан келган нафасимиз яна коинот нуристонига қайтади, айлана-айлана яна қайта бир қиёфа касб этади. Бизнинг зурриёдларимиз биз яшамаган, яшолмаган йилларни яшайдилар. Биз ўтмаган йўллардан ўтадилар, биз кечмаган дарёлардан кечадилар. Биз уларнинг кўзлари билан келажакни кўрамиз, уларнинг қалбларига ўтиб бизга жисман тегишли бўлмаган замонларга ўтиб борамиз. Улар эса бизнинг нигоҳимиз билан ўтмишга боқадилар. Ва бизнинг ҳатто тасаввуримизга ҳам келмаган хулосаларни чиқарадилар.

Саид Аҳмаднинг жуда содда ва жуда-жуда шоирона лардли ҳикоялари умр йўлларидан сабоқлар беради, қимматли ибрат қолдиради.

«Ҳазина» ҳикоясининг сюжети «Ўйлар»даги каби содда. Лекин бу ерда сюжет жиндак эпик кенгликка эга. Бу ҳикояни бизга яхши таниш бўлиб қолган мен олиб боради. Мен мухбир, у яна йўлда. Яна бизга ғалати учрашувларни, қизиқ хотираларни ваъда қилади. Мухбир йиғитнинг бу сафар ёнида ҳамроҳи ҳам бор.

Улар йўлда борар эканлар, Темиркўприк деган жойга етганларида, мухбир урушдан илгари шу ерда Уста Мақсуд деган кишининг дуторда машқ қилганлигини эслайди. Уша куйнинг хаёли уни Устани кўришга, яна дутор эшитишга қистайди. Ҳамроҳининг эса сира дутор тинглашга раъйи йўқ, тезроқ манзилга етишларини истайди. Мухбирнинг интилишлари ҳамроҳига ёт, бу интилишларга у хоҳиш билдирмайди, бегонасираб, ёқтирмай қарайди. Мухбирнинг дутор тинглаш истаги унга бачкана бўлиб туюлади. Ғалати, хоҳишсиз одам. Саид Аҳмад унинг воситасида худди «Ҳайқиреқ»даги каби сюжет ичра сюжет яратади. Бу чизик ўзи ингичкароқ бўлса ҳам катта сюжет чизигини янада каттароқ қилиб кўрсатади.

Мухбирнинг дутор тинглаш истаги бизга ҳам «юқадди». Уста Мақсудни кўргимиз, машқини эшитгимиз келади. Мухбир ўзи қизиққан нарсага бизни ҳам қизиқтиролди. Унинг ҳамроҳи кўз ўнгимизда турибди. Биз унинг ҳамроҳига ўхшашликни истамаймиз. Лекин мана Уста Мақсуд! У ҳамон чой хўплаб ўтирибди. Лекин у энди дутор чалолмайди. Уруш уни дутор чаладиган қўлдан маҳрум этган. Уста Мақсуд ихлос билан келган одамнинг кўнглини чўктириб юборишни истамайди. Уларни пахта даласига, шогирди Инобатнинг ҳузурига бошлаб боради. Инобат қорамой бўлиб кетган қўлларини артиб дутор созлайди. Тракторчи қиз ҳаммани ларзага солиб куй чалади. Бармоқлари билан торларни эмас, юрак қилларини чертаётгандай бўлади. Чинакам санъат доимо кишида яратувчилик иштиёқини уйғотади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. «Дуторга жўр бўлгим, атрофда мавж уриб турган баҳор манзараларини қўшиққа солиб куйлагим келарди. Ҳамроҳимга қарадим: унинг кўзларида ёш йилтирарди», дейди мухбир йигит ўз ҳиссиётларини ифода қиларкан.

Саид Аҳмад, менинг халқим санъаткор халқ, санъатга фидойи халқ, унинг санъати тошларни ҳам эритиб юборишга қодир, демоқчи бўлади. Тракторчиси шунчалар санъаткор бўлса, шоирлари қандай экан бу ўлканинг!

Хазинани асраган, оғир уруш йилларида ҳам уни дилида қимматбаҳо мерос каби сақлаган ва авайлаб янги хазинабонга — тракторчи қиз Инобатга топширган

Уста Мақсуднинг шу иши уни қанчалар олижаноб қилиб кўрсатади.

Бу ҳикояда ҳам психологик теран ишланган инсон характери йўқ. Коллизия яна ўша: уруш ва унинг жароҳатлари... Ёзувчи учун одамларнинг шу жароҳатлар ичидаги қалбий интилишлари муҳим. Саид Аҳмад ҳикояларини Чехов, Эдгар По, Цвейг, Мериме, Пришвин ҳикояларига солиштириб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси бутунлай бошқа-бошқа ҳодисалар, бошқа-бошқа одамлар. Лекин Саид Аҳмаднинг андак Пришвинга ўхшаш томони бор. Пришвин ҳикояни қўшиқ қилиб ёзади. Лекин унинг қўшиғида табиатнинг ва инсоннинг теран ва беҳад гўзал фалсафаси гуркираб нафас олиб туради. Мана унинг «Катта сув» деган ҳикояси:

«Инсон табиат ҳақида хаёл сураркан, ўзи сўзлаётган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини ўзидан олади, деб бекорга айтмаган экан Гёте. Лекин баъзан катта сув олдига яна қандайдир оилавий жанжалдан синиқ, майдаланган, қиймаланган дил билан бориб қоласан, катта сувга шундай қарайсану — юрагинг катта бўлиб кетади, кейин ҳаммасини марҳамат қилиб кечирасан, нега шундай бўларкин?» Тугади ҳикоя. Бу ахир шеър-ку, дейиши мумкин китобхон. Ҳа, бу шеър. Ҳа, бу проза. Бу иккисининг фалсафий никоҳидан туғилган шеър — проза. Ҳақиқатан, катта сувга қараганда одам шундай ҳолга тушади. Юракнинг майда дардлари оқиб кетади. Лекин мана катта сувга қараб туриб шундай хаёлга келган одамнинг шеър — проза сини ўқиб туриб ҳам худди юрагинг катта бўлиб кетганга, фикрлаш доиранг кенгайганга ўхшайди. Ўз навбатида биз ҳам шу саволни беришга ҳақлимиз: нега шундай бўларкин?

Саид Аҳмад прозанинг лиро-драматик қўшиғини ёзади. Қўшиқда драматик ҳодисанинг поэзияси — шоирона томонларига урғу берилади, шоирона томонлар лирик тасвир воситалари билан бўрттирилади. Прозани қўшиқ каби ёзишда Саид Аҳмад андак Пришвинга ўхшайди. Ёзувчи эътиборимизни Уста Мақсуднинг, Инобатнинг турли инсоний хусусиятларига эмас, уларнинг санъатига тортади. Санъаткорни унинг санъатидан маҳрум қилган урушни лаънатлагандай бўлади. Санъаткорнинг ўз санъатини янги наслга мерос қилиб қолдиришга бўлган интилишини қутлайди. Ҳикоянинг пафоси шунга қаратилган.

Мазмун ҳаракатдан ҳосил бўлади. Ҳаракатнинг моҳияти мазмун бирлигини келтириб чиқаради. Уруш — Уста Мақсуд — Инобат. Қолганлар томошабин.

Саид Аҳмад прозаси ва айниқса, лиро-драматик ҳикоялари шаклан ва мазмунан дostonга яқин. Таҳлили шоирона. Воқеа чегаралари ва маънавий хулосалар дoston параметрлари доирасида. Илгари сурилган ҳаётий концепция ҳам шоирона моҳиятга эга. Шоирона концепция. Булар Саид Аҳмад ижодиётида бадиий принципга айланган. Унинг прозаси шундай принциплари билан мустақил санъат ҳодисаси каби кўзга ташланади.

Саид Аҳмад лирик ҳикояларининг ички қурилиши ҳам бир-бирига яқин. Қаҳрамонларнинг биографияларида ҳам ўхшашликлар топилади. Шоирона таҳлил, эслашлар, хотиралар, армонлар, янгидан туғилиб келаётган орзулар, букилмаган инсон иродаси — ҳикояларнинг шакл ва мундарижаси шулардан ташкил топади.

«Турналар» ҳикоясидаги манзаралар — осмонда беланчак ясаб учаётган турналар, қовунполиз, муаттар ислар, тар-тар ёрилиб атрофга уруғи сочилиб кетаётган ананаслар, деҳқон чол, чўлоқ турна, қумғонга қаланган ўт — ҳаммаси гўзал лирик ранглар билан безанган. Шундай ерда айрилиқлар, соғинчлар дарди бўлиши мумкинлигини хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз. Лекин яраланган турна, яраланган одам. Қовунполизнинг эгаси Собир ота. Унинг икки фарзанди уруш ҳандақларида қолиб кетган. Уруш шу бегуноҳ чолнинг юрагига ҳам қора қўлини чўзган ва бу юракнинг энг қимматли парчаларини юлиб комига тортган. Лекин чолнинг иродасини буколмаган. Собир ота уруш етимларидан бирини олиб вояга етказган, сўнг катта бўлгач, қариндошларини топиб уларнинг қўлларига топширган. Андрей уйланиб фарзанд кўрган, фарзандининг исмини ота шарафига Собир деб атаган. У узоқ Ленинградда хизмат қилади. Чол энди шу неварасини илинж қилиб яшайди. «Невара кўрдим, энди ўлгим келмайди. Шу боланинг камолини кўрсам», деб орзу қилади. Унинг орзуси қанчалар шарқона ва қанчалар миллий конкретликка эга. Собир чол умид билан олдинга қарайди. Умид — Саид Аҳмад қаҳрамонларининг эгилган бошларини кўтаради, эзилган юракларига мадор беради. Адиб қаҳрамонлари умидлари билан қоронғи оламни ёритиб турганга ўхшайдилар. Саид Аҳмад асарлари шундай ҳаётбахшлиги билан маз-

— мундор ва тасвирлари шундай ҳаётбахшлик билан жозибали. «Чол тикилган томонга қарадим. Кўкда арғимчоқ солиб учаётган турналар қарвонига қараб чолнинг турнаси ҳам шитоб билан учиб бораётди. Ана, унинг қарвонга етишига озгина қолди. Қарвон ярим доира ясаб унга пешвоз чиқди. Қарвоннинг сафи бузилди. Тўзиб кетган турналар тўйхонадаги хотинларнинг кий-чувини эслатовчи бир товўшда шовкин солишди. Кейин қарвон сафини ўнглаб, биз қараб турган чайла тепасида бир айланиб, силкиниб-силкиниб уфққа қараб ўтиб кетди. Чол қувончми, маъюсликми, билиб бўлмайдиган галати оҳангда:

Шу ярадор турна, унинг тузалиб яна ўз қарвонига қўшилиб кетиши чолнинг маъюс тарихига қанчалар уйғун жаранглайди. Чол тарихига, унинг дард-ҳижронига параллел борувчи турналар тарихи воқеага кўтаринки ҳиссий маъно бағишлайди. «Яширин уйғунлик ошқора уйғунликдан кучлироқдир»,<sup>1</sup> деган Гераклит қанчалар ҳақ. Чиндан ҳам ярадор турна микросюжети ўзи мустақил мазмунга эга бўлиши билан бирга, ҳикояни рамзий теранлик билан тўлдиради. Учолмай, тўдасидан ажралиб кўкка мўлтайган турна — ҳижрон доғида куйган чол — уруш еtimi Андрюша — унинг ўз туғишган опасини топиши — чолнинг набира кўриши — булар ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган.

Ҳикоя мен томонидан айtilган, ҳиссиётга бой чекиниш билан қолипланади. Бу чекинишда авторнинг мухтор вакили бўлмиш меннинг эзгу тилаклари ифодаланади. Бу чекинишлар хусусида олдинроқда ҳам айтган эдик. Улар асар воқеасига кўтаринки публицистик рангинлик берадилар. Чекинишлар ва хитоблар худди китобхон томонидан туриб айtilгандай эшитиладилар. Кўтаринки воқеа кўтаринки шаклни талаб қилади. Чекинишлар, лирик хитоблар, қолиплашлар кўтаринкиликнинг шаклий ифодаларидир.

Саид Аҳмаднинг урушнинг инсон тақдирларида қолдирган излари ҳақида яратган ҳикояларининг бошида 1956 йилда ёзилган «Кўклам тароналари» туради. «Кўклам тароналари» Саид Аҳмад ҳикоячилигига янги нафас олиб кирди. Унинг ижодида янги катта йўналиш

<sup>1</sup> История эстетики. Том I, изд. Академии художеств СССР, М., 1962, 84.

пайдо бўлди. Одамнинг ҳаётида бахтли кунлар, бахтли учрашувлар, бахтли тасодифлар, бахтли кашфиётлар кўп бўлади. Ижодкорларнинг умр йўлларида эса ўз бахтли асарлари бўлади. У бахтиёр бир дақиқада юзага чиқиб, ёзувчи ижодида бурилиш ясайди. Унинг йўлини узоқ замонлар мунаввар қилиб туради. Ҳар бир ижодкор ҳаётида муҳим роль ўйнаган битта асарни айтиши мумкин. Ижодкоргина эмас, бунини нозиктаъб китобхонлар ҳам сезадилар. «Кўклам тароналари» Саид Аҳмад учун бахтли асар бўлди. Унда янгича руҳ, тароват, илғари ўзбек ҳикоячилигида кўринмаган оҳанг, мусиқа, тасвир бўй кўрсатди. «Баъзан умр бўйи излаб тополмаган нарса уни излашдан умид узган бир пайтда рўбарў келиб қолади», деб айтади ҳикоя қилувчи м.е.н. Бора-бора бизга жуда азиз бўлиб қоладиган, доимо яхшилик, эзгуликнинг устидан чиқадиган, баъзан болаларча содда, баъзан хато қилиб қўйса ўзини қаттиқ койийдиган оққўнгил, дилкаш, чарчамас изловчи бўлмиш бу м.е.н билан ҳам шу «Кўклам тароналари»да илк бор танишамиз.

У концерт залида ўзининг студентлик йилларидаги кадрдонни Саодат билан учрашиб қолади. Ҳикоячи Саодат билан ёшлик чоғларда ўрталарида туғилган самимий дўстлик, Саодатнинг ғалати одатлари ҳақида сўйлаб беради. Унинг тасвирида Саодат латиф ва гўзал сиймо каби гавдаланади. У Саодат билан шунча йиллар ўтиб мана энди учрашаётганидан беҳад шод. Лекин шодликнинг порлаган осмонида бирдан чақмоқ чаққандай бўлиб кетади. Саодат ва м.е.н кийимларини олгани гардеробга чиқадилар. «Гардеробда одам кўп эди. Навбатим етиб, Саодатнинг калта мех пальтосини қўлимга олдим-да, атрофдан уни излай бошладим. Қимдир костюмимнинг баридан тортди, энгашиб қарадим. Худди оёқларим тагида Саодат тиззалаб турарди. Кўзим хиралашиб нималар бўлаётганини билмадим.

— Ке, кийдириб қўй.

Ўзимни тез ўнглаб олдим. Саодатнинг икки оёғи тиззасидан йўқ эди. Энгашдим. Худди ёш болани кийинтираётгандек унга пальто тутдим». Бояги Саодат билан бу Саодат ўртасида қанча фарқ бор. Урушнинг қора қўли Саодатнинг оёғига етган. Лекин уруш қизни бошқача одам қилиб қўйган. Ҳикоячи Саодатнинг ғалати одатларини айтган эди: у уруш ҳақидаги китобларни ўқимасди,



кечаси кўчага чиқмасди, момақалдироқдан қаттиқ қўрқарди. Мана шу қиз энди мардона табиатли аёлга айланган. Ҳаётда у мардлиқ билан яшайди.

Саид Аҳмад дардли-драматик ҳикояларининг барча шаклий, мазмуний, ғоявий ўзига хосликлари «Кўклам тароналари»да тажассум топган. Ҳикоя ёзувчига унинг темасини топиб берди. Шу темани қатор асарларида ёритаркан, у ўз талантининг янги порлоқ драматик тасвирга мойил қирраларини топди. Саид Аҳмад «Қадрдон далалар», «Муҳаббат» сингари асарларида талайтининг лирик қиррасини топган, лирик қирра шакллана бошлаган бир даврда бу талант кучли юморга ҳам қобиллиги намоён бўлганди. Мана энди «Кўклам тароналари»да талантнинг янги қирраси ялт этиб кўзга ташланди. Кейинроқ Саид Аҳмаднинг катта китобида кулги, лирика, драма — уч қирранинг ҳаммаси бир-бирига чамбарчас қовушиб кетди.

Уруш ва инсон қисматлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу асарлар, руҳий теранлиги, дардли, аммо жуда ёрқин қўшиқдай жаранглаши билан ўзбек прозасида янгилик бўлди. Шундан кўп ўтмай ўзбек лирик прозаси Улмас Умарбеков, Учқун Назаров, Уткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев сингари ёш носирларнинг асарлари билан бойиди. Шу ажойиб лиризм Саид Аҳмад ҳикояларидан бошланмадимикин? Шу йўлни «Кўклам тароналари» бошлаб бермадимикин?

Ёзувчи «Кўклам тароналари»нинг қаҳрамони номини бежиз Саодат деб қўймаган. У ижодкорликнинг машаққатли ва нурафшон бир кунда прозанинг саодатли оҳангини топиб олган эди.



Чапдан: Саид Аҳмад, Ҳамид Гулом, А. О. Тўраев, Асқад Мухтор, Зулфия.

## ЧУЛЛАРНИНГ ДИЛИ

Инсониятнинг яшаш ва олға силжиш манфаатлари доимо кенг миқёсда фаолият олиб боришга ундайди. Инсоният фаолиятида уч нарса доимо улуғ ҳаракатларни юзага чиқаради. Бу уч нарса: ўзлаштириш, ўзгартириш, янгилик киритишдир.

Лекин инсоният эски замонлардан тортиб, то социализм устивор бўлгунга қадар бу уч нарсада буюк инқилобий миқёслар ва натижаларга эришган эмас. Совет тузуми шароитида шу уч нарса ижтимоий ҳаракатнинг мазмунига айланди. Тарихни ҳаракатга келтирувчи куч бўлган совет халқининг фаолиятидаги асосий сифат белгилари мана шу уч нарсада шаклланди. Социализм бу уч нарсанинг олдига «инқилобий» деган сифатни ҳам қўшиб қўйди ва энди биз у нарсаларни: инқилобий ўзлаштириш, инқилобий ўзгартириш, инқилобий янгилик киритиш, деб атаймиз.

Совет адабиёти мана шу уч буюк инқилобий ҳаракатнинг мазмунини акс эттиради. У тарихнинг ҳақиқати бўлган инсонни шу уч ҳаракат ичида кўрсатади. Инсон тақдирларини шу уч нарсадан олиб ўтади. Буни уч майдонда тобланиш деб атаса ҳам бўлади. Ўзлаштириш, ўзгартириш, янгилик киритиш ҳеч қачон бир томонлама бўлмайди. Ўзлаштирувчи, ўзгартирувчи, янгилик киритувчи инсоннинг онги ҳам революционлашади. Шу улуғ жараёнларда инсоннинг ўзи янгича ижтимоий белгилар, хусусиятлар касб этади. Руҳан ва маънан ўзгаради. Шу ўзгаришни биз янги инсон пайдо бўлди, деб атаймиз. Янги инсоннинг ижтимоий жиҳатдан кескин ажралиб

турувчи хусусияти — унинг ижтимоий фаоллиги. Мана шу фаоллик — тарихларда мисли кўрилмаган ҳодиса.

Бугунги социалистик адабиётимиз мана шу ҳодисани унинг тарихий миқёсларида бадий тадқиқ қилади. Ва худди мана шунинг учун ҳам мазмунан илғор адабиёт деб саналади.

Мен бу гапларнинг ҳаммасини совет даврида беҳад кенг миқёсда бошланган чўлларни ўзлаштириш ва инсоният манфаатларига хизмат қилдириш ҳаракатлари билан боғлашни истайман. Чўлларни ўзлаштириш ҳаддан ортиқ қийин ва мураккаб ҳодиса. У уюшган улуг халқ кучларини талаб қилади. Шу маънода чўл ўзлаштириш фақат давлатнинг қудратигагина боғлиқ эмас. Бу ишнинг муваффақияти янги инсоннинг маънавий кучларини ҳам тўлиқ сафарбар қилинишини талаб қилади. Мамлакатимизда бу иш шу қадар улуг йўналиш касб этдики, унинг энг улуг давлат арбобларидан тортиб, энг оддий деҳқонигача чўлқуварликка дахлдор бўлиб қолди. Ҳаракат «чўлқувар» деган ажойиб маънодор сўзни майдонга олиб чиқди. Чўлқуварлик совет кишининг фахрли ишига айланди.

Ўзбек адабиёти мана қирқ йилдан ошиб боради — шу улуг мавзунини ёритади. «Кўшчинор чироқлари», «Олтин водийдан шабадалар», «Ғолиблар», «Чўлга баҳор келди», «Бинафша атри», «Феруза», «Уфқ» сингари йирик эпик асарлар чўл қувлаш тарихий ҳаракатини бадий акс эттирганликлари, шу ҳаракатнинг руҳини ёритиб берганликлари билан машҳурдирлар. Бу асарлар ҳаётда пайдо бўлган янги қиёфадаги, ҳаётни янгича тушунувчи маъруф қаҳрамонларни адабиётга олиб кирдилар. Булоқларнинг қўзларини очувчи, ҳаётда янги кенгликларга чиқувчи адабий қаҳрамонлар плеядасини яратдилар.

Саид Аҳмаднинг «Чўл шамоллари», «Чўл оқшомлари» сингари адабий туркумга кирувчи ҳикоялари чўлларни ўзлаштирувчиларнинг қиёфаси, ички оламини очишда ўзбек прозасида янги қадам бўлди.

Бу ҳикояларнинг мусиқаси ҳам, конструкцияси ҳам бошқача. Уларнинг ҳаммаси содда, қувноқ, нурафшон мазмунга эга. Ёзувчи чўлда рўй бераётган воқеаларни инфодалашда, чўлда пайдо бўлаётган янги одамларни гавдалантиришда оригинал бир шакл топади. Илгари ўзбек насрчилигида шундай ҳикоялар яратилмаган эди.

Улар шаклан ва мазмунан, қаҳрамонлар тасвиридаги ўзига хос шоироналик, тантилик жиҳатидан ўзбек адабиётида янги ҳодиса бўлди. Саид Аҳмад бу ҳикояларда ўзини чинакам новатор адиб сифатида кўрсатди. Саид Аҳмад чўл ҳикояларини ёзиш нияти унда қачон қандай туғилганлигини жуда мароқли очиб беради: «Чўл ҳикояларини ёзишдан аввал «Уфқ»ни ўйлаб қўйганман. Аммо чўл романтикасини ҳис қилолмай гаранг бўлиб юрдим. Ўзингиз ўйланг, романларда ошиқ-маъшуқлар булоқ бўйларида, шаршаралар ёнида бир-бирларига роз айтишади. Гулларга бурканган чаманзорларда, булбулнинг тўлиб-тошиб фарёд уришидан энтикиб-энтикиб ишқ изҳор қилишади. Тоғлар чўққисиди оппоқ булутлар сузади. Фонтанлар олдида ошиқ-маъшуқлар сайр қилишади. Мен нимани тасвирлайман? Менинг ошиқ-маъшуқларим қайси гулга, қайси фонтанга қарайди? Қайси булбулнинг овозини эшитади? Ҳаммаёқ тап-тақир чўл. Бу жойда на бир мусича, на бир қалдирғоч бор. Унинг устига мен гўзал деб тасвирламоқчи бўлган қизнинг қўллари уруш меҳнатидан қадоқ бўлиб кетган, юзларини чўл шамоллари аёвсиз дағаллаштирган. Уларнинг эғнида на дурустроқ кийим, на бутун пойабзал бор. Тасвирланадиган объектда ҳам, одамларда ҳам кўзни ром қиладиган бирон ранг йўқ. Шунинг учун аввалига разведка — одамлар қалбига разведка маъносиди бир неча ҳикоялар ёзишни мўлжалладим, Ёзёвон чўлларида узоқ кездим. Чўлқуварлар нзидан юриб, улар ҳақида бирин-кетин ўнга яқин ҳикоя ёздим. Шу жараёнда ташқаридан қараганда дарров кўзга ташланмайдиган ажиб бир гўзалликларни кашф қила бошладим. Сап-сарикф файсиз чўлдан тополмаган гўзалликларни одамлар юрагидан топа бошладим. Бора-бора чўлда ҳеч ким пайқамаган нафислик белгилари кўриниб қолди».<sup>1</sup> Саид Аҳмад чиндан ҳам чўл ҳикояларида бир қарашда кўзга кўринмайдиган ажиб гўзалликларни кашф қилди. Бундай гўзалликни кўра билиш, унинг маъносига ета билиш керак эди. Саид Аҳмад чўл одамлари қалбиди ажиб бир нафосат кўрди ва шу кўрган нарсаларини кашфиёт каби ифодалаб берди. Ҳар бир асарнинг қиммати очиқ қиёсда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Саид Аҳмаднинг чўл ҳикояларида кўринган шод, танти миллий оҳангни Абдулла Қаҳҳорнинг

<sup>1</sup> У. Норматов. Талант тарбияси, 85.

эллигинчи йиллар арафаларида яратилган «Ганишер», «Юринг, ошна, чўл қувлаймиз» сингари очерклариди кашф қилинган миллий теран оҳанг ва тон билан солиштириш мумкин. Абдулла Қаҳҳор ўша очеркларини чўл кишисининг — ажойиб Ганишернинг монологи тарзида ёзган, чўл одамнинг қаттиқ, мардона, ўз қилаётган ишининг улуг моҳиятини англайдиган, бундан фахрланадиган типини гавдалантириб берганди. Лекин бу ғалати шаклга қурилган асарлар фавқулодда ажиб бир асарнинг — янги киши ҳақидаги асарнинг гўзал парчаларидай бўлиб кўринганди. Саид Аҳмад ҳам чўл одамларининг тантилигини, ўз ишига муҳаббатини бадий таҳлил қилди. У Абдулла Қаҳҳорнинг фрагмент ҳолида қолган ишини давом эттиргандай бўлди. Ва ўз ишида яхлитликка эришди. Унинг қаҳрамонлари Ганишернинг шогирдларидир. Улар бу билан фахрланадилар.

Ёзувчининг ўз қаҳрамонларига самимий муҳаббати бунда ҳар бир сўз, ҳар бир жумлада акс этади. Ва уларга ўзгача тароват бахш этади. Ёзувчи чўл ҳикояларида жозибатор соддаликка эришди.

Ўзбек прозаси содда, жозибатор бадий таҳлил ва бадий тасвир принципи асосида тараққий қилмоқда. Саид Аҳмад прозада шундай тасвир усулини чуқур ишлаган ёзувчилардан. Таъкидлаб ўтган эдик ва қиёслаган эдик: бу усул халқ эртак ва ривоятларининг содда шоирона тилидан ўсиб чиққан, деб. Ҳа, ўсиб чиққан. Ўсиб, маданий-маърифий тус олган. Лекин ўзи етилган она бағрини — эртак таъмини унутмаган. Ҳамон ўзининг, ҳатто энг яхши намуналарида эртакнинг шоирона содда, ёрқин, равшан образи усулига интилади. Бу интилиш прозани доимо соғлом қилади, доимо уни поклаб туради. Шу интилишни менсимай унутган чоғда проза руҳан қуруқшаб, ақлбозлик, ўйинқароқ шаклбозликларга айланиб қолиши ҳеч кимга сир эмас. Бундай проза раққоснинг ҳаракатларини эслатади. Раққоснинг ҳаракатлари ҳам мазмундан холи бўлмайди. Лекин проза тажрибалари раққос усулида адо этилган бўлса, бундай прозани у ҳар қанча порлоқ бўлмасин, ҳазм қилиш мушкул. Халқ эртаги, нақл, ҳикоятлари доимо прозанинг она кўкраги бўлиб қолади. Бу прозанинг яшаши, тириклиги, таъсирчанлиги учун керак.

Шу маънода Саид Аҳмаднинг чўл ҳикояларидан шу пок она кўкракка эмукдошликнинг нафаси келиб туради.

Саид Аҳмад чўл кишиларининг характерларини ҳикоя доирасида анча чуқур таҳлил қилади. Ёрқин, жонли белгилар топади. Таҳлилда психологик тўлалikka эришади.

Бир француз адиби ёзишдан аввал яшаш керак, деган экан. Саид Аҳмад чўл кишилари образларини тўқиб эмас, яшаб, уларнинг орасида бўлиб, уларни севиб топган.

Чўлни унча-мунча кишилар обод қилаётганлари йўқ. Чўл фақат ўтюррак, шоиртабиат, кўнгиллари меҳнат нашъаси билан обод кишиларга тобе бўлиши мумкин. Чўл одамнинг юрагида пок маънавий кучлар жўшиб туришини талаб қилади. Чўл табиатнинг қаҳри билан чўл бўлган. Ёлғиз одамзоднинг меҳри билангина обод бўлиши мумкин. Чўлнинг қаттиқ бағрини фақат меҳр юмшатади. Меҳр эса қийинчиликлардан қўрқмайдиган мардона одамлардагина чинакам бўлади.

Биласизми, Саид Аҳмаднинг чўл ҳикояларини таҳлил қилганда одам уларнинг нафис руҳини бузиб қўйишдан чўчиб туради. Улуғ грузин соддачизар рассоми Пирсоманинг суратларини илм тили билан изоҳлаб бериш (изоҳ одми гапга айланиб қолиш хавфи жуда кучли бунда) қанчалар қийин бўлса, Саид Аҳмаднинг чўл ҳикояларини шунчаки сўзлаб бериш ҳам осон эмас.

«Чўл бургути» ҳикоясининг қандай бошланиши ёдингизда бўлса керак. Ҳикояни бизнинг эски танишимиз мен олиб боради. У каналдан ўтгач, чўлга юрмай тижирлик қилаётган отини зўр бериб қамчиляпти. От бўйсунадиган эмас. У отнинг жонини ачитиб уриш учун жаҳл билан қўл кўтарганда: «Ўғлим, жониворни суғоринг. Кўрмаяпсизми, сувга интиляпти», деган говушни эшитиб шаштидан тушади. Олтмиш ёшлардаги нотаниш чол ўз сўзлари бегона одамга дашном бўлиб эшитилмасин учун дарҳол келиб отнинг жиловидан тутади ва уни суғоргани олиб боради. От минганнинг отга қаҳри унинг тажрибасизлигидан. Билмасликдан жаҳолат туғилади. Чол бир қарашдаёқ от минганнинг жаҳолатга минаётганлигини кўрди. Уни жаҳолатдан қайтарди. Ва сўзи оғир ботмаслиги учун ўрнидан тура келиб отни олди. Гап умуман қариянинг донолиги ёки йигитнинг жаҳолатида эмас. Лекин ёзувчи табиий ва содда бўлиб кўринган тасвир ичига шунча гапни билинтирмай авайлаб жойлаб қўйган.

Юқорида меннинг табиати ҳақида сўз юритганда, унинг бошқа хусусиятлари қаторида ўзига, ўз ишига танқидий назар билан қарадини ҳам қайд қилиб ўтган эдик. Мен бу ўринда ҳам ўз табиатига содиқ. У отнинг ютоқиб сув шимираётганига қараб туриб қилган ишидан пушаймон бўлади. «Жаҳл устида қамчи босганимда эти дириллаб кетганини эслаб, кўнглим ранжиди». Чол отни суғориб бўлгач, ўзбек таомлига кўра йўл сўрайди ва унга йўл кўрсатади. Мана шуларнинг ҳаммаси сюжет (бир адабиётчи дўстим сюжет ҳақида сўзлашни яхши кўради. У оғзини тўлдириб «сюжетт», дейди ва кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб қўяди. Сюжет — осмон устуни, дегани бўлса керак) чизиғига кўра эртакларга ўхшаб кетишини айтмайман (эртакларда персонаж доим йўлда кимгадир, кўпинча чолга дуч келади). Чунки бу эртак эмас, реалистик замонавий проза. Лекин маҳорат билан ёзилган халқчил асарларда шундай ўхшамай туриб ўхшашлик ҳодисаси учраб туради. Боя кўкрак ҳиди ҳақида айтгандик. Ахир, кўкрак ҳидининг ўзи ҳам билинар-билинамас бўлади-да. Сизгир одамгина уни фаҳмлаб қолади. Ва бунинг нималигини анчадан сўнг тушунади.

Йигит чўл йўлидан Бургут ҳақида хаёл суриб боради. У қанотларини кенг ёзиб учишга ҳозирланиб тургандай баҳайбат бир одамни кўз ўнгига келтиради. У ўз тасаввурларидан ўзи ҳаяжонга тушиб папирос олиб чекмоқчи бўлади. Лекин ҳарчанд ҳаракат қилиб эплай олмайди. Шунда орқадан от дупурини эшитади. От дупури билан бирга у шу билан ҳисоб бўйича учинчи маслаҳатни ҳам эшитади. «Гугуртни ҳовучингизнинг орасига олиб чақинг, йигит. Чўл шамоли ўжар бўлади».

Демак, чўлни кўрмаган, чўл шамолини татимаган йигит чўлга келмоқда. Болаликда одамнинг кўзларига ҳамма нарса йирик бўлиб кўрингандай, содда, беғубор, болаларча самимий ва оқкўнгил одамнинг кўзларига ҳам чўл ғалати, ҳайратомуз кўринади. Унинг тасаввурлари ҳам шунинг учун болаларча муболағадор. Лекин шу содда муболағадор тасаввурлар билан реал ҳаёт тўқнашганда ўртада ажиб контрастли ҳолатлар туғилади.

Сўнг чол Бургутни таърифлайди. Унинг таърифи — чўл кишисининг таърифи. Унда бағри кенглик, самимият сезилиб туради. Чолнинг таърифлари ичида айниқ-



са, «олов бола», дегани хотирада ўрнашиб қолади. Кейин чол Бургутнинг ҳаётини ҳикоя қилиб беради. Ужар, олов, ўз ҳақини бировга бермайдиган, урушнинг қонли майдонларидан омон чиққан бир йигит гавдаланади кўз ўнгимизда. Фронтга кетганда ўзи билан аҳд-паймон қилиб юрган Ойнисанинг Тўппончага турмушга чиққанлигини кўриб, индамай уни уйдан судраб чиқиб ўзиникига олиб кетади. Ҳеч кимга бўйсунмай ўз ҳолича мустақил кетмон чопиб юради. Ҳар бир ҳаракатида «олов бола» эканлигини кўрсатиб туради. Унинг қилиқлари ўзига ярашади. Индивидуаллиги билан ажралиб туради. Фронтдан қайтгач, биринчи кунларнинг эркаликлари тугайди. Ахир, умр бўйи эркалик қилиб юриш эр кишига ярашмайди-ку! Бургутда меҳнатга ўчлик пайдо бўлади. Ёзувчи китобхонни Бургут билан учрашишга шу тариқа тайёрлаб боради. Сўнг Бургут лақабини олган йигитнинг оддийгина, «жуссаси ҳам, юзи ҳам, кўзи ҳам, қарашлари ҳам оддий, пачаққина бир йигит» эканлигини кўриб ҳафсаламиз пир бўлади. Тавсиф-таъриф қилинган қаҳрамон билан бу «пачақ» йигит ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқ. Лекин ёзувчи мана шундай таъсирчан контраст билан бизни ўз қаҳрамонининг ҳаётчилигига қаттиқ ишонтиради.

Саид Аҳмад Бургутнинг содда йигит эканлигини алоҳида урғу бериб тасвирлайди. Соддалик — чўл кишининг белгиси. У ўзи ҳақида сўзлашни ёқтирмайди. Сўзга чечан ҳам эмас. Ўзилигимни бошқалар сўзласин, дейди. Унинг соддалиги билан меҳнатга ўчлиги уйғун. Бу хусусиятлар ўзбек характерида бири ёқкинчисисиз яшолмайди. Улар бир-бирларидан туғилганлар. Бургутнинг тили эмас, қўли чечан. Ишга чечан. Шу томондан Бургут замондошимиз бўлган деҳқоннинг қуйма сиймоси. Унинг ишдан бошқа ҳеч нарсага вақти бўлган эмас. Меҳнат — Бургут ва унинг одамларининг номус, виждон ишига айланган. Улар меҳнат билан доврўқ солишни ўзларига шараф деб биладилар. Шундан уларда инсонлик орияти ҳам кучли. Бургут ҳақида ғалати бир гапни ҳикоя қилиб берадилар. «Бургутнинг йигитлари ҳали курашда елкаси ер кўрмаган полвонлар, — дейди механик йигит. — Ҳозир бу полвонларга Фарғона томонда тарафкаш йўқ. Ёғоч полвон деб ном чиқарган Миразиз ўтган йили паркентлик полвондан йиқилиб қолди. Бургут шундан кейин Ёғоч полвонни бригададан ҳайдаб

юборди. Уша полвонни йиқитиб келмагунингча кўзимга кўринма, деди. Йўқ, бултур куздаги пахта байрамида Фарғонада кураш бўлиб, Ёғоч полвон ўша полвонни чархпалак қилиб ерга урди-ю, юзи ёруғ бўлди». Бургутнинг орияти шунчалар кучли. Балки бу маҳобатдир. Балки Бургут енгилган одам бригаданинг кайфиятини тушириб юбормасин дегандир. Балки Ёғоч полвонни егиш илмига ўргатгандир. Лекин бу маҳобат Бургутнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққани учун ишонarli. Бу ерда қаҳрамонларда полвонлик хусусиятларини бўрттириб кўрсатиш ҳам уларнинг миллий табиатидан келиб чиқади. Ўзбек миллий ҳаётида полвонлик жуда қадрланган, халқ полвонларни суйган, полвонларда ўзлари орзу қилган куч-қудрат ва абжирлик, кураш санъатини кўрганлар ва бу хусусиятларни эъзозлаганлар.

Бургут Ёғоч полвонни бригадага қайтариб олади, лекин унинг олдига пахтани машинада экиб, машинада терасан, деган шартни қўяди. Бургутнинг ажойиб феъли бор: у ўзи яшнаган ерда бошқаларнинг ҳам яшнашини истайди. Бургут ҳодисаси одамни ўйлатади. Бургут — миллий ҳодиса. Совет миллий ҳодисаси. Бургут образига маънавий ҳодиса сифатида ҳам қараладиган бўлса, унинг ҳодисавийлик томонларини кўрсатиб ўтишга тўғри келади.

Бургут бошқаларга актив таъсир қилувчи маънавият ва фаолликка эга. Бу маънавият аввалда фақат унинг ўзигагина тегишли эди. Сўнг Бургут ўзлаштирувчилик — чўлқуварлик ҳаракатининг марказида турган социал типга айланди. У бошқаларни ҳам ўзгартириш қобилиятига эга бўлди. Бургутнинг атрофида одамлар олижаноброқ, инсонийроқ бўлиб кўринадилар. Улар бировга эмас, фақат ўзларига ўхшайдилар. Улар шу маънода китобийликдан жуда йироқ турадилар, том маънода ҳаётий қаҳрамон бўлиб кўринадилар. Бургутнинг йигитлари «Бургутнинг одами» деган номга муносиб бўлишлари кераклигини юракдан ҳис қиладилар. Улар Бургутга ишонадилар, унга эргашадилар, ундан ўрнадилар. Шунинг учун ҳам Бургутни қуршаган қаҳрамонлар Тўппонча полвон, Ёғоч полвон, Ўрик домла ва ҳатто чимилдиқни ташлаб Ғанивой деган йигит билан чўлга қочган тракторчи қиз Ойшахон ҳам тўлғин, дов, ажойиб, кенг қаҳрамонлар каби таассурот қолдиради-

лар. Уларнинг ҳаммаларида ҳам қандайдир ёрқин индивидуал хусусият бор. Улар ўз ишларига ошуфта ва ўз ишларига омилкор одамлар. Лекин уларнинг ҳаммаларини бир нарса, бир муҳит бирлаштириб туради. Бу — чўл. Уларнинг ҳар бири, ёзувчи ибораси билан айтганда, «чўл жинниси». Бу қаҳрамонлар бир-бирларига беҳад даражада мутаносиб яратилганлар.

Бу одамлар шундайки, уларнинг юракларида муаттар боғлар, яшнаган гулзорлар, поёнсиз пахтазорлар, зумрад арчазорлар қулф уриб ётади. Улар юракларидаги шу чаманларни чўлларга кўчириб экадилар. Ва чўл фақат мана шундай бой ҳамда фаол маънавиятли одамлар иродаси билангина бўстонга айланади. Саид Аҳмад Бургут ва унинг одамлар ҳақида ёзган ҳикояларида шундай демоқчи, шундай гўзал гоёни ифодаламоқчи.

Саид Аҳмаднинг «Чўл оқшомлари» туркумига кирган «Одам ва бўрон», «Бўстон», «Ер уйғонди», «Тўйбоши», «Оталар ва болалар»да ҳам чўл одамларининг ҳаёти акс эттирилади. Бу ҳикояларнинг персонажлари ҳам ўзгартирувчи ва ўзлаштирувчи, янгилик киритувчи одамлар. Лекин бу ҳикояларда ҳаёт ритми, тасвир Бургут ҳақидаги ҳикояларга қараганда анча вазмин ва босиқ. Чўл бургути ҳикояларида мен воқеаларнинг боришига эмоционал жўшқинлик ва шоирона самимият бағишлаб турар эди. «Чўл оқшомлари» ҳикоялари ҳолис эпик тасвир билан ёзилган.

«Чўл оқшомлари»да раис Қўзибой кучли ташаббускор шахс сифатида кўринади. Бургутни қуршаган одамлар унга қанчалар ярашса, Қўзибойни қуршаган — Кокила, Омонтой, Отабой сингари қаҳрамонлар унга шунчалик ярашади. Булар Қўзибойнинг тўдаси, Қўзибойнинг одамлари, унинг атрофида уюшганлар.

Бу қаҳрамонларнинг ҳар бирининг ҳаётда кузатган ўз мақсадлари бор. Қўзибой билан Кокила чўл колхозини обод, юксалган маданий хўжаликка айлантириш дарди билан яшайдилар. Уларнинг юраклари чўлдай очиқ, бағирлари чўлдай кенг. Чўлларнинг қаттиқ ҳаёти уларни одамларга меҳрли қилиб қўйган, улар тирик жоннинг қадрини юракдан англайдилар. Уларнинг муҳаббатлари ҳам меҳнатлари каби оловли, жўшқин.

Адабий танқидчилик ижобий қаҳрамон ҳақида неча замонлардан бери баҳс юритиб келади. Бировлар ижобий қаҳрамон бўлгач, унинг камчилиги бўлмасин, ўз

юксак идеаллари билан одамларга ибрат бўлиб хизмат қилсин, камчиликлар ижобий қаҳрамоннинг қимматини китобхон кўз ўнгида тушириб юборадн, дейдилар. Бу фикр ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас. Бошқа бир адабиётчилар ижобий қаҳрамон бутун инсоний камчиликлари билан акс эттирилиши зарур, шунда у жонли ва ҳаётий теран чиқади, унинг ижобий хислатларигина эмас, камчиликлари ҳам китобхон учун ибрат бўлиши мумкин, деган фикрни илгари сурадилар. Бу мулоҳазада ҳам катта ҳақиқат бор. Лекин адабий практика назариялар ичига снғмайди, ижодкор назарияларни олдиға қўйиб, шунга тўғри келадиган қилиб асар яратмайди. У ҳаёт ҳақиқати ва инсон ҳақиқати билан иш кўради. Шуларни бадий ҳақиқатга айлантириш устида оғир меҳнат қилади. Инсон характерининг ўз тараққиёт қонунлари бор. Бу қонунларни ёзувчи ҳар қанча гениал бўлмасин, бузолмайди. Бу қонунларға кўра, Қайс муқаддас қора тошни ушлаб туриб, мени ишқ балосидан йироқ қилма, дейди, шу қонунларға кўра, Анна Каренина ўзини поезд тагига ташлайди, шу қонунларға кўра, Дон Кихот Ломанчий қирчанғи отға, дўлвар Санчо эса эшакка минади. Биз Корчагинни курашчи ижобий қаҳрамон сифатида севамиз. У бизнинг ижобий ҳаётий қаҳрамон ҳақидаги инқилобий идеалларимизни ифодалайди. Унда ижобий қаҳрамон пафоси деган тушунча тўла мужассам. У биз учун тимсол. Лекин Шолоховнинг Мелехов, Давидов, Размётнов, Нагульнов сингари қаҳрамонлари-чи? Булар қанчалар ўткир, кескин қарама-қаршиликлар ичида яшайдилар. Уларнинг характерлари қанчалар кескин зиддиятларға тўла, шу билан бирға ниҳоятда инсоний. Булар ҳам худди Корчагин каби революция одамлари, революция идеали билан яшайдилар. Лекин улар қанчалар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Қанчалар бир-бирларига ўхшамайдилар. Улар ўз йўлларини буюк инсоний зиддиятлар ичида топиб борадилар. Ижобийлик ва салбийлик нисбати қаҳрамон характери ва у тарбия топган муҳит кўтарганча бўлади. Бургутнинг Ойшахонни Тўппончадан тортиб олиши ижобий ҳодиса эмас. Лекин бу Бургут характери хусусиятларидан келиб чиққан ҳодиса. Шу билан бирға бу ҳодиса шароит билан, фронтдан келган одамнинг эркалиги билан ҳам изоҳланади. Уша пайтда бундай эркаликлар оз эмасди. Ёзувчи бу ерда характер ҳақиқатидан четға чиқолмай-

ди. Бургут ўзининг бу қилиғида унга тобе эмас. Унинг араваси ғилдиради, энди бу аравани Саид Аҳмад эмас, Бургут бошқаради. Агар ёзувчи қаҳрамоним нозик таъбли ўқувчининг кўзига хунук кўринмай қўя қолсин, деб бу эпизоддан кечганда ёки Ойшахонни Тўппонча полвонда қолдирганда, Бургут девкор одам сифатида анча-ютқизган бўларди.

Саид Аҳмаднинг чўл қаҳрамонлари ёрқин ижобий хислатларга эга бўлган қаҳрамонлар. Уларнинг елкаларига тарих улуғ вазифа юклаган, улар шу вазифанинг масъулиятини ҳис қилиб турадилар. Саид Аҳмад ҳар бир ҳолда характернинг бош моҳияти, унинг табиатига қараб иш тутади. Камчиликларидан кўз юммайди, бу камчиликларни кўпроқ табассум билан ёритади, камчиликлар ҳам персонажларнинг ўзиники, бунда ёзувчининг ўзбошимча продаси тазйиқ кўрсатмайди.

Чўл кишиларининг баъзи ишларига ишонмайсан. Лекин ишонмай туриб яна ишонасан. Булар бағри тоза чўл одамлари, уларнинг қўлларидан шундай иш келади дейсан. Бўлмаса, колхоз раиси Қўзибой билан унинг шўх хотини Кокила бўрон қутурган кечада эри иш билан кетиб ёш боласи билан қолган ҳомиладор келинчақдан хабар олиш учун йўлга отланганларига ишониб бўладими? Яна улар ўз фарзандлари Бобирни ёлғиз ташлаб борадилар. Чўлга янги келган оила бўронли кечада кўрқиб ўтирмасин дейдилар. Бошқаларни билмадиму, лекин Қўзибой билан Кокила чўл одамлари — улар шундай қилоладилар. Улар ўзга инсон қадрини ўз тинчликларидан баланд қўя оладилар. Саид Аҳмад ўқувчисини шунга ишонтиради. Ва бўрон қутурган кечадаги ҳаловатли оила манзарасини қилқалам билан чизиб беради: «Ҳали жой солинмаган уйнинг бир четиди самовар, сандиқ устида шолчага ташланган кўрпа-тўшак. Юзига доғ тушган қорачагина бир жувон орқасига боллиш қўйиб тиззасида чақалоқча қўйлақча тикарди. Рангини офтоб оқартирган адеёлга чалқанча ётиб олган мўйловдор йигит яланғоч қорнига боласини миндириб нималардир деб жаврайди. Уни от қилиб миниб олган боланинг бир қўлида тешиккулча, бир қўлида қизил қоғозли конфет. Ерда ҳам конфет қоғозлари. Йигитнинг кўкрагига боши бургут, танаси одам, оёқ томони балиққа ўхшаган сурат солинган.

— Қойилман, матрос!— деб юборди Қўзибой унга ҳаваси келиб.

Электр чироғи кўзни оладиган даражада ёритиб турган чўл ўртасидаги уйда кишининг ҳавасини келтирадиган қандайдир бир ҳаловат, беозор, осуда ҳаёт гуркираб турарди. Ташқарида чўл бўрони қутуриб, қумларни чор атрофга пурқарди».

Шу осуда манзара ичига ёзувчи қанчалар теран мазмун сиғдиради. Оиланинг ёшлиги, янги кўчиб келганлиги, келинчакнинг ҳомиладорлиги, йигитнинг матрос бўлганлиги, унинг болажонлиги ва яқинда аллақайга бориб қайтганлиги айтилган бу парчада. Лекин чинакам проза тили билан ҳақиқатан ҳам, одамнинг ҳавасини келтирадиган қилиб айтилган. Бу жонли парча — гуркираган ҳаёт поэзияси! Қанчалар яшаш завқи бор унда!

Мана шу кўкрагига афсонавий махлуқнинг сурати солинган мўйловдор матрос Қизилсув дарёсига осма кўприк қуради, деб айтса, ким ишонади?! Лекин бағрида талантнинг ўти ёнган шу йигит — ишнинг кўзини биладиган халқ инженери кўприкни расмий расчётдан ярим миллион сўм кам маблағ сарфлаб қурганда, биз унга ишонамиз. Ёзувчи бизни ўзи тасвирлаётган ҳаётий материалга ҳам, қаҳрамонига ҳам ишонтиради.

Улуғ Рим мутафаккир шоири Гораций айтган экан «Санъат ва шеърят ҳақида» деган асаида:

«... мабодо сен журъат қилиб

ижодкор куч билан қиёфа яратсанг кўрилмаган илгари:

унда шундай қилки, бошда қандай кўрсатган бўлсанг

уни

сўнгги нуқтасигача ўзига муносиб қилиб чизиб бер уни».

Гораций бу ерда характер яратишнинг гўзал қонуниятини баён қилмоқда. Яъни чизилаётган, тасвирланаётган инсон қиёфаси — характерининг барча белгилари унинг табиатига уйғун, ўзига муносиб бўлмоғи даркор. Шундагина яхлит ва тўлақонли инсон қиёфаси ва характерини яратиш мумкин. Санъатнинг ўлмас классик қонуниятини бу. Саид Аҳмад инсон характерларини яратганда шу қонуниятга қаттиқ амал қилади. Шунинг учун инсон образлари унинг асарларида ўз ҳаётини ва инсоний ҳақиқати билан ҳаққоний гавдаланади.

«Чўл оқшомлари» ҳикояларидан бирининг қаҳрамо-

ни Кокила. Аввало унинг исмининг ўзи бизга кўп нарсани айтиб тургандай бўлади. Сиз шундай исми ҳаётда учратганмисиз? (Умуман, кези келганда айтиб ўтайлик, Саид Аҳмад номлардан ҳам жозибадорлик, миллий колорит, маъно ҳосил қилишга уста. У номдан образнинг табиатини очишда фойдаланади. Исмлар, лақаблар унинг асарларида қаҳрамоннинг қизиқ бир сифатини таъкидлаб туради. «Исми жисмига мос» деган ибора унинг қаҳрамонлари ҳақида айтилганга ўхшайди. Чунончи, Урик домла, дейилганда дарҳол лабингизга кулги қалқайди. Сиз илгари бундай ажойиб лақабни эшитмагансиз, лекин шунга ўхшаш лақабларни албатта, эшитгансиз. Демак, бу одам нимагадир қаттиқ гирифторман бўлса керак, дейсиз. Чиндан шундай бўлиб чиқади. Урик домла дунёнинг ҳаммаёғидан ўрик навларини қидириб топиб, кўкартириб юради. Урикларини кўз қорачигидек асрайди. Ноёб навли ўрикларнинг данакларини чақиб еб қўйган келинини уйдан ҳайдашгача боради. Ажойиб табиатшунос қария. Ёғоч полвоннинг лақабини айтмайсизми. Ҳеч ким бу полвоннинг белини буколмаган бўлса керак-да, Ёғоч полвон, дейилишидан. Тўппонча полвон эса сира тўппончага ўхшамайди. Унинг кўзлари қизларникидай чиройли, майин. Лекин ишга келганда тўппончанинг ўқидай чаптаст, бир зумда ҳар ишни ўрнига қўяди. Саид Аҳмад юмористик асарларида учровчи номларни-ку, айтмай кўя қолайлик. Қандай ғаройиб номлар учрамайди уларда. Бунда Ханка-Танкалардан тортиб, Оппонгача, Баббаевдан тортиб Фазлиддин Пошшохоновгача. «Бўстон» деб аталган ҳикояда андижонлик хамшира қиз образи бор. У бир-икки кўринади ҳикояда. Ёзувчи уни «ёшгина, икки юзи қип-қизил, тўмтоққош, бақалоқ бир қиз», деб таърифлайди. Унинг исми нима учундир, Ғупра. Одам Ғупра, дейилса ҳар қалай, жиндак кулиб қўяди. Лекин ёзувчининг мохирлигини қарангки, шу эса қолади. Одам унутмайди. Бошқа бир томондан у «Чўл оқшомлари» ҳикояларининг умумий контекстига нечоғли уйғун. Бу исм олдида Кокила номи ҳам бўртиброқ кўринади, тасвирий фигураларда ёзувчи маълум бир системага амал қилганлиги аён бўлади).

Саид Аҳмад «Чўл оқшомлари»да характерни шакллантириш ва ҳаққоний гавдалантиришда нақадар изчил йўлдан борганлигини, бу соҳада унинг бадий принцип-

лари Гораций айтган характер яратиш қонуниятларига қанчалик яқин бўлганлигини кўриб ўтайлик.

Кокила ёшлигида ўнинчини битириб артистка бўлишни орзу қилган, онасидан беркитиб сурма қўйиб юрган, сочини кестирмоқчи бўлганда акасидан калтак еган. У ҳаваскорлар билан Тошкентга фестивалга ҳам борган ва таланти бор экан, у ердан тилла соат мукофот олиб қайтган Кокиланинг юрагида муҳаббат ҳам бирдан лов этиб ёнади: у армиядан янги қайтган, келишган йигит Қўзибойни кўриб эс-ҳушини йўқотади: «Ўша кўни кўзларига сурмани қалин чаплаб Қўзибойнинг олдидан атайлаб икки-уч марта какликюриш қилиб ўтди... қиз Қўзибойнинг ҳам кўзини тиндирди». Мана шундай мушак каби отилган севги мушак каби пов этиб сўнади. «Қўзибой беданадай патирлаб Кокиланинг тузоғига тушди. Бир ойдан кейин тўйлари бўлди, икки ярим ойдан кейин турмушлари бузилди. Қўзибой шинелини елкасига ташлаб уйдан чиқди-кетди».

Ёзувчи Кокила табиатидаги ҳавойилик, шўхликни шу тариқа тобора чуқурроқ очиб боради. «Кокила» сўзи унинг ҳавойилигини, тузоқлар қўйишга ўчлигини, жанжалкашлигини қанчалар нурлантириб туради. Ном қаҳрамон характерини бир тола нурдай ёритади. Кокила шундан сўнг Қўзибойни дуч келган ерда талайди: «Ёш умримни хазон қилдинг!» — дейди. Тошкентга артистликка ўқишга боради. (Жанжалнинг ҳаммаси Қўзибойнинг Тошкентга у билан бирга боришга рози бўлмаганидан келиб чиққан, шундан кейин Кокила тўнини тескари кийиб олган эди.) Лекин кимдир Қўзибой уйланыпти, деб унинг юрагига ваҳима солади. «Кокила ўша кунидек чўлни бошига кўтариб шанғиллаганча Қўзибойнинг олдида борди. Шу борганча қимирламай қўя қолди». Ёзувчи Кокиланинг муҳаббат тарихини то улар ўртада ўғил кўриб, ораларига меҳригиде тушгунча мана шундай лўнда, Кокила ҳаётининг ўзига мос қилиб ҳикоя қилади. Кокила чўл ҳаётига, чўл ишига шўнғиб кетганда ҳам ўзига содиқ. Ёзувчи Кокила табиатининг антиқа томонларини, индивидуал ўзига хосликларини бутун туркум дэвомида ўрни-ўрни билан оча боради. Кокила билан Қўзибой Омонтойнинг оиласидан хабар олиб келар эканлар, ёзувчи ҳикояни шундай тугаллайди: «Одамзод қизиқ бўлар экан. Бўлмаса Кокила шу ваҳимали, даҳшатли бўронда кета туриб ҳам пошнаси бигиздек туфли ҳақи-



да ўйлармиди». Шу кичкинагина чизик Кокила характери қанчалар очади, тўлдиради. Бу чизик шу характернинг чизиги бўлмаса, бошқа бир ўринда жуда бачкана стилизация бўлиб кўриниши мумкин эди. Характернинг индивидуал қиёфасига мослик детални бадий оқлайди. Ёзувчи қаҳрамон характери очадиган шундай чизгилар ва деталларни маржон тергандай тизиб боради. Ва бошида қандай қиёфа яратишга ният қилган бўлса, охиригача шу ниятини изчил амалга оширади. Шунда Гораций қонуни буюк қонун эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилинади.

Кокиланинг колхоз радиоузелини ўз кўлига олганичи! Унинг эълонлари қанчалар жонли, қанчалар унга ярашади!

Демак, «Чўл оқшомлари» ҳикояларида Саид Аҳмад характер яратишнинг изчил бадий принципини ушлайди. У характер атрофини қуршаган муҳитни ҳам қаҳрамон характерининг қиёфасига мос ҳолда ёритади. Яъни муҳит билан инсон ўртасидаги уйғунликларни очишга интилади. Бу ҳам унинг бадий принципларидан. «Чўл оқшомлари»да Қўзибой, халқ мулкини, маблағини кўз қорачигидек асрайдиган, «социал хасис» Отабой, халқ инженери Омонтой образларини чизганда ҳам ўзининг изчил принципларига амал қилади.

Саид Аҳмад асарларида чўл ва чўл кишилари мавзуси шулар билангина тугамайди. Бу мавзу унинг турли пайтларда яратган бошқа асарлари ва айниқса, «Уфқ» да кенг акс эттирилади. Биз бу масалага яна ўз ўрнида тўхталамиз. Лекин адибнинг чўл ҳикоялари ҳақида шу айтганларимиз етарли.

Чўл: бу дунёда менинг дилимни яшнатадиган бормикин, деб илтижо қилиб ётаркан, минг йиллаб илтижо қилиб ётганидан лаблари тарс-тарс ёрилиб кетаркан. Одам айтаркан: сенинг дилингни фақат мен яшнатаман, деб. Чўл яйраганда сўраркан: болам, чўлладингми? Одам айтаркан: йўқ, гулладим.

Саид Аҳмад чўл ичида гуллаган, нафис бир олам яратган кишилар ҳаётининг гўзаллигини жозибали сўз билан ёритолган адибдир.

## ОЛАМАРО ҚИЗЛАР

Саид Аҳмад яратган ранго-ранг қаҳрамонлар мамлакатида қизлар кўп. Уларнинг аллақанчаларини фақат муҳаббат тўлқинлари устида қалқиган ёки шу тўлқинлар ичига ўзни уриб, ё юзага чиққан, ё маънавий заифлик орқасида унинг қоронғи, нур етмас тубанликларига чўкиб кетган ҳолда кўрамиз. Уларнинг баъзилари реал кучларини ҳисобга олмай ўзларини ўтга уриб парт бўлганлар. Ё ўз ҳусн-таровотларига берилиб босар-тусарларини билмай қолганлар. Пошшахонлар («Сувлар окиб ўтди»), санобарлар («Баҳор сувлари»), зумрадлар («Зумрад»), хосиятхонлар («Йўлда») ўз атрофларидаги одамларга, ўз яқинларига муносабатда қимматли маънавий фазилатни — одамгарчиликни йўқотиб қўяётганлар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари гарчи оғир фожиаларга олиб бормаса-да, лекин кишилар уларнинг қилмишлари туфайли изтиробларга тушадилар, ҳаловатларини йўқотадилар, маънавий йўқотишларга учрайдилар. Изтироб ва руҳий эзилиш ичида яшайдилар. Улар инсонни қадрлаш, уни бошга кўтариш, оқибат қилиш туйғусини унутиб қўйганлар. Ёзувчи шу оқибатсизлик ва меҳрсизликлар разолатга олиб боришини ишонарли ҳаётий материалларнинг бадий таҳлилида очиб беради. Лекин Саид Аҳмад ижодиётида пошшахонлар ва хосиятхонлар унчалар катта ўрин тутмайдилар. Ҳатто жуда ҳам сийрак.

Саид Аҳмад замоннинг илғор тенденцияларини ўзида намоён қиладиган, фидокор, қаҳрамон, оналик меҳру муруввати, аёллик шафқат ва марҳамати, қизлик лато-

фати ва маъсумлиги билан жозибадор хотин-қизлар образларини яратишни севади.

Саид Аҳмад яна ҳаётнинг энг оғир синоқларига бардош берадиган ва оғирчиликларни матонат билан енгиб ўтадиган ботир ҳамда мард аёлларни қаламга олишни севади. Бундай аёллар ҳаётини мафтун бўлиб тасвирлайди. Унинг бундай ҳикоялари ҳам аксар насрий қасидалар каби ўқилади. Биз унинг мард ва бардошли аёллар ҳақида яратган асарларини олдинги бобларда кўриб ўтганмиз.

Биз ҳозир Саид Аҳмад яратган ишчи қизлар образлари, унинг ишчи қизлар ҳақида ёзилган ҳикояларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Бунга алоҳида ўрин ажратаётганимизнинг боиси — ўзбек прозаси ишчи қизлар олдида қарздор. Гарчи ўзбек адабиётида Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор сингари адибларнинг айрим асарларида ишчи аёллар образларини яратишга яхши интилишлар бўлган эса-да, лекин замонада жамиятнинг қудратли ижтимоий кучига айланган ишчи қизлар ва аynиқса, Шарқда озод социализм ҳодисаси — ўзбек ишчи қизларининг бадийий етук, чинакам таъсирчан образларини ёритишга катта салмоқли интилишлар кўрилган эмас. Ҳаётнинг шу улуғ янги қатлами адабиёт учун қўриқ бўлиб ётибди. Ҳолбуки, ишчи аёллар, ишчи қизларнинг — тўқувчилар, қурувчилар, бинокорлар, токарлар, механиклар, ҳайдовчилар, йиғувчилар, мотористкалар ва яна бошқа беҳисоб ишчи касб эгаларининг бугунги турмуш тарзи, маънавий-руҳий дунёси, муҳаббат, оила, оналикка муносабатларида силжишлар бор. Адабиёт ва санъат ишчи қизларнинг ранг-баранг оламига йўл топиши, улар ҳаётининг масалаларини кўтариб чиқиши, коммунистик онг тимсоли бўлоладиган теран ижтимоий типларни яратиши керак.

Саид Аҳмаднинг «Баҳор қизлари», «Мўтти», «Иқбол чироқлари», «Кечиккан севги» сингари ҳикоялари мана шундай қарздорликни ҳис қилиш ва ишчи аёллар олдидаги бурчни андак бўлсин, ўташ учун қилинган ҳаракатлардир.

1956 йил Саид Аҳмад учун жуда илҳомбахш ва кўтаринки йил бўлган эди. Шу йили у «Иқбол чироқлари» ва «Кўклам тароналари» сингари ҳикояларини ёзди. Бу ҳикоялар унинг ижодида руҳий янгиланиш рўй берган-

лигини, янги бадий сифат белгиларини касб эта бошлаганлигини кўрсатди. Саид Аҳмад ўзи учун рамзий маънога эга бўлган бу ҳикоялардан бирининг қаҳрамонини Саодат, иккинчисиникини Иқбол, деб атади. Бу ҳикоялар Саид Аҳмаднинг ўша пайтдаги кайфияти, руҳияти, юрагини тўлдирган инсоний умидларини акс эттиради. Сўзлар, эпиграфлар, хитоблар рамзий, ҳаётний маънога тўлиқ бўлиб кўринади.

Чунончи, «Қайдасан, қайдасан, Иқбол?!» — деган хитоб Иқболни излаб юрган Самаднинг эмас, орзулари тўлиб-тошган Саид Аҳмаднинг ҳаётга қарата қилган нидоси каби эшитилади. Ёки «Кўклам тароналари»нинг сўнгги жумласи: «Сенга ҳавасим келади, ўртоқ!» — Саодатнинг бахтиёр эрига қарата айтилган бўлса ҳам, лекин бундай ҳавасланиш ёзувчининг ўзи учун ҳам азиз эканлиги сезилгандай бўлади.

Бахтга эришмоқ йўли ғоятда қийин, машаққатли. Бахт тимсоли бўлган Саодат уруш ногирони, Иқболнинг кўзига эса электрод учқуни сачради, севган йигити ўзи билмай унинг дилини оғритди. Ҳаётда кўпинча бахт, иқбол деб аталган нарсаларнинг бағри ҳайқириб ётган ноаларга тўла, зотан, ҳаётда соф иқбол, мукаммал саодат йўқ, иқбол доимо дардга омихта бўлади.

Лекин ҳозир гап бунда эмас. Бизни Саид Аҳмад яратган ишчи қизлар образларининг маънавий олами қизиқтиради.

Биз Иқбол ва Самад муносабатларини пича олдинроқда таҳлил қилиб ўтган эдик. Шунинг учун бу ерда фақат бир нарсани қайд этиб ўтишни лозим кўрамиз. Иқбол билан Самад ўртасидаги муҳаббат Самаднинг Иқболга «маликалардек шоҳона ҳаёт...» ваъда қилганидан сўнг барбод бўлган, Иқболнинг кўнгли совиб кетган, Самаднинг аскарликдан беш йил ёзган хатларига жавоб ёзмаган эди. Биз икки беғубор ёш ўртасида уйғонган муҳаббат наҳотки шу бир оғиз беозоргина сўздан барбод бўлса, наҳот бир-бирларини қаттиқ яхши кўрган йигит-қизлар шунчалар осон хафалашсалар, деб иштибо билдирган эдик. Гарчи бир оғиз сўз кўп нарсаларни ифодалашни, бир оғиз сўз чиннидай юракни чил-чил қилиши мумкин эса-да, лекин чинакам ошиқлик, чинакам қадрдонлик учун сўзлар нима, говлар нима!

Лекин Иқболга ёзувчи нуқтаи назари билан ҳам ёндашиб кўриш мумкин. Шу бир оғиз сўз Иқболга қанча-

лик оғир ботганлигини ҳис қилиш мумкин. Ҳа, фақат ҳис қилибгина бунинг маъносини тушуниш мумкин.

Иқболнинг таржимаи ҳоли маълум эмас. Ёзувчи унинг тарихини айтмайди. Лекин ўзбек қизининг электрпайвандчи бўлиб ишлашининг ўзи тарихда энди рўй бераётган янги ҳодиса эди. Шу ишга жондан берилмаган ва чиндан эътиқод қўймаган одам уни касб қилиб танламасди. Демак, Иқбол касбини севиб танлаган.. У ҳаётнинг маъно ва мазмунини шу ўзи қилаётган ишнинг аҳамияти билан ўлчайди. Гарчи ҳикояда айтилмаган бўлса-да, лекин Иқбол ўзининг янги замон қизи, янги касб эгаси эканлигидан фахрланса керак. У — ишчи қиз — ўз касбини — қилаётган ишини қадрлайди. Худди мана шунинг учун ҳам севган йиғити ваъда қилаётган «маликалардек шоҳона ҳаёт» унинг дилига оғир ботиши табиий. Иқбол, мени ким келиб бахтли қиларкин, деб кутиб ўтирадиган қизлардан эмас. У ўз ишчи бахтини ўзи яратади. Унга маликалардек ҳаёт кечириш ёт. Бундай ҳаёт унинг ишчи идеалидан жуда йироқ. Шунини тушунмаган, англамаган ва ҳис қилмаган йиғитдан у юз ўгиради. Хатларига жавоб бермайди. Шу билан бирга орадан неча йиллар ўтмасин, унинг ишчи билан яшайди. Иқбол севгисида садоқатли. Севги одамни сарафроз қилгувчи назокатлари, ҳиссиётларни тугенга келтирадиган ҳаволари билан гўзал. Севги икки севишгувчи жоннинг унсияти билан гўзал. Самад Иқболнинг кўнглини тополмади. Эҳтимол, унга Иқбол ночорликдан, бошқа қиладиган касби бўлмаганидан пайвандчилик қилаётгандай бўлиб туюлгандир. У қизлар ҳамшира маликалардек шоҳона ҳаёт кечиришни орзу қиладилар, мен ҳам Иқболга шундай ҳаёт яратаман, деб қизнинг кўнглини кўтармоқчи бўлгандир. Ҳар қалай, нима бўлмасин, унинг ваъдаси Иқболнинг идеалидан йироқ. Шунинг учун Иқбол кескин суратда ўзгарди. Иқбол севги ҳам унинг идеалига мос бўлишини истар балки. Шундай бўлмади. Оқибатда у севгисини, шоир айтгандай, «қалбига кўмади». Зотан, у ҳикояда айтилгандай «ўз бахтини ўзи яратоладиган киши, ўзгадан бахт кутмайди».

Саид Аҳмаднинг кейинроқ яратган ишчи қизлари Шахло, Мўтти, Башоратда («Баҳор қизлари», «Мўтти», «Кечиккан севги») шу элик олтинчи йил Иқболдан аллақандай қимматли бир нарса бор. Бу қизларга Иқболдан жонкуярлик юққан.

Саид Аҳмаднинг ишчи қизлари характерларига хос бош хусусият — улар ўзларини қуршаган муҳитни фаол ўзгартириш, унга янгилик киритиш, меҳнатни замонавийлаштириш, маданийлаштириш истаги билан ёнадилар.

Айниқса, Шаҳло шаддод ғайрати билан ажралиб туради. Шаҳло колхозда раиснинг механизация бўйича муовини. Лекин у ўзини ҳам муовин, ҳам оддий ишчидек тутди. У қисқа бир пайтда колхоз устахонасидаги тартибсизликларни, лоқайд, исқирт бўлиб ишлашларни бартараф қилади. Шаҳло одамнинг иши унинг қалби қандайлигини кўрсатади, дейди. Юраги чиркин одамнинг иши ҳам чирк бойлаб ётади. «Одам қанақа бўлса иш асбоби ҳам шунақа бўлади. Мотор қурум орасида қолиб кетибди-ку. Соқолингиз ўсиб ётганидан билгандим бу трактор сизники эканини. Мотор қизигандан кейин икки челақ солярка билан ювасиз. Янги «Волга» дек ялтирамаса, балет тўшишчи ўргатиб қўяман, шуни билиб қўйинг», — дейди Шаҳло ивирсиқ иш қиладиган Содиқ деган йигитга.

Шаҳлонинг сўзлари ҳам унинг қилаётган ишидек мардона ва шиддаткор. Унинг ҳаётга муносабати жуда фаол. У худди «Тўйбоши» ҳикоясидаги «хасис» Отабой каби халқ мулкини кўз қорачиғидек асрайди. Раиснинг машинасидан моторини чиқариб олади. Бу терим машинасининг мотори, дейди. Албатта, ҳаётда раисларга, механик йигитларга мана шундай муомала қила оладиган дангалчи қизлар кўп эмас. Лекин улар бор ва уларда воқелигимизнинг ҳақиқати мужассамлашади.

Ўз ишини ҳалол ва ижодкорона адо этиш жамиятимизда, одамлар ўртасида жуда қадрланади. Бинобарин, ўз ишини яхшилаб адо этиш — маънавий-руҳий гўзалликнинг бир белгиси бўлади. Чунки дўндириб адо этилган иш бошқалар ҳаётига қувонч, шодлик, мамнуният олиб киради. Яхши адо этилган ишдан инсон кўнглида яшаш тўлғинлиги пайдо бўлади. Яхши адо этилган иш билан бирга одамда яшаш иштиёқи кучаяди, одамнинг яшагиси келади. Саксонга кирганда ҳам ижодкор иш завқи билан юрадиган одамлар бор. Буларнинг ҳаммалари ўз ишини яхши адо этадиган одамлар. Ишга қараб завқи келади, ишига қараб яшагиси келавради.

Шахло замонавий қиз. Замон эса ишни ақл ишлатиб, кўзини билиб зукколик билан бажарадиганлар замони. Шуни тушунмайдиган одамлар бор. Шахло улар билан тўқнашади. Ва улар тушунадиган тилни топади:

«Шахло бир ғилдирағи чиқазилиб ўқи тўнкага тираб қўйилган трактор ёнига келди.

— Нима бўпти?

— Подшипниги ейилиб кетган.

— Эсиз, шунча пуллик машина. Узеллари мой деган нарсани кўрмаган. Ана шунинг учун ҳам ейилиб кетганда. Менга қаранг.— Боя шапкаси билан табуреткани артган йигит чопиб олдига келди.

— Шимингизнинг почасини кўтаринг. Мен сизга айт-япман.

Шахло йигит тиззасининг кўзини чертди.

— Мана шу ерда илик бор. Агар илик бўлмаса, икки кунда тиззангиз едирилиб кетади, билдингизми? Машина ҳам шу. Мой машинанинг илиги. Ўзингиз мой ейсизу машинага бермайсиз».

Қиз боланинг қўлидан шу ишларнинг бари келармикин дейсиз. Қайси қиз бола йигит кишининг тиззасини очтириб унинг кўзига черта олади? Лекин Шахлога ишонингиз келади. Унинг сўзлари, ишлари, қилиқлари оригинал, ёрқин индивидуал рангга эга. Шахло иқтидорли қиз. Инсоний иқтидор эса одамни мунаввар қилади. Шахлонинг иши — одамларнинг ҳаётига нур ташлаб туради. «Кунн бўйи бир-бири билан гаплашмай, қорамойга беланиб, темир-терсақларга кўмилиб ўтирган йигитлар кўксига бир ғалати шабада тегди-ю, яна ғирр этиб на-риги чорбоққа ўтиб кетгандек бўлди», деб Шахлонинг таъсири қанчалар хайрли бўлганлигини кўрсатади ёзувчи.

Кеча одамлар ўртасида тоза гап-сўз бўлган қиз, бугун уларнинг ҳурматларига сазовор бўлади. Дўндирилган ишнинг таъсири шунчалар зўр.

Адабиёт Шахло каби ҳаётга актив таъсир кўрсатувчи қаҳрамонларни тўлароқ, ҳаётий теранроқ ёритиши керак, уларни кўпроқ юзага олиб чиқиши зарур. Албатта, иш қила билиш яхши. Лекин ишни қандай қила билиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Буни тушунган одам жамият учун бебаҳо бойликдир. Жамият, ҳаёт шундай одамларнинг ишлари билан олға силжийди, обод бўлади.

Ёзувчи Шаҳлодаги ишга янгича муносабатни, турмушга янги қарашни очиб, шулар орқали янги замон кишининг қиёфасини кўрсатгандай бўлади.

Шаҳлонинг колхозчи қизларга қилган «хужумлари-чи?» Уларни замонавий кийинишга, замонавий яшашга даъват қилишлари-чи? Баъзи одамларга Шаҳлонинг бу ишлари ғалати ва ҳатто бачкана бўлиб туюлиши мумкин. Трамвайга чиқишни ўргатадиган ва трамвайга чиқолмайдиганлар устидан куладиган замонлар ўтиб кетди, дейишлари мумкин. Лекин ёзувчи колхозчи қизлар биз далада ишлаймиз, деб ўзларига безътибор бўлишларини истамайди. Уларнинг қилган меҳнатларига яраша, олган даромадларига яраша ва қолаверса, замонага яраша яшнаб юришларини хоҳлайди. Унинг шу хоҳишларини Шаҳло жуда чиройли адо этади. Унинг мақсади одамларни чиройли яшашга, чиройли ишлашга қаратилган. У иш одамни, одам ишни улғайтирсин, дейди. Шаҳлонинг таъсирида қизлар колхоз йиғинига ял-ял яшнаб келганларида ҳатто раиснинг ўзи уларни танимай қолади: «Тавба, қизларимиз шунақа чиройли эканми, шу пайтгача билмай юрган эканман-а!» Ҳа, одамларимиз, қизларимиз шунчалар чиройли, фақат бу чиройни кўрсата билмаймиз. Ҳаёт эса тобора чиройли бўлиб яшашга даъват қилмоқда.

Оҳангарон конларида стрелкачи бўлиб ишловчи Мўттихон ҳам худди Шаҳло каби шаддод-шўх. Уларни худди опа-сингил дейсиз. Суратлари ўхшаш. Ёзувчи худди атай қилгандай уларнинг портретларини ҳам ўхшаш қилиб чизади:

Шаҳло: «Сочи баланд турмакланган, устидан капрон дурра танғиган. Қошлари илдек янгичка. Бели қўл соатининг тасмаси билан бойласа бўладиган даражада хипча. Ҳаворанг нейлон кўйлак остидан ичидаги пушти тасмалар бемалол кўриниб турибди».

Мўтти: «Унинг эғнида оқ капрон кофта. Ички кийимларининг тасмалари бемалол кўриниб турибди. Разм солиб қараган одам юзидаги сепкилидан елкаларида ҳам борлигини билиб олса бўлади. Белини қизил камар билан шундай сиқиб боғлабдики, икки бўлак одамга ўхшайди. Агар жиндек эгилса, юқориси тушиб кетадигандек».

Инъомжон кўрганда Мўттихон мана шунақа эди. Бундан илгари ҳам Инъомжон Мўттихонни қаердадир



кўргандай, лекин қаердалигини билмайди. У бултур конга практикага келганда, ер остида кўрқиб кетган, бир қиз уни тепага олиб чиқиб қўйган, бир чеккага ўтқизиб. Ярим соат кўзингизни юмиб ўтиринг, бўлмаса, кўр бўлиб қолади одам, деган. Инъомжон кўзини юмиб ўтиравериб юраги тарс ёрилай деган. Сўнг қиз уни лақиллатиб кетганлигини билиб қолган. Лекин у қизни танимайди. Афт-башараси қоп-қора эди.

Мана, Инъомжон ўқишни битирди, конга ишга таъинланди. Яна ер тагига тушиб кўмир қатламларини кўчираркан, ваҳмаси келади. Бунинг устига бир қиз: вай, ер чўкяпти. Елканг билан тираб тур, ҳозир авария бригадасини чақираман, деб тепага чиқиб кетади. Инъомжон ростдан қулаб тушаркан, деб елкасини кўмирга тирайди. То мастер келиб уни уришиб бермагунча шундай тураверади. Қизга шу тариқа иккинчи марта алданади. Мўтти Инъомжонни яхши кўриб қолганидан шундай қилади. Инъомжондан садо чиқавермагач, ўзи уни учрашувга таклиф қилади. Бу ҳам қиз болага ярашмаган қилиқ бўлиб кўринади. Лекин Мўттихон эркаклар ичида ишлаб, эркаклар ишини қилиб, «ўгил бола» бўлиб кетган. Бунинг устига Инъомжон тортинчоқ. Тортинчоқ болаларни шўх қизлар етаклашни яхши кўрадилар. Шунинг учун Мўтти ташаббусни ўз қўлига олади. Мўтти кон тагида ишлаб ҳам ҳузурига стаканда гул қўйишни эсидан чиқармайди. У ўз қадрини билади, ўз ишини севади. Иш уни шунга ўргатган. Иш уни журъатли қилиб қўйган.

Мўтти ишчи қиз образи сифатида бир оз бойини талаб қилгандай бўлиб туради. Балки оғир шароитда ишлаган қиз толиқар, эзилар, балки нега мен шу ишни қилиб юрибман, деб ўйлар, балки уни конда ишлашга мажбур қилган жиддий сабаблар бордир. Балки у иши, келажаги ҳақида ўйлар. Ҳар қалай, унинг психик ҳаётини бирмунча бой тасвирлаш ва гаудалантириш имкониятлари бор, лекин ёзувчи бу имкониятлардан фойдаланмайди. Тўғрироғи, у Мўттини шўх-шаддод, йигитларни учрашувга таклиф қилишдан тортинмайдиган эркин бир қиз сифатидагина талқин қилади ва бошқа жиддийроқ масалалар билан шуғулланмайди, жиддийроқ шуғулланишни ўзига вазифа ҳам қилиб қўймайди.

«Кечиккан севги» ҳикоясидаги ишчи Башорат ҳам ўз бахтини катта қурилишдан қидиради. У қурилишда де-

сятник бўлиб ишлайди. Қурувчилар ўртасида ҳурмати баланд. Лекин Башорат қурилиш бошлиғи Исмоилжонни яхши кўриб қолган, пинҳона куяди, ўртанади, бир кун келиб йигит муҳаббатимдан хабар топар, дейди. Лекин ўзи муҳаббатини ошкор қилмайди. Лекин вақт ўтган сари Башоратнинг дарди зўраяди, ўз ишқида ўзи жавобсиз қовурилади. Сўнг бардоши тугаб, қурилишдан кетишга аҳд қилади. Кетар экан, Исмоилжонга кўнглини ёришга муяссар бўлади. «Ахир, тентак, бир йилдан бери дардингда куйиб-ёнаман. Бир йилдан бери мени ухлатмайсан. Бир йилдан бери сени деб яшайман. Билмайсан, сезмайсан. Аминман, сезасан, назар-писанд қилмайсан. Мени эрмак қилиш учун атайин шундай қиласан»... Ўз севгиси билан бировга талпиниб, қанот қоқиб турган қиз бахтсиз ҳодисалар ичига тушиб қолиб боши ташвишдан чиқмаган ва ҳеч қачон севги ҳақида ўйлаб кўришга фурсати бўлмаган бир йигитнинг тарихига дуч келади. Шу йигитнинг ташвиш-қувончларига ҳамдам бўлишга аҳд қилади. Юракдан юракка йўл очилади. Ташвишлар, изтироблар устидан муҳаббатнинг масрур қуёши кўтарилга бошлайди.

Башоратнинг юрагида муҳаббат чуқур ўрнашган. У ўз муҳаббатининг шуълаларидагина кўринади. Лекин асли бу қандай одам, инсонгарчиликнинг миқёси қандай, унинг ички дунёсида муҳаббат кечинмаларидан ўзга нима бор,— булар қоронғи бўлиб қолади. Оқибатда образ психологик-ҳаётий теранликдан маҳрум каби таассурот туғдиради.

Бу ишчи қизларнинг адабиётга энди-энди кириб келаётган авлоди. Балки кейинги адабий образлар авлоди бундан кўра бойроқ, бундан кўра теранроқ бўлар.

Саид Аҳмад ҳозирча ишчи қизларни шўх, ғайратли, эркин қизлар сифатидагина талқин қилади. Булар адабиётга олтмишинчи йилларнинг бошларида кириб келган қаҳрамонлар. Улар қайғу-ҳасратлар устида кўз ёши тўкиб ўтирмайдилар. Улар ҳаракат ва иш кишиси каби кўринадилар. Уларнинг ҳаётни янада гўзал қилишга бўлган олижаноб интилишлари кенгроқ бадий тадқиқотларни талаб қилади. Бу даврнинг талаби.

## УТМИШ ВА БУГУННИНГ УРТАСИДА

Кампирлар тарих ғилдирагини айлантирмайдилар. Улар ўтмиш билан бугуннинг ўртасида яшайдилар. Уларнинг умрлари ҳаётнинг сарҳисоб ва яқун палласи. Умрлар тарихининг инсоний ва фалсафий хулосалари. Бу умрнинг қаердан бошлангани, қаерда кўтарилгани, қаердан туша бошлагани маълум. Бу — фарзандларга, хотираларга, ҳунарларга кўчган умр. Адиблар эса фақат кун чиқишни, туш пайтини олқишламайдилар, улар кун ботишининг мазмуни ва фалсафаси ҳақида ҳам кўп ва узоқ ўйлайдилар, хаёл сурадилар. Инсон ҳаёти фаслларининг шу бир қадар маънос айёмларидан авлодлар учун сабоқли ҳодисаларни қидирадилар.

Саид Аҳмад кампирлар ҳақида жуда кўп ҳикоялар ёзган. Бу ҳикоялар шафқат, мурувват, одамийлик ғоялари билан тўла. Улар инсон умрини бир бутун ҳолда гавдалантириш истагидан туғилган. Бу ҳикояларда шаклланиб етган инсон характерларининг янги ситуацияларда ўзини қандай тутиши, янгиликни қандай қабул қилиши, уларнинг янгиликларга муносабати, эскиликлардан қутулишининг ғоятда қийинлиги сингари ҳодисалар бадий таҳлил қилинади.

«Мастонбиби» ҳикоясида кампир типмасдан келинини ёмонлайди. Кампирнинг гаплари жуда ўткир, бежаб, қофияли қилиб сўзлайди. Келиннинг шаҳарда ўн беш кун қолиб кетгани унга ёқмайди. Яна шаҳардан келган куниеқ дарров ишга чиқиб кетди, деб ёзғиради. «Бошидан ўғлимга бу гажакдорни муносиб кўрмаган эдим. Тўй кuni ҳам ишдан келиб кетмонини йўлакка қўйиб

гўшангага кирган...» дейди. Келини негадир кўзига хунук кўришиб кетаверади: «Бир эмас, учта амиркон маҳсиси бор, уялмайди бу юзсиз, оёғига саккиз пудли этик кийиб эртаю кеч далада гўнг ташийди. Шундан бошқа иш қуриб қолибдими. Номусга ўлдирди бу мени. Озодароқ иш қўлингдан келмайдими? Қапаратга кир, ана, еганинг олдингда, емаганинг кетингда, қўни-қўшнидан номус қиламан»... Кампирнинг ғалати, кулгили алжишлари бизга таъсир қилади. Кампирнинг ҳамма ёмонлаган гапларидан кўз ўнгимизда кунни меҳнат, ўқиш, фидокорликда ўтаётган ажойиб бир аёл — келин образи гавдаланади. Кампирнинг жаврашлари Хосиятхон ҳақида бутунлай бошқача тасаввур туғдиради. Шу билан бирга бу сўзларда кампирнинг ички дунёси ҳам аста кўзга ташланади. Мاستонбининг тасаввурлари жуда қолоқ ва эски (бу ҳикояни Саид Аҳмад қирқ учинчи йилда ёзган). Бениҳоя содда тасаввурлар. Дунё кўрмаган аёлнинг тасаввурлари. Унинг орзулари ҳам шу тасаввурларига жуда мос. У «маскопчи» бойларни эшитган. Улар узоқ йўлдан келгач, икки-уч кун уйда қолиб сўнг савдо очар эканлар. Шу гап кампирнинг қулоғида қолган. Келини Тошкентдан қайтгач, у бир-икки кун уйда бўлишини истайди. У дарҳол ишга чиқиб кетгач, эсига «маскопчи» бойлар тушади ва буни гап орасига қистириб кетади. У келинига амиркон маҳси кийдириб меҳмон-изломларда олиб юришни истайди. Лекин келин меҳмонларда юришга кўнадиган эмас.

Мастонбиби урушда жанг қилаётган ўғлидан келинига келган хатни ўқита туриб бирдан ўзгаради. Келинининг меҳнатдаги доврўғи уруш бўлаётган жойларгача бориб етгани унга нашъа қилади ва кутилмаганда, қирқ кокил келинимдан айланай, деб юборади. Шу кампирни беғубор қилиб кўрсатади. Саид Аҳмад беғуборликни миллий колорит даражасида ифодалайди. Нозик кулги беғуборликни янада кучайтиради. Мастонбиби қотиб қолган эмас, унинг табиатида динамизм бор. Ҳосилотнинг ясан-тусан қилиб пластинка сўраб чиққан хотинини кўрганда, уни беихтиёр ўз келинига солиштиради, келини шундай қилиб юрмаганидан хурсанд бўлади, ҳамма ташвиш билан юрганда, ясан-тусан ғалати кўринар экан, деган хулосага келади. Кампирда кўпчилик манфаатини кўзловчи бир онг уйғонади. Унинг ўзи ҳам далага ишга чиқади. Ўғлидан қандай фахрланса, кели-

нидан ҳам шунчалик хурсанд ва мамнун бўлади. Лекин ҳикояда композицион парокандалик сезилади. Айниқса, ёш ёзувчи унинг хотимасини қандай тугаллашни билмай қийналгани кўринади. Конфликт туғилган ситуация осонлик билан чала-ярим якун топади. Умуман, Саид Аҳмаднинг илк ҳикояларида сюжетда бутунлик етишмаганлигини у конфликтли ҳолатларни таҳлил қилишда чуқурлашишдан қочганлигини, жиддий бурилишлар кутилган ерларда ҳам ўзини натуралистик тасвирлар, эпизодлар, манзаралар билан чалғитганлигини пайқаймиз.

Саид Аҳмад илк пайтларда кескинликдан, кескин тугунлардан, кескин ўзгаришлар ва умуман, реалистик кескинликдан иложи борича узоқ туришга интилгани кузатилади.

Лекин кампирлар ҳақидаги ҳикояларга қайтайлик. Эски одамлар ўзлари билан ўтмиш қатламларини олиб юрадилар. Улар бугунги кунга шундай қатламлар билан кириб келганлар. Улар бугунги кунни ҳам ўша ўтмиш қатламларидан тузилган тепалик устида туриб ўзларига мослаштиришни истайдилар. «Келинлар кўзғолони» ҳикоясидаги (кейинчалик ёзувчи шу ҳикоя асосида комедия яратди ва комедияда ҳикоя қаҳрамони тақдирининг ва характерининг барча чизиқларини сақлаб қолди)<sup>1</sup> «маршал кампир» жуда катта хонадоннинг бошини

<sup>1</sup> Шунки бу ерда таъкидлаб ўтайликки, саҳна асариди кампир образи ҳикоядагидан кўра анча бой ва ҳаракатчан кўринади. Саҳна асариди Фармонбиби ўзининг саранжом-саришта аёл эканлигидан, хотин боши билан фарзандларини бировга муҳтож қилмай вояга етказганлигидан фахрланади. Ларошфуко ўзидан фахрланадиган, ўзини севадиган одамлар ҳалол, пок одамлар бўлади, дейди. Фармон кампирнинг ўзидан фахрланиши инсонлик ифтихорини англашидир. У чиндан жуда пок аёл. Кампир тadbиркор, шу билан бирга ҳиссиётлари кўтаринки. У эри ҳақида ҳам ифтихор билан ошириб-тошириб сўзлайди: «Отанг раҳматлик эркакликни ўрнига кўярди. Ҳамма уни Азим шер, деб атарди. Юрса ер титрарди. Йўталса, дарахтдаги қушлар парр этиб учиб кетарди... раҳматлик хотин кишининг гапини гап демасди...» Шу самимий, ифтихор билан айтилган сўзларда Фармонбибининг эскича қарашлар таъсирида эканлиги ҳам равшан ифодаланади. Унинг ҳавасланиб сўзлаши хотинларининг сўзларига қираётган ўғилларига киноя бўлиб эшитилади. Кейинроқ Уста Боқи кампирга Азим шернинг нега доим фонус кўтариб юриши сабабини очади. Азим шер фонус нинга ароқ тўлдириб, ичгиси келганда, фонус пилигидан ароқ сўрар экан. Бундан хабардор бўлган Фармонбибининг кайфияти ўзгаради: «Тиригида дурустроқ гап оғзидан чиқмаган чолимдан ўлганда чиқади ми?»— дейди. Фармонбиби характери мана шундай зиддиятлари, ўзгаришлари билан ҳам бой ва жозибалидир.

қовуштириб туради. У хонадонда ҳамма нарса ўз изми продаси билан юз беришига одатланган. Шаҳарда айниқса, келинларни бодроқ қилиб қовуриб юбориши билан шуҳрат қозонган. Унинг изми билан етти ўғил, етти келин, аллақанча набиралар бир қозондан овқатланишади. Масаллиқни ҳам ҳар куни кампирнинг ўзи ўлчаб беради. Рўзғорхонанинг калитини нимчасининг тугмасига боғлаб олиб юради. Бундай улуғ рўзғорни бошқариш, шунча одамнинг бошини қовуштириб ўтириш осон эмас. Кампир (ҳикояда кампирнинг номи йўқ, лекин комедияда кампирнинг номи — Фармонбиби. Қандай ажойиб ном. Қанчалар унинг характериға, иш тутишиға мос бу ном!) ўз устиға ихтиёри билан бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда, жуда оғир, мушкул ишни ортиб олган. Унинг вазифаси ишбошқарувчиликка жуда яқин. Иш бошқариш эса ҳукм-фармонсиз бўлмайди. Кампир бошқарган мамлакатнинг қонунлари ҳаёт зарбаларига дош беролмай бирин-бирин сўкилиб кета бошлайди. Келинлар кичик келин Инобатнинг қутқуси билан маршал кампирға қарши қўзғолон кўтарадилар. Улар рўзғорларини бошқа қилиб беришликни талаб қиладилар. Акс ҳолда, кўчиб кетамиз, деб кампирнинг юрағига гулгула соладилар. Кампир ноилож уларнинг қозонларини бошқа қилиб беради. Уша куни етти ўғил ҳовлининг етти жойига ўчоқ қуради. Кечқурун етти қозонда ош пишади. Кампирнинг алоҳида дастурхони етти хил таом билан тўлади. Унинг иззати аввалгидан юз чандон ошиб кетади. Кампир ўзининг қилиб юрган ишидан пушаймон бўлади. «Ўзимни-ўзим қийнаб юрган эканман. Менға нима зарур экан-а! Билганини қилишсин. Ҳожи оналикни менға ким қўйибди?» Кампир шу куни кейинги йиллар ичида биринчи мартаба беташвиш ухлайди.

Саид Аҳмад ҳикоянинг ҳам, саҳна асарининг ҳам биносини жуда енгил, қувноқ кулгидан қуради. «Қурилиш материали» бу ерда беғубор кулги! Аслида кампирнинг енгилиши — унинг ғалабаси. У хонадонда эски уй қурилиши, тартиб-одатларини барқарор қиламан, деб кўп уринди. Лекин эски уй қурилиши янги кунлар, янги талаблар, янги шароитларға асло тўғри келмайди. Кампирларға бошқариш эмас, комил ўғил-қизларнинг фарғатида иззатда бўлиш ярашади. Саид Аҳмад кампирнинг ҳукмронлик хислатларини бўрттириб кўрсатиб, у ҳақда ёмон таассурот қолдирмоқчи эмас. Кампир сти-

хияли тарзда режага, оила асосларининг мустаҳкам бўлишига интилади. Келинлар ва ўғилларни ўз фармонида тутиб туриш хоҳиши ҳам шундан пайдо бўлган. Лекин кампирнинг хоҳишлари замонга, ўғил-келинларнинг хоҳишига мос келмай қолган.

Рўзгор қанча катта бўлмасин, қайси кампир уни ўз измида тутишни истамайди. Айниқса, эски дунёнинг сувини ичган кампирларда бундай истак жуда табиий. Лекин замонага мос келмаган, одамлар психологиясини тушуниш асосига қурилмаган истаклар кишини кулгили ва аянчли аҳволларга солади. Кампир шундай аҳволга тушади. Саид Аҳмад унинг истаклари келтириб чиқарган вазиятларни миллий колорит билан очиб боради.

Саид Аҳмад кампир характеридаги миллий белгиларни изчил тасвирлайди. Шу изчиллик асарни яхлит қилиб кўрсатади.

Кампирларнинг кулгили истаклари... Саид Аҳмад уларни аниқлашга ва топишга қанчалар уста. Бир кампир фельетончининг олдига тугунга ўраб тўртта қатлама кўтариб келади. Қўярда-қўймай қатламани фельетончига едиради. Сўнг муддаога ўтади: «Болам, пилятон қиладиган гап топиб келдим. Келиним ўлгурнинг бурнини бир ерга ишқаб бермасангиз, болагинамнинг бўйнига миниб олди».

Уғлига меҳрибон кампирнинг шу ажойиб истаги унга қанчалар ярашади! Уғлини жондан севган, келинидан куйган кампир! Келинидан ўч олиш уни шунчалар ёқади! У ёмонлаган сайин келини бизга шунчалар яхши бўлиб кўринади. Бу ерда ғазаб эмас, жиндак ғашлик борлиги сезилади. Бу кампир ҳам ўзига бўйсундиришни истади. Вой, бу ҳукмронлик қилишни яхши кўрадиган кампирлар! Мунча ширин кўринади уларга ҳукм юритиш! Келиндан газета орқали ўч олишдек тотли орзулар рўёбга чиқмагач: «Ҳа, қатлама томоғингдан ўтиб кетдида, а?»— деб писанда қилиб ҳам қўяди, шовқин-сурон кўтаради: «Илоё қатлама тешиб чиқсин! Палов килиб бериш қўлимдан келмайди! Сенларга ёғлиқ палов бўлса, устига қазисини босиб, ёнига яримтагинани қўйиб келганлар келинини газетага урдиради! Бизнинг қатламани назарингиз илмадимми?»

Яна бир қизиқ жойи шундаки, кампир келинининг исм-фамилиясини айтмайди. «Анзиратнинг келини», деб ёзсанг, бутун дунё билади, дейди. Бу унинг юраги жаҳо-

латга тамомила ботмаганлигини кўрсатади. Эҳтимолки, унинг ғашлиги келиндан, ўғилдан меҳр кўрмаганлиги, оқибат топмаганлигидандир. Андак меҳр-эътибор одамларнинг кўнгилларини қанчалар яшнатиб юборишга қодир! Лекин ёзувчи бизни масаланинг бу томонларига олиб ўтмайди. Лекин кампирнинг ўзи эмас, унинг замонга мос тушмаган истаклари кулгили! Ёзувчи беғубор бир кайфият билан очади бу ғалати ҳолатларни.

Саид Аҳмаднинг ҳикояларда образ яратиш принципларидан бири шундаки, у ўз қаҳрамонининг характери-ни ҳар томонлама ва тугал очишни мақсад қилиб қўймайди. Унинг ҳикояларида қаҳрамонлар характери-нинг етакчи бир хислати, кўнгилнинг етакчи бир истаги билан кўзга ташланадилар. Ёзувчи характери-нинг шу етакчи хусусиятини лўнда ва ихчам қилиб гавдалантиради. Мاستонбиби, Жўраҳон, Фотима, Фармонбиби, Ўғилхон сингари Саид Аҳмад ижоди учун характерли бўлган образларнинг қиёфасида бир етакчи хусусият ҳукмрон мавқега эга эканлиги кўриниб туради.

Саид Аҳмаднинг «Чевара» ҳикоясидаги Ўғилхон образи адиб ҳикояларидаги энг ёрқин, қаҳрамонона характерга эга образлардандир. Ўғилхоннинг мардлиги «Хотиралар» ҳикоясидаги босмачилар билан олишган Қумрихоннинг мардлигига ўхшаш. Лекин Қумрихон образига қараганда, анча бой, ҳаётий теран.

Ўғилхоннинг бардоши тошдан. У етти фарзанд кўриб олтитасидан жудо бўлган. Бировларини босмачилар чавақлаб кетган, бировлари талонларда нобуд бўлган. Охирги ўғлини ҳам урушга жўнатиб, ундан ҳам жудо бўлган. Ҳали ёш экан, эрини зўрлаб бировнинг ўрнига мардикорликка ҳайдаб кетганлар. Ўғилхон кетган эрининг устахонасида сартарошлик қилиб юради. Сўнг эрини ноҳақ мардикорликка жўнатган элликбошини соқол ола туриб сўйиб қўяди. Хонумони барбод бўлиб жони талонда қолади. Ўғилхон ҳаммасига чидайди. Шўро замони келиб, сельсоветда ишлайди, раислик қилади. Якка-ёлғиз қизини турмушга чиқаради. «Вақт ҳамма нарсани тозалайди», дейди Эсхил. Лекин вақт ҳамма нарсани юракка ёзиб қўяди. Ўғилхоннинг дардлари оғирчиликлар шиддатидан абгор бўлиб кетган жонига ёзиб қўйилган. У «телбаман, телбаман», деб такрорлайди. Саид Аҳмад ҳаёт бўронларида енгилмаган шу ажойиб кампирнинг чевара кўрганлиги ҳолатини ҳиссиёт билан



чизади. Поездда бораркан, кампир чеварасининг сура-  
тини қўлидан қўймайди, унга тикилиб йиғлайверади. Ти-  
риклик даштида не савдоларни кўрган Ўғилхон ўз нас-  
лининг дарахти яна бақувват илдиз ота бошлаганлиги-  
ни кўрди. Демак, у бекорга яшамабди, тириклик учун  
бекорга курашмабди. Умр йўлларида тош келса кеми-  
риб, сув келса симириб ўтган мард Ўғилхоннинг умр та-  
рихи ана шундай. Шунча тўфонлар ичида оналик ва аёл-  
ликнинг ўлмас қудратини қанчалар теран гавдаланти-  
ради адиб!

Ўғилхоннинг табиатида нозик миллий туйғу — нас-  
га муҳаббат туйғуси нақадар қудратли эканлигини ало-  
ҳида таъкидлаб ўтишни истаймиз. Мана шундай инсо-  
ний теран меҳр-муҳаббат туйғуси «Уйлар»даги Меҳри,  
«Лайлак келди»даги Умрихон, «Турналар»даги Собир  
ота образларида ҳам ҳоким туйғу каби равшан кўзга  
ташланади. Бу одамийликнинг соғлом туйғуси. Одамсе-  
варлик шу туйғудан бошланади. У халқнинг яшовчан  
кучларини доимо бақувват, устивор ҳолда кўриш иста-  
гидан туғилган туйғу. Ўзбек адабиётида Фафур Фулом  
шеърятти мана шундай катта инсоний туйғу билан су-  
горилганлигини кўрамиз. Саид Аҳмад устод ижодидаги  
шу етакчи анъанани давом эттирди.

## ТУГАНМАС УМР ЙУЛЛАРИ

«Уфқ» трилогияси уруш арафасидаги ва уруш йилларидаги ўзбек қишлоғи ичига, ўзбек миллий ҳаётининг қишлоқ қатламига, ўзбек характери ичига чуқур кириб борган асар.

Асарда жамиятнинг янги қурувчиси сифатида шаклланаётган ўзбек миллий характери бадий таҳлил қилинади. Бу миллий характернинг ўсувчанлиги — динамизми трилогиянинг бошидан то охиригача, унинг ҳар учала китобида равшан кузатилади.

Бизнинг социалистик воқелигимиз, бу адабий жиҳатдан қанчалар ғалати эшитилмасин, қурилиш — қаҳрамонга, ҳатто бош қаҳрамонга айланган асарларни майдонга олиб чиқди. Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», Асқад Мухторнинг «Туғилиш», Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси» каби романларида катта социалистик қурилишлар ўз ижтимоий характери ва руҳига эга бўлган гигант қаҳрамонлар каби тасвирлангани маълум. Бу қурилишлар она каби ўз бағрида янги қаҳрамонларни етиштиради, янги қаҳрамонларни тарбиялайди. Улар ўз моҳиятига кўра социалистик реализм адабиётининг янги инсон тарбиясига бағишланган ёрқин намуналаридир.

Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси мана шу асарлар билан бир тарихий даврда дунёга келган, улар билан руҳан яқин, мазмунан ҳаётий асардир.

Бу трилогия ва айниқса, унинг биринчи романи бўлмиш «Қирқ беш кун»да халқ ҳаётида бурилиш аҳамиятига эга бўлган воқелик қамраб олинди.

«Қирқ беш кун»да халқнинг оммавий суратда уйғонган бинокорлик энергияси — асарнинг кўтаринки руҳини белгилайди. Халқда мана шундай яратувчи энергияни уйғотган ва энг муҳими, уни бошқарган, маълум тарихий мақсад сари йўналтирган яна бир куч ҳам бор — у партия қудрати, партия ва халқ вакилларининг мисли кўрилмаган ташкилотчилик, ташаббускорлик қудрати.

Умарали Норматов ёзувчи Саид Аҳмад билан «Уфқ» устида ўтказган суҳбатда «Қирқ беш кун»да қурилиш жараёни, манзараси бору унинг бутун тарихи тўлалигича таҳлил этилмаган...», «канал қурилиши воқеалари асар учун бир фон бўлиб қолгандек бўлиб туюлади»<sup>1</sup>, деган мулоҳазани билдириб ўтади. Шу мулоҳаза атрофида фикр юритиб кўриш мумкин албатта. Шундай қилинганда, албатта, Қатта Фарғона канали қурилиши тасвири Азизхон билан Лутфинисанинг муҳаббатини кўрсатиш учун фон бўлиб хизмат қилади, деганга ўхшаш хулосалар келиб чиқиши табиий.

Ёзувчининг асосий мақсади, эътибори нимага қаратилганлигини, автор таҳлилининг йўналиши нимага бўйсундирилганлигини назардан қочирадиган бўлсак албатта, биринчи даражали масала иккинчи даражали масалага — «фон»га айланади.

Юқорида ҳам айтдик, қурилиш бу асарда асло фон эмас. Унинг ўзи мустақил ҳаётга эга бўлган мустақил образ. У — Бош қаҳрамон. У — руҳ. Тарихда мисли кўрилмаган яратувчи руҳ! Дўнан Дўстматовлар, азизхонлар, эшполвонлар ким эдилару ким бўлдилар! Ахир шу Қатта Фарғона канали эмасми дўнанлар, азизхонлар, эшмуҳаммадларни тамомила ўзгартирган, уларни янгича одамга айлантирган, ҳаётларига янгича маъно ва мазмун олиб кирган. Роман қаҳрамонларидан бири: шу қурилиш мени одам қилди, шу қурилиш кўзимни очди, мени юртга қўшди, менга обрў берди, дейди. Азизхоннинг қурилиш сўнгида айтган шу сўзлари қурилишнинг инсон маънавий ҳаётида ўйнаган ролини, аҳамиятини ҳаққоний очиб беради. Ёлғиз шунинг маъносини ўйлаганда ҳам қурилиш фон эмаслиги, яъни орқароқ планда турмаганлиги, балки биринчи планда турганлиги равшан бўлади.

<sup>1</sup> У. Норматов. Талант тарбияси. «Еш гвардия», Тошкент, 1980, 98.

Ҳа, ёзувчи қурилишни асосий қаҳрамонлардан бири сифатида тасвирлайди. Унга, унинг қайноқ, жўшқин, мислсиз Руҳини яратиш ва бадий гавдалантиришга биринчи даражали аҳамият беради. Чунки бу қурилиш — унинг сеvimли халқ қаҳрамонларида янги ҳаракатларни туғдирди. Шу ҳаракатлар билан улар қаҳрамон сифатида катта салмоққа эга бўлдилар.

Романда катта қурилиш билан халқ ҳаракати чамбарчас бўлиб кетган. Ёзувчи халқ билан қурилишни каттакон чамбарчас организм сифатида тасвирлашни мақсад қилиб қўяди. Ўзбек адабиётининг бошқа намуналарида илгари учрамаган услуб ҳам шу мақсаддан келиб чиқади.

Саид Аҳмад бу ерда ҳам муаррих, ҳам санъаткор адиб сифатида қалам тебратади. У муаррих сифатида қурилишнинг барча нуқталарида чарх уриб айланади, қурилишнинг барча тафсилотларидан яхши хабардор. Қурилишни бир улуғ нигоҳ билан қамраб олади. Унинг тасвири дам Куйганёр, дам Луғумбек, дам Тошлоқ, дам Учқўрғонга кўчади. Уни Ўзбекистон миқёсларидан Иттифоқ миқёсларига, Иттифоқ миқёсидан жаҳон миқёсига кўтариб гавдалантиради. Қиёс учун Панама, Суэц каналлари қурилишлари тарихига мурожаат қилади. Қанчадан-қанча жаҳонга машҳур одамларни тортади у Катта Фарғона канали қурилиши орбитасига: Сталин, Эйзенштейн, Павленко, Черкасов...

Яна қанчадан-қанча маълум ва машҳур кишилар — совет-партия раҳбарлари, олимлар, шоирлар, йирик мутахассислар, журналистлар, артистлар — Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Тамарахоним, Ҳалимахоним, Бузрукхўжа Усмонхўжаев, Белявский, Дўнан Дўстматов, Жўра полвон, Адҳам Раҳмат — иштирок этадилар. Яна қанчадан-қанча реал шахслар — мироблар, халқ усталари, полвонлар — элда атоқли одамларни олиб киради ёзувчи роман бағрига.

Саид Аҳмад тарихчи сифатида қалам тебратганда, қанчадан-қанча фактларни, рақамларни, лойиҳаларни тилга олади. Катта Фарғона каналининг тарихи бошланган нуқталарга назар ташлайди.

Албатта, тарихчи тилга олиши, назардан кечириши, баён қилиши, мухтасар изоҳлаб ўтиши мумкин буларнинг барини. Лекин воқеанинг бадий солномасини яра-

тувчи адиб бу билан чекланолмайди. Бу факт, рақам-ҳужжатларнинг ҳаммасини романнинг бадий тўқима-сига сингдиради ва тарихий фактларни бадийят фактига айлантиради. Уларнинг замирида ётган ижтимоий-тарихий мазмунни образлар ҳаққонияти билан гавдалантиради.

Саид Аҳмад қурилиш ҳаққониятини тўлароқ гавдалантириш, зарур ҳужжатларни бадий тўқимага нафосат билан сингдиришнинг ниҳоятда чиройли йўлини топади. У ҳужжатлар ва фактларга, тарихий шахсларнинг воқеалардаги реал иштирокига ҳам ёзувчи, ҳам журналист, ҳам публицист кўзи билан қарайди ва материалларни шу ҳар учала соҳада баробар маҳорат ва талант билан қалам суроладиган санъаткор сифатида ўзлаштиради. Шунинг учун унинг романда кўринган услуби — бадий проза билан журнализмнинг синтези каби кўринади. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ёзувчи яратган бу янги усул замонавий воқеликни ўзлаштириш ва бадий тадқиқ этишда гўзал, ҳаракатчан, эстетик жиҳатдан ўзини оқлайдиган усулдир. Саид Аҳмад усулнинг олтин ўрталлигини топади. Шунинг учун фактлар тўқима ичига органик суратда сингиб боради, улар ҳужжат каби эмас, бадий факт каби қабул қилинади. Бу усул ўзбек прозасида кўрилмаган эди. У Саид Аҳмаднинг прозадаги кашфиёти деб қаралиши керак. Бу усул янги замон прозасини қобил ва ҳаракатчан қилади, ҳеч шубҳасиз, унинг келажакига зўр таъсир кўрсатади.

Шунини ҳам адолат юзасидан айтиб ўтиш зарурки, Саид Аҳмад «Қирқ беш кун»ни бошдан-оёқ шу услубда ёзган эмас. У фақат қурилишни унинг кенг миқёсларида тасвирлагандагина «журнализм» усулига риоя қилади. Шу усулдан бир қадам ҳам чекинмайди. Лекин қолган ўринларда — Азизхоннинг қурилишгача бўлган ҳаёти, Турсунбой тарихининг бошланиши, Акбарали — Азизхон — Вазира коллизияларини ёритганда, у ўзининг ўша тиниқ, содда, рангин лиризмга, миллий проза тасвир усулига содиқ қолади. Чиндан ҳам ҳар янги мавзу ўз усули билан туғилади, деган гап «Қирқ беш кун» мисолида янада ёрқин намоён бўлади. Романда бир-бирига мос услубий ранг-баранглик шу тариқа туғилади.

Ёзувчи роман бадий тўқимаси ичига олиб кирган тарихий номлар, фактлар, ҳужжатлар ҳақида сўзладик.

Нимагадир уларнинг ҳаммаси ёдимизда қолади ва уларнинг берилиши бадият қонунларига зид бўлиб кўринмайди, ғашимизга тегмайди. Факт билан бадиятнинг органик бўлиб кетиши натижасида шундай таассурот қолади.

Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Ғафур Ғулом қиёфалари кўз ўнгимиздан кинохроника кадрларидай ўтиб боради. Роман саҳифаларида улар билан қайта-қайта учрашамиз. Бу учрашувлар фрагментар табиатга эга. Шунга қарамай ҳамма улуг ҳодисалар каби улар билан учрашувлар китобхонга нимадир беради, уларни бойитади.

Ваҳоланки, шундай қилганда, тасвир олақуроқ бўлиб кетиши керак эди. Лекин олақуроқлик йўқ. Ҳамма гап шундаки, фактлар, яна қайтариб айтамыз, тарихий ҳужжатлар қурилишнинг яхлит воқелигига органик тарзда сингиб боради ва қурилиш тарихини жонли манзаралар билан тўлдириб, тўлақонли тасаввур яратади.

Лекин ёзувчи «фалон воқеада фалон одам иштирок этди», деган осон маълумот бериш йўлидан бормайди. У ҳар бир фактни, тарихий шахсларни уларнинг энг керак ўрнига қўйиб ёритади. Улар ўзларининг зарур ўринларини топганлари учун ҳам бадий тўқимага ётлик қилмайдилар. Шахс ҳам, факт ҳам шу керакли ўрнида очилади, бадий ҳодисага айланади. «Усмон Юсупов, Эшон ака, Жўра полвон, Тешавой Мирзаевларни ўзим шахсан танирдим. Бу образларга ортиқча хислатлар қўшмадим. Мумкин қадар улар характери ва фаолиятидан бадий адабиётга мос ҳолатларни танлашга уриндим».<sup>1</sup> деб айтади Саид Аҳмад.

Яъни ёзувчи тарихий шахсларнинг канал қурилиши воқеалари билан боғланган характерли томонларини роман контексти талабларига мослаб киритади.

Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев романда йирик ташкилотчи, жонбоз мураббий, меҳрибон, узокни кўрадиган инсон сифатида кўзга ташланадилар. Уларнинг хатти-ҳаракатларида эски коммунистларга хос чинакам демократизм яраклаб кўринади. Улар халқ ичида, халқ фарзанди, унинг бир вакили бўлиб яшайдилар. Улар қурилиш чинакам коммунистик меҳнат майдонига айланишини истайдилар ва истакларини фидокорлик билан

<sup>1</sup> У. Норматов. Талант тарбияси. 100.

амалга оширадilar. Катта Фаргона канали қурилишида ҳукм сурган улуғвор кўтаринкилик, зўр шижоат, кўплаб ажойиб одамларни тарбиялаган мусобақадошлик ҳаракатининг ижодкорлари ҳақиқатан ҳам шу халқ ўғиллари эканлигини сезиб тураминз.

Ёзувчи уларнинг халққа сеvimли бўлган хислатларини ҳаётий картиналарда таъкидлаб кўрсатади. Уларнинг фаолиятларида партиянинг қудратли ташкилотчилик кучи, партия халқ ўртасида олиб бораётган кенг миқёсдаги ишларнинг ҳаётбахш мазмунини ифода қиладди. Улар фаолиятининг яна бир қиррасида янги инсонни тарбиялаш туради. Саид Аҳмад, Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев образларини бадиий гавдалантираркан, аynиқса, шу нарсани сира назардан қочирмайди. Уларни халққа мураббий бўлган коммунистлар каби ёритади. Романнинг бош қаҳрамони даражасига кўтарилган Азизхон, қолаверса, шундай тарбиянинг меваси.

#### **АЗИЗХОН. БУРГУТ БОЛАСИ. ЮРТГА ХИЗМАТ. ЯНГИ ОНГ**

Азизхон «Қирқ беш кун»нинг фавқулудда куч-қудратга эга қаҳрамони. Шу билан бирга у оддий қаҳрамон, яъни Катта Фаргона канали қурилишида иштирок этган 160000 меҳнаткашнинг бири.

Азизхоннинг қудрати, ғайрати, орияти улуғ ишга бел боғлаган халқ қудрати, ғайрати, ориятига жуда уйғун. Шундай халққа шундай фарзандлар ярашади.

Саид Аҳмад шу уйғунликни теран ҳис қиладди ва теран тасвирлайди.

Ўзбек халқи Азизхонга ўхшаган паҳлавонларни севади. Унинг эртаклари, дostonларида шундай қаҳрамонлар ҳавас ва муҳаббат билан куйланади. Халқ улардаги қудратни адолатни барқарор қилувчи қудрат деб билади. Адолат учун курашувчи қаҳрамонни ўз идеали даражасига кўтаради. Азизхон характерида намоён бўладиган миллий ўзига хосликнинг томири паҳлавонлар ҳақидаги халқ идеалларига бориб тақалади.

Роман бошларида Азизхон асов куч.

Уни ҳеч нарса билан жиловлаб, эплаб, бошқариб бўлмайди. У темир қанот бўлгач, уясига сиғмай қолган

бургут боласига ўхшайди. У ўзини тўрт томонга уради. Тўрттала томон ҳам унга торлик қилади. Азизхон кучини қаерга қўйишни билмайди. Дам уйдан қочади. Дам устидан от-арава юргизади. Дам катта дарахтларни илдизи билан бир тортишда қўпориб ташлайди. Орият кучли. Зириллама қизларини кўз қорачигидек ҳимоя қилади. Уларга ёмонроқ қараган бошқа қишлоқ йигитларини уриб келади. Унга тараф йўқ.

Унинг ишқи ҳам бевош, яйдоқ. Лутфинисани пича кўрмай қолса, «кўчасини, йўлагини ҳидлаб келади». Лутфинисани унга беришни истамайдилар. Азизхон тўйни бузиб, Лутфини олиб қочади. Қаранг, одам худди эртак сўйлаётганга ўхшайди. Лекин сюжетнинг қовурғаси, — қиз олиб қочиш, тўқайлар, қамишзорлар, кимсасиз далалар, қувғин хавфлари, қўналга топишлар, — эртакка ўхшаса ҳам, лекин ёзувчи урушдан илгариги ўзбек қишлоғини, унинг содда, қувноқ, қувлик-шумликни билмайдиган одамларини, уларнинг бир маромда кечган қувноқ, юмшоқ турмушларини ёрқин реалистик бўёқлар билан шоирона қилиб тасвирлайди. Қишлоқ ҳаётини илгари унинг ижодида учрамаган, умуман, бошқа ўзбек адабларида кўрилмаган тиниқ, рангдор, содда, шу билан бирга катта эпик имкониятга эга бўлган услуб билан ёритади. Сўзлар ҳиссиёт билан тўлиқ. Ҳар жумла кайфият яратади. Шу билан бирга улар бирлашиб яхлитлик ва тўлғинлик ҳосил бўлади. Саид Аҳмад ўзбек қишлоғини унинг тинч, гўзал таровати билан, ўзига хос жонли колорити билан гавдалантиради.

Азизхон романнинг эпик оқимида эркин ўсади.

Унинг ўса борганини қадам-бақадам кузатиш мумкин.

Лекин асов, бевош Азизхонда биринчи ўзгариш қачон содир бўлди? Келинг, Лутфини етаклаб олган Азизхон билан қирғиз чўпон қўналғасига борайлик. Азизхон бу ерда қанча яхшиликлар, қанча меҳрибончиликлар кўрди. «Ажаб одамлар, деб дилидан ўтказарди Азизхон. Дунёда шунақа очиқкўнғил, меҳмон учун бағрини очадиган кишилар борлигидан таъсирланиб кетди. Қачондир бу одамларга бир яхшилик қилишни дилига туғиб қўйди». Азизхонда шу ерда яхшилик қилиш ҳиссиёти туғилди. Аввало яхшиликни билиш ҳиссиёти, сўнг яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш истаги пайдо бўлди. Бу Азизхондаги ўзгаришнинг бошланиши эди.





Адибнинг онаси Зулфияхон Гуломхон қизи.

Қирғизларнинг яхшилиги ҳақида ўйлаб туриб, Азизхон ўз ўтган умрига назар ташлайди. Илгари ҳар ерга сиғиб кетаверарди. Энди Лутфи учун ҳам жавобгар.

Пича кейинроқ аэроплан сочиб ўтган варақлардан бирини олиб ўқиётганда Азизхонда яна бир муҳим ўзгариш содир бўлади. Варақа Катта Фарғона канали қурилишига чақириқ эди. Азизхоннинг бирдан «ўша тарафларга боргиси, кетмоннинг белини букиб ер қазигиси, ҳаммани ҳайратга қолдириб иш кўрсатгиси келди». Бу ўзгариш олдингиси билан боғлиқ ва унинг тадрижий давоми. Булар Азизхон онгида тайёрланиб келаётган ўзгаришлар эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, бу ўзгаришлар, онгли ният ва истаклар тўсундан пайдо бўлгани йўқ. Азизхоннинг табиатида шундай ўзгаришларни қабул қила оладиган замин бор. Унинг қалби эзгулик кў-

карадиган қалб. Фақат шу кунгача унга эзгуликнинг нури тушмаган эди. Мана энди шу нурнинг бир толаси тушди ва юракни ёритди. Эзгулик замини, деганда нима-ни назарда тутамиз? Езувчи роман бошларида Азизхонни таърифларкан, унинг бир фазилатига эътиборимизни тортади. Азизхон «ҳар қанча тўполок қилмасин... дадаси кўзига қараса, шаштидан қайтар, чурқ этиб оғиз очмасди»... Бир қарашда оддийгина тафсилотга ўхшайди. Лекин Азизхоннинг отага бўлган шу соғлом эҳтироми унинг бағри тозалигини, яхшиликларга очиқлигини кўрсатади. Азизхоннинг йўл-йўлакай айтиб ўтилган бу хислати бошқа бир томондан ҳам аҳамият касб этади. Биз дарҳол Турсунбойни эслаймиз. Турсунбойнинг (Азизхоннинг тенгдоши ва ўртоғи) отаси Икромжонни писанд қилмаслигини, отага нисбатан ҳаддан ташқари бетаъсир эканлигини эслаймиз. У Жаннатни қандай даҳшатларга гирифтор қилаётганлигини хотирлаймиз. Ва бу икки томонлама бир-бирига ўхшамаган ҳодисани беихтиёр қиёслай бошлаймиз. Азизхонда бағирдорлик, мардлик, парвозга интилиш ҳоллари бўртиб келаётган бўлса, Турсунбойда аксинча, эркалик, тантиқлик, шафқатсизлик, оқибатсизлик яллиғланиб бораётгани кузатилади.

Бургут уясини тарк қилди.

Азизхонни улкан қурилиш наъра тортиб бағрига олди. Уни ўтга солиб тоблай бошлади. Азизхоннинг кучига яраша майдон топилди.

У қурилиш майдонига қанчалар ярашади. Азизхон ўзи қилиши керак бўлган ишни топди ва қанотларини кенг ёйди. Усмон Юсупов унга: «Уғлим, кучингни юрт ишига сарфла», деб айтди. Шу сўзлар ҳозиргина Эш полвонни кўча ўртасига кўтариб урган Азизхоннинг юра-гига чуқур ўрнашди.

У чин полвонларга муносиб ишлар қилди.

У тупроқ қазиб, тупроқ ташиб, тупроққа қоришиб кетгани йўқ. Тупроқ қанорлар уни эзиб ташлай олмади. У тупроқлар, тўзон орасидан юксалиб чикди. Езувчи қаҳрамоннинг бу ҳолатларини ўткир кўз билан кузатиб туради: «Худди булут орасидан бургут учиб чиққандек, чанг-тўзонлар ичидан Азизхон елкада тупроқ тўла қанор билан юқорига кўтарилар, ўзи тўккан тупроқ тўзонда ўзи кўринмай кетарди». Азизхон мана шундай ишда, мусобақада, ўзи каби полвонлар билан беллашувларда ўзини топди, у энди ҳар қадамда «юрт ишига

яроқли одам бўлиб қолганлигини» сезади. Сал кейинроқ эса у: «Қилаётган ишимнинг маъносига етиб қолдим», дейди.

Азизхонда гражданлик туйғулари мана шу тариқа уйғонганди.

Иш билан ўзини кўрсатиш, яъни инсонлик шарафига эга бўлиш, юртнинг манфаати учун жон куйдириш, қилаётган меҳнатининг маъносини англаш — булар Азизхонда сифат жиҳатидан тамомила янги онг туғилганлигини англатади.

Унутмаслик керакки, Азизхон шунча ишларнинг ҳаммасини ўн тўққизга тўлиб-тўлмай адо этипти. Ёзувчи Азизхонни бадий таҳлил қилганда ҳеч қачон унинг ёшини, у вояга етган муҳитнинг ўзига хос томонларини унутмайди.

Муҳитни одамларга, одамларни муҳитга мутаносиб қилиб тасвирлайди.

Азизхоннинг барча хатти-ҳаракатларида — меҳнати, муҳаббати, одамларга муносабатида ёшлик — гўзал ёшликнинг ҳамма порлоқ томонлари барқ уриб туради. Шу маънода Азизхон бизга ёшлик рамзи бўлиб кўринади. Эҳтимол бу уйғониб келаётган Ўзбекистоннинг ёшлигидир, унинг рамзидир. Шундоқ деб тасаввур қилиш ҳам мумкин.

Азизхоннинг муҳаббати ҳам унинг танти ва мард юраги каби беғубор. У ҳамма мард одамлар каби жуда садоқатли. Лутфининг ўлими, Акбаралининг жаҳолати унга жуда қаттиқ таъсир қилди. Саид Аҳмад Азизхонни унинг бошига тоғдек ғам қулаган чоғда ҳам бениҳоя инсоний қилиб гавдалантиради. Биз бу тасвирларда Азизхоннинг юраги нақадар нозик ҳиссиётларга қобил, кечинмалари ғоятда бой ва ранго-ранг инсон эканлигини кўрамиз. Мана шундай хазинақалб билан Азизхон Йўлчига, Отабекка, Арслонга жуда яқиндир. Буларни ҳиссиётлардаги миллий теранлик, бағри кенг одамийлик бирлаштириб туради.

Катта Фарғона канали битиши билан Азизхон тақдирининг бир этапи тугаб, янги, бутунлай бошқача сифатга эга бўлган иккинчи этапи бошланади. Шу икки этап орасида Азизхон ерга урса кўкка сапчийдиган бежилов ўсмирдан йигитликнинг балоғат палласига қадам қўйди. У Катта Фарғона каналида ўттиз тўққиз кун тер тўкиб ишлади. Шу кунлар ичида у қанча одамларни

кўрди, Усмон Юсупов, Йўлдош ота, Белявский, Эшон ака, Жўра полвон, қирғиз чўпонларнинг меҳр қуёшидан баҳраманд бўлди. Ундаги янги онгнинг мураббийси мана шу одамлар.

Азизхон роман сўнгида янги йўл бошига келди. Бу йўл бошидан туриб Европада бораётган урушларнинг садолари эшитилмоқда. Ёзувчи уни шу ерда қолдириб, бошқа чигал тарихларга кўчади. Бу тарихлар умрларнинг ҳақиқатларини излаш йўлидаги драмалар билан тўла.

### ИНСОН ВА МУҲИТ. ТУРСУНБОЙ. ОНГ ТАНАЗУЛИ

Биринчи беш йилликлар даврида партия Вахш дарёси ҳавзасида суғориш системаси барпо қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу системанинг лойиҳасини тузишга Америка мутахассислари ҳам тортилди. Американинг тажрибали мутахассисларидан Людвелл Гордон Вахш атрофларини, сестема тушадиган жойларни келиб кўрди, ўрганди. Шароит ҳаддан ташқари оғир эди. У уч даҳшатга дуч келди: Вахш шу қадар ёввойики, уни ҳозирги шароитда жиловлаш имкони йўқ. Иккинчидан, бу саҳроларга инсон қадами етмаган, на йўл бор, на сўқмоқ. Учинчидан, сувсизлик ва тўзон даҳшати. Бу ерда тўзон одамни кўр қилиб қўядиган даражада ёмон эди. Гордон Москвага қайтиб, ҳукумат комиссиясига ўз фикрларини ёзиб берди: «...инсоният шундай шароитларда шундай ишни қилиб кўрмаган. Кечиринглари, лекин менинг назаримда буни рўёбга чиқариб бўлмайди». Ҳукумат комиссияси совет мутахассисларининг ҳам фикрларини эшитди ва: «Вахшстрой бўлади!»— деб қарор чиқарди.

Уч ярим йил ўтгач, 1933 йил 12 сентябрда каналдан шарқираб сув оқди. Сувга зор деҳқонлар уни юз-кўзларига суртиб йиғладилар<sup>1</sup>.

Мен бу парчага онг юзасидан қарамоқчиман.

Гордон холис тажрибали мутахассис. Унинг кўзига қийинчиликлар жуда улуғ ва енгил ўтиб бўлмайдиган даражада кўринади.

Совет мутахассислари ҳам бу қийинчиликларни кўрадилар, у ҳақда ўйлайдилар. Лекин улар бу қийинчи-

<sup>1</sup> «Коммунист», 1980, 1.

ликлар орқасида яшнаган далаларни, одамларнинг кулган чехраларини ҳам кўрадилар. Улар узоқроққа назар ташлайдилар. Шунинг учун ҳам қатъий: «Бўлади!»— дейдилар. Шу билан бирга улар романтик одамлар. Улар қийинчиликларни бўрттиришдан кўра уларни енгиб ўтиш йўлларини кўпроқ ўйлайдилар. Бу ерда сифат жиҳатидан тамомила бошқа-бошқа бўлган икки онг намунасига дуч келиб турибмиз. Бу ерда онгнинг сифати худди кўргазмага қўйгандай аён. Эски онг: қўй, дейди. Янги онг: ярат, дейди. Келажак янги онгники эканлигини сувни кўзларига суртиб йиғлаган деҳқонлардан сўраш ва тасдиқлатиш керак.

Азизхон билан Турсунбойнинг онги ўртасида мана шундай фарқ бор.

Бири юксаладиган ва яратадиган онг. Иккинчиси, бузадиган, ҳаёт қувончларини топтайдиган, одам учун ҳамма азиз нарсаларни булғайдиган онг. Таназзулга учраган онг.

Муҳит — мураккаб тушунча.

Муҳит — бизни қуршаган ҳаёт, ҳаётимизни низомига солган табиат, бизни тарбия қилган жамият, хонадон, оила, одамлар, нарсалар, ҳодисалар. Буларнинг ҳеч қайсиси бири иккинчисидан мустақил эмас. Ҳар бири мураккаб, чигал, кўп томонлама муносабатларга киришади.

Муҳит ва муҳитда ҳукмрон шароит инсон характерининг асосий қирраларини шакллантиради, асосий қирраларига сайқал беради. Муҳитга кўра инсонда янги характер қирралари намоён бўлади.

Муҳит билан инсон ўртасида юксак ва ҳар томонлама уйғунлик бўлгандагина бир-бирларининг тараққиётларига қудратли таъсир кўрсатадилар. Шунда муҳит инсонни, инсон муҳитни сарафроз қилади. Муҳит инсон интилишлари, унинг олий тараққиёт идеалларига жавоб бермай қўйганда, инсон шу муҳитга сиғмай қолади. Байрон сиғмади, Бруно сиғмади, Пушкин сиғмади, Фурқат, Машраб сиғмади. Ўз муҳитига сиғмаган буюк инсон сулолаларининг бошида эҳтимол гениал донишманд Суқрот туради. Байрон грек ватанпарварлари сифатида озодлик учун курашиб ҳалок бўлди. Пушкин беҳад узоқ чўзилган даҳшатли ғийбатларнинг қурбони бўлди. Машраб осилди. Фурқат дарбадарликка маҳкум қилинди. Суқротга эса заҳар ичирилди.

Инсонга тараққиёт, озодлик, тенглик, ҳурлик берол-

маган чор тузуми, чор муҳити — инқилоб алангаларида куйиб кетди.

Инсон ўзи учун янги олам, янги муҳит яратди. Бу олам, бу муҳитни у ўз асрий идеалларига кўра яратди.

Инсон билан ижтимоий муҳит ўртасида келиштириб бўлмас зиддиятлар бутунлай йўқолди.

Зиддиятлар ҳаётий, оилавий, ишлабчиқариш, инсоний муносабатлар, табиат билан боғлиқ ихтилофларга кўчди.

Инсон характерларининг сифатида тарихийлик сифати мавжуд. Ҳар бир ўзига хос характернинг илдири ўтмишдан келиб чиқади. Унинг ўтмиш илдириларини илғаб олиш қийин, лекин мумкин. Характер бу жиҳатдан айсбергга ўхшайди. Унинг юз мингдан бир улушигина тепада кўринади. Қолгани сув остига чўкиб ётади. Гобсек; хасис Рицар, Қори Ишкамба, Иноят оқсоқол; Ахиллес, Энкуду, Алпомиш, Фарҳод, Азизхон; ушбу ҳодисаларда мавжуд умумиятли сифатларни кўз ўнгимизга келтирсак ва буларни бир ҳодисанинг тарихий қаторлари деб қарасак, характернинг ҳам тарихий жиҳатдан шартли томонлари равшанлашади. Типиклик қонуниятлари ҳам шунга ўхшаш ва шу билан боғлиқ.

Русларда: характерни кўрсатяпти, деган сўз бор. Турли вазиятларда турлича маънода ишлатилади. Лекин бу жумлада характернинг табиати — унинг ҳаракатчанлиги яхши ифодаланган. Характер доимо муҳитга кўра ҳаракатчан. Азизхон ўз характерини эрта намоён қилди. У қишлоқнинг, қишлоқ муҳитининг — ҳовлининг, арзандаликнинг муҳитига сиғмай қолди. Торлик қилди бу муҳит унга. Унинг шаклланаётган характерига катта майдон керак. Тор муҳит билан Азизхон характерининг ҳаракатчанлиги ўртасида зиддият туғилди. Азизхон шу зиддиятни туғдирган муҳитни ёриб чиқишга интила бошлади. Менимча, бу интилиш унда стихияли тарзда рўй берди. Азизхоннинг бебошликлари мана шу стихиянинг зиддиятли ифодаси. Азизхон учун қирғиз чўпоннинг бағри кенг ўтовиди қола билмади. Бошқа одам, учун қирғиз чўпоннинг бошпанаси (яна қиз олиб қочган бўлса бунинг устига) идеал жой ҳисобланади. Азизхон учун ўтов торлик қилади. Шунинг учун ўзини кўрсатадиган катта майдонга кетди. Жўшқин муҳитни топди. Шу ерда унинг характер хусусиятлари социал қимматга эга бўлди.

Турсунбой Азизхонга тенгдош. Азизхон юрган боғларда бу ҳам юрган, Азизхон ичган сувларни бу ҳам ичган, лекин катта фарқи бор бунинг — лойқалатиб ичган.

Турсунбойни этиштирган муҳитни кўздан кечирайлик. «Қирқ беш кун» бошида Икромжон ҳандалакни этагига солиб кўтариб бормоқда. Ҳандалаклар Турсунбойга. Икромжон уйга кириб бораркан, остона атрофи чала ейилган бодринглар, пўчоқлар, чўқиланган писта лагани билан ивирсиб ётибди. Икромжон бош чайқаб қўяди. Турсунбой ўтирган бу ерда. Ҳовлига кирса хотини Жаннат беҳи тагида инграб ётибди. Турсунбой ҳали ўрнидан турмаган. Оғироёқ Жаннат ўрик ўтин ёраман деб йиқилиб қолган. «Тентаккинамга тансиқроқ нарса пишириб бераман десам, ўтин қолмабди», дейди Жаннат. Икром жаҳл билан болани уйғотади. Лекин хотининг ингроқ саси эшитилади: «Боламини сўкманг, болагинамни гадабламанг», дейди Жаннат. Ҳандалакни кўриб кўзи қувонади онанинг: «Болагинамга сўйиб беринг. Есин», дейди Жаннат.

Турсунбой ҳуснда тенгсиз, келишган йигит бўлиб қолган, лекин ҳали ҳам иложи бўлса, онасини эмишга тайёр. У мактабга қатнайди диган бўлганда ҳам танаффусларда келиб эмиб кетган. Эмиб олиш иштиёқи унда узоқ пайт сақланган. Ота уни ишга ўргатишга уриниб кўрган. Лекин Турсунбой «ишни ўйин тариқасида қилиб, ишга айланганда ташлаб кетарди».

Турсунбой катта бўлган сари унинг характери уй миқёсидан чиқиб кўчага ёйила бошлайди. У ўзининг ҳусндор, «қош-кўзлари попукдек» йигит эканлигини биллади. У кўп қизларни ўз ҳуснидан фойдаланиб калака қилади, ўртоқлари кўз ўнгида уларнинг ғурурини ерга уради. Унда беписандлик, такаббурлик, шафқатсизлик мана шу тариқа характернинг даҳшатли қирраларига айлана бошлайди.

Жаннат боласи ўлавериб юрак олдириб қўйган. Турсунбойни ер-кўкка ишонмайди. Онани айблаш қийин, лекин унинг эркалашлари ғайриинсоний шаклларда намён бўлади. Турсунбойга қараса, худди мусиқа эшитаётгандай туюлади ва шунинг учун кўп маҳал «боласидан кўз узмай аллақандай ширин хаёллар оғушида тебраниб-тебраниб ўтирарди». Унинг кайфияти Икромжонга ҳам юққан. Жаннат мақтангандай бўлиб шундай дейди: «Турсунбой мактабга боргунча ҳам дадасининг елка-

сидан тушмади. Опишиб гузарга олиб чиқардилар, опишиб магазинга олиб кирардилар».

Гончаров Обломов характерини мана шундай нозикдан-нозик тадқиқ қилиб боради ва унда журъатсизлик, ихтиёрсизлик, ялқовлик қандай шаклланиб етганлигини гўзал ва ҳаққоний ифодалайди. Саид Аҳмад Турсунбой характерини шакллантиришда мана шундай изчил тадрижий йўлдан боради. Унинг бадий тадқиқотида Жаннат — Икромжон — Турсунбойнинг ҳар бир хатти-ҳаракати Турсунбойни қочоқлик сари қадам-бақадам яқинлаштиради. Турсунбойнинг ҳар бир қилиғи у қанчалар бадтарин бўлмасин, Жаннат томонидан тантана билан кутиб олинган. Жаннатнинг оғзидан «болагинам», «тен-таккинам», «боласи тушмагур», «Турсунбойгиннам» деган сўзлар тушмайди. Турсунбойнинг ўзи ҳали бола, лекин Жаннат уни болангдан айланай, деб эркалайди. Боланинг боши яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам баравар силанади. Бола яхши билан ёмоннинг фарқига етолмайдиган бўлиб қолади. Яхши ҳам — яхши, ёмон ҳам — яхши бўлган муҳитда бу табиий, албатта. Яхши-ёмонни равшан ажратиб олмаслик — одамлар ўртасидаги муносабатларда қўрқинчли тус олади.

Турсунбой ўзини беҳад яхши кўради. Ҳамма ўзини яхши кўрадиган одамлар каби беҳад такаббур. Бу айниқса, унинг Зебига бўлган муносабатида яхши акс этади. Мутакаббир одамларнинг бир хислатлари бўлади. Улар нафсониятлари зарбага учраши билан тубан кетдилар. Уларнинг тубан кетишлари осон. Турсунбойнинг ҳам табиати шунақа. У Зебининг енгилгина бир зарбасига чидолмади. Таслим бўлди. Шу пайтгача ҳеч ким унга заррача қаршилиқ қилмаган эди. Зебининг кутилмаган қаршилиғи уни синдирди. Турсунбой синди-ю, қаттиқ яхши кўриб қолди. Лекин бу сеvgи унинг маънавиятига янгилик олиб кирмади. Уни олижаноб бўлишга ундамади. Чиндан, Турсунбойнинг табиати жуда қашшоқ. Ёзувчи ҳамма ўринларда характернинг мантиқий йўналиши изчил давом этишини қаттиқ кузатади. Турсунбой инсонни сарафроз қилувчи муҳаббатга қодир эмас. Назаримда, у Зебини яхши кўрганда ҳам, энг аввало, бу билан ўзини яхши кўради. Турсунбойнинг ўзини яхши кўриши айниқса, фронтга чақирилиб, Зеби билан учрашувга келганида ёрқин намоён бўлади. Турсунбой йиғлайди. Зеби йиғламайди, девдай Турсунбой йиғлайди.



(Саид Аҳмаднинг қаҳрамонлари жуда кўп кўз ёши тўкадилар, уларнинг кўз ёшларига баъзан чидаб бўлмайди. Азизхон полвон неча-неча бор йиғлайди, Икромжон тинимсиз йиғлайди, Низомжон йиғлайди... Кўзлари ёшли Саид Аҳмад қаҳрамонларининг. Улардаги бу эзгинлик бошларига тушган оғир кулфатларнинг оқибати.) Унинг кўз ёшлари бошқача маънога эга. У ўзига, ўзининг ҳуснига шунчалар ачинади, шунчалар увол бўлаётгандай кўринади унинг кўзига... ва йиғлайди, йиғлаб кўксини ҳўл қилади.

Ёзувчи Турсунбой характерини чуқурроқ очиб боради, шафқатсиз туради охиригача. Тасвирнинг аёвсиз тигини заррача ҳам бўшаштирмайди. Шуниси ажойибки, Турсунбой тақдирини акс эттирганда ёзувчи жуда бой тасвир усулларидан фойдаланади. Турсунбойни дам авторнинг холис тасвири, дам Жаннат, дам Икромжон, дам Зебининг қалб хотираси орқали гавдалантиради. Бу одамларнинг Турсунбойга қаратилган қалб сўналари бир зум ёришиб сўнг буткул қораяди. Шунинг учун унинг тақдирини кучли эмоционал-ҳиссий тус олади. Турсунбойни кузатиб турган яна бир нигоҳ бор. Бу халқнинг нигоҳи. Уни Турсунбойнинг ўзи ҳис қилмайди, бу нигоҳнинг қудрати Икромжон юрагида акс этади. Икромжон, айниқса, шу нигоҳга чидамайди. Бу нигоҳ уни тинимсиз таъқиб этади. Эҳтимол, бу номуснинг нигоҳидир.

Турсунбойни чегарасиз муҳаббат, чегарасиз эркалаш тубанликка олиб боради.

Турсунбойни қочоқликнинг оғир даҳшатлари ҳам ҳеч нарсага ўргатмади. Унда, заррача бўлсин, қилган ишдан пушаймонлик пайдо бўлмади. У тубанлик сари буткул кетди.

Ёзувчи Турсунбойнинг тўқайдаги ҳаётини бутун даҳшати билан аёвсиз тасвирлайди. Отанинг нолишлари, онанинг нолишлари даҳшатли фарёд каби эшитилади. Лекин бу фарёдларни Турсунбой эшитмайди. Қочоқлик уни махлуққа айлантириб қўйган. Унинг қисқа-қисқа сўзлари ҳам махлуқнинг йўталидай эшитилади.

Ёзувчи бир марта Турсунбойни жозиб ҳаёт билан юзма-юз қилади. Бу романдаги энг гўзал саҳифалардан. Бир кун Турсунбой қамишлар орасидан бошини чиқариб ҳаётга қарайди. Низом ғайрат билан кетмон уряпти. Зеби сопол пиёлага чой қуйиб Низомга узатади. Йигит

кётмонини қўйиб пиёлани олади ва кўзларини Зебидан узмаганча чойни шимиради. Сал нарида тўқайдан ўтин орқалаган Жаннат чиқиб боради. У аранг қадам ташламоқда. Низомжон уни кўриб югуради, орқасидан юкни олади. «Шу топда уларнинг ораси икки юз метрча ҳам келмайди. Чақирса эшитади. Югурса етади. Аммо чақиришнинг ҳам, югуриб етишнинг ҳам иложи йўқ, уларнинг ораси миллионларча километр, унга на юриб етиб бўлади, на учиб», деб изоҳ беради автор тексти.

Турсунбой нимадан қочганлиги ва қочиб нималардан маҳрум бўлганлиги мана шу парчада ёрқин кўринади. У ҳаётдан, ота-онасидан, севган қизидан юз ўгирди. Бу юз ўгириш даҳшатли жазога олиб боради. Езувчи мана шу даҳшатни худди Золя каби шафқатсиз акс эттиради.

Турсунбой фожиаси бир неча маротаба катталашган ҳолда Жаннат ва Икромжоннинг юрагида акс этади. Уларнинг ҳар икковлари ҳам бу фожианинг оловини ўзлари ёқиб келганларига иқроп бўладилар.

Фожиадан кўра ҳам унинг уқубати минг карра зўроқ. Икромжоннинг бошига ҳар лаҳзада чидаб бўлмас маломат ёғилади. Уни ўғли келтирган шармисорлик шарпаси таъқиб қилади. Пешанага дам сайин кулфат бўлиб урилади.

Икромжон романда кулфатнинг калаваси бўлиб қолди. Унинг фожиона кечинмалари шиддатига тоқат қилиб туриб бўлмайди.

Икромжон яхши одам. Езувчи унинг ҳаётини чуқур ёритади. У Катта Фарғона канали қурилишида Азизхон, Эш полковлар билан олдинма-кетин туролган киши. Икромжон юмшоқ, вазмин, камгап. Аллақандай юк остида юргандай маъюс. Турсунбой тақдиридан чўчиб юради. Юраги алланарсаларни сезади. Лекин бола тарбиясида дадил, тўғри йўлни тополмайди. Жаннат унинг ихтиёрини боғлаб туради.

Икромжон урушга борди. Бир оёғидан айрилиб қайтди. Уруш йиллари Езёвон чўлларини ўзлаштириш бошланди. Икромжон ўзини авайлаб ўтирмади, чўлга интилди.

Езувчи Икромжон ҳаётини ёритганда ажойиб бир тасвир усулини тутади. Езувчи бир дамнинг ўзида Икромжонни дам кўкка олиб чиқади, дам уни кўкдан ташлаб юборади. Икромжон Москва остоналарида қаҳрамонларча жанг қилгани учун «Қизил Байроқ» ордени

билан мукофотланади. Шу бахтли дамда у ўгли ҳақида хаёл суради. Жангларда жасорат кўрсатаётганмикин, деб ширин орзуларга чўмади. Шундай орзуларга фарқ бўлиб бораркан, Турсунбойнинг қочоқ бўлганлигини эшитади. Езувчи кўп ўринларда бўлгани каби бунда ҳам сир сақлаш, сирни кутилмаганда очиш усулларидан маҳорат билан фойдаланади. Ажойиб таъсирчанликка эришади.

Икромжон ўглининг ошхона деворларида қолган қўл изларини кетмон билан чопиб ташлади. Ўғлига ўқ узди. Лекин иккинчи марта ўқ узганда уни пойламай отди, оталик ҳиссиёти ғолиб келди. Икромжон тўқайда хорзор бўлиб ўлган ўғлини қўлтиқтаёғида ер қазиб кўмди. Сўнг у яна бир даҳшатли қийноққа дуч келди. Ўглининг қабри ёнаётганлигини кўрди. Шунга тоқат қилолмади. Унинг пўлатдан ҳам қаттиқ томирлари бу сафар дош бермади, узилиб кетди.

Шу тариқа разолат оилани қуритди. Ундан ном-нишон қолмади.

Езувчи инсоннинг маънавий разолатига нисбатан ниҳоятда кескин позицияда туради. Бу позиция Иноят оқсоқол хонадони аъзоларининг тарихларини ҳикоя қилганида, айниқса, равшан кўринади.

Яхшиликнинг ҳам ҳаётда ўз орбитаси бор. Ёмонликнинг ҳам орбитаси бор.

Турсунбойнинг разолати орбитасида Жаннат ҳам, Икромжон ҳам куйиб кетдилар.

Трилогияда яна бир ёмонлик орбитаси бор, бу орбитани Иноят оқсоқол вужудга келтирган. Низомжон, Аъзамжон, Рисолат, Дилдор сингари қаҳрамонлар шу орбита атрофида ҳаракатда бўладилар ва унинг барча оғир, зарарли таъсирларини ўз тақдирларида намоён қиладилар.

Турсунбойнинг қилмиши хонадонни барбод қилди.

Иноят оқсоқолнинг қилмишлари эса хонадонни тўзғитиб, пароканда қилиб юборди. Унинг қилмишлари ҳар қадамда фарзандларининг пешаналарига маломат тоши бўлиб урилади.

Езувчи катта романнавис каби бу ерда ҳам шафқатсиз.

Бу шафқатсизлик драматик коллизияларнинг ечимларида кўринади.

Бу шафқатсизлик инсонга муҳаббатдан туғилган ва тарбияланган.

### НИЗОМЖОН. МУҲИТДАН ҚОЧИШ. ЯНГИ МУҲИТ. ТАҚДИРЛАР ОРБИТАСИ

Низомжон қаерда бўлмасин, оёқ остидан бир фалокат чиқади. Фалокатлар унинг ёш қалбини нимта-нимта қилиб ташлаган. У довдираб, каловланиб қолган. Иноят оқсоқолнинг ибтидоий хасис муҳити уни қаттиқ эзади. Ота хасислиги унинг бошига кўп хўрликлар келтирган. Лекин Низомжоннинг бир ёруғ юлдузи бор — бу она хотираси. Эрта оламдан ўтган она Низомжон дилига эзгулик уруғини ташлаб улгурган. Иноят оқсоқолнинг муҳитига эзгулик ёт. Унинг муҳитида фақат пул, давлат, мол-мулк қадрланади. Қанчалар пулни яхши кўради Иноят оқсоқол! Узининг пули бўлмаса бировнинг пулини санаб бериб роҳат олади. Ҳирсини босади. Жаннатнинг кўзига Турсунбой мусиқа бўлиб кўринган бўлса, Иноят оқсоқолнинг кўзига пул мусиқа бўлиб кўринади. У пулни деб жонидан, фарзандидан кечишга тайёр. Фарзандларига қилмаган тарбияни пулга қилади. Уғилларининг эмас, пулнинг бетини силайди. Эзилса, самоварнинг қорнига қўйиб дазмоллайди. У ҳақиқатан, ўз хонадонидо ошни авлиё, нонни пайғамбар даражасига кўтарган. Асрора уни «Жиноят оқсоқол», деб атайди. Чиндан, кўринишдан мусичадай беозор бу одамнинг бутун қилмиши жиноятга олиб боради. Жиноят унинг этагига судралиб юради. Мол-дунё кўйида ҳеч кимни аямайди, кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Уни қўлга туширган милиционернинг қўлидан чиқиб кетиш учун ҳаддан ташқари қабих чора топади. Милиционерни боланг ўлсин, деб қаргайман дея қаттиқ изтиробга солади, унинг қўлидан чиқиб кетади.

Бойликка муккасидан кетган чол серқарғиш ва тажанг. Низомжонни оқ қилади, Аъзамжоннинг бошига қарғиш ёғдиради, куёви ва қизидан, набираларидан юз ўгиради.

Низомжон оқсоқолнинг муҳитида эзилиб ўсган, шу муҳитга қарши унда норозилик аста бош кўтариб кела бoshлайди. Низомжон самимий, пок, болаларча софдил. Унинг ҳаракатларида тортинчоқлик, журъатсизлик ҳам

кўринади. Қаттиққўл оқсоқолнинг таъсири ҳар қалай ўз изини қолдирган.

Ёзувчи Низомжонни меҳрибон нигоҳ билан кузатади. Унинг оддий, содда, лекин юрт учун керакли олижаноб кишига айлана боришини кўздан қочирмай қадам-бақадам тадқиқ қилиб боради.

Романда дастлаб Низомжонни у чап қўлини шоҳи қийиқ билан бўйнига осиб олганча, бир қўли билан велосипед етаклаб бораётган чоғда кўрамиз. Ёзувчи унинг қўли нима учун боғлаб қўйилганлигини айтмайди. Кейинроқ бориб Низомжон Дилдорга анҳор бўйида учрашайлик, деб таклиф қилганда, қиз кўнмай-кўнмай охири рози бўлади. Лекин Низомжоннинг кўзига эмас, «тут кесаётганда теша узиб кетган» бармоқларига қағаб жавоб берди: «Хўп, майли, бораман».

Нима учун ёзувчи Низомжонни бармоқларини тут кесаётганда теша узиб кетганлигини бошданоқ айтиб қўя қолмай анчагача сир сақлади? Бошда айтганда ҳам ҳеч нарса ўзгармасди-ку? Нима фарқи бор? Бир қарашда фарқи йўққа ўхшайди. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бефарқ эмаслиги сезилади. Дарахт танасидаги йиллик ҳалқаларнинг ўрнини алмаштириб бўлмаганидек, прозада ҳам деталлар ва тафсилотлар, воқеалар ўз ўрнида, ўз нуқтасида энг кучли маъно ва мазмун касб этади.

Аввало ёзувчи бу билан китобхон назарида маълум бир қизиқиш уйғотди ва шу қизиқишни сирни ошкор қиладиган ергача сақлаб борди.

Кейин Низомжон билан қиз ўртасидаги муносабатларнинг пардаси жиндак очилди. Қаҳрамонларнинг характер чизиқлари билан бизни ошна қилди. «Юрт бошида ташвиш, Низомжон юрагида тушуниб бўлмайдиган ғалати ҳислар», деб изоҳ беради автор тексти. У «ғалати ҳислар»нинг мазмунини оча бошлайди. Унинг кўзига бутун дунё шу қиз бўлиб кўринади. Табиатдан ўз севгисига юпанч излайди. Саид Аҳмад биринчи севгининг дардли ҳавасларини, титроқ, ялинчоқ онларини, сирли кўринишларини маҳорат билан чизади. Низомжон камгап, бошқаларга аралашмайдиган «индамас» бола. Унинг «индамаслиги» бошига тушган ишкни ҳаяжонли қилиб кўрсатади. Низом қизни анҳорда чўмилаётганда тасодифан учратиб қолади. Шу сабаб бўлибми, унинг содда қалбида ишқ алангаси зўраяди. Йигитнинг қиз

ҳақидаги тасаввурлари оташин лавҳалар билан бойийди. Унинг сув бетига тўзғиган қоп-қора сочлари-ю, мармар билаклари кўз ўнгидан кетмайди. Охири Низом бу алангага дош беролмади, кўнглини қизга очишга аҳд қилди. У қизга жавдираб қарайди, унга ялингандай бўлади. Ёзувчи қизни шу севги ўтида шамдай эриб бо раётган, ўсмирликдан, унинг ўнғайсизлигидан қутулмаган ўн тўққиз яшар йигитчанинг кўзи билан кўради. Қиз «ўйланиб қолди. Унинг бошини бир томонга сал эгиброқ, узун киприклари жуфтлашгунча кўзларини юмиб, ўйланиб туриши бирам чиройли, бирам чиройли!..» Бу қизга талпиниб турган йигитнинг кўзи билан кўрилган манзара: Йигитнинг ҳаваслари. Худди шу ерга келганда ёзувчи Низомжоннинг қўлига нима бўлганлигини айтади. Қиз маҳлиё бўлиб тикилиб турган Низомжонга нима дейишини билмайди. Унинг сўзини бутунлай қайриб ташлашни ҳам истамайди. «Охири қиз унинг кўзига эмас, тут кесаётганда теша узиб кетган бармоқларига қараб жавоб берди:

— Хўп, майли, бораман».

Демак, Низомжоннинг бармоқларини теша узиб кетган, шунинг учун у фронтдан қолган. Лекин бу ерда деталнинг бошқа бир вазифаси ҳам борлиги маълум бўлади. Қиз, майли, дейишдан олдин унинг шу бармоқларига қарайди. Ва қаттиқ яхши кўрганидан эмас, бир чеккаси Низомжонга ачинганидан рози бўлади. Фронтга боролмай қўли ҳам, дили ҳам ярали йигитчани ўқситгиси келмайди. Ёзувчи бунинг ҳам учини очади: «Умуман Дилдор унинг маъюс боқишларига, учрашиб қолган пайтларда гап тополмай эсанкирашларига бепарвороқ қарарди». Мана шу «бепарволик» келажакда рўй берадиган фожиаларнинг биринчи даракчиси каби англанади.

Ёзувчи бир детални унга ҳар томондан нур тушадиган ўринга қўйди ва қаҳрамонларининг юрагини, асл муносабатларини, муносабатларнинг маъносини андак очди. Мажнунтол тагида бўлган учрашувда ҳам ёзувчи йигитнинг беҳад самимий интилиши-ю, қизнинг ўзини олиб қочиб туришини ниҳоятда усталик билан тасвирлайди. Низомжон юрагида йиғилиб ётган гапларини айттолмай дудуқланади, «негадир йиғлагиси келади». Ёзувчи қизни ҳам ўтқир нигоҳ билан кузатади. Унинг Низомжондан кўра шўхроқ, етилганроқ эканлигини, Низомжон

унинг олдида ёш боладай бўлиб кўринаётгандигини ҳам ишоралар билан маълум қилади.

Низомжон айтади:

«— Сени ҳеч кимга бермайман.

Қиз тегажаклик қилди:

— Бошқа одамга тегиб кетсам-чи?

— Агар шунақа қилсанг, ўша одамни болта билан чопиб ташлайман».

Қизнинг шу бир оғиз сўзида зўр таҳдид эшитилади. Таҳдид келажакдан дарак беради. Қиздаги бепарволик унинг ҳозирги сўзлари билан тасдиқланади. Унинг ҳазили оғир. Низомжон эса бундай гапларнинг шундай пайтларда нега одамнинг тилига чиқишини, бунинг психологик сабабларини билмайди. Сўнг сал ўтмай Низомжон акаси Аъзамжон аскарликдан отпускага келди. Қиз эса ундан ўзини негадир қизариб олиб қочадиган бўлди. Низомжон эса, ҳам акаси келиб, ҳам қизнинг кўнглини билиб бахтиёр эди: «У ўйларди. Соғинтирган акаси келиб уйи обод бўлди, ёр-биродарлари олдида кўпни кўрган акаси билан фахрланади. Бу яқин-ўртада ундан бахтли одам йўқ...»

Саид Аҳмад ўз қаҳрамонларини мана шундай ҳолатларда тасвирлашни севади. Бахтиёр дамлар кутилмаганда тўфондай бостириб келган бахтсизлик билан алмашади. Қизил билан қоранинг аёвсиз кураши бошланади. Низомжон севган, у билан аҳл-паймон қилиб юрган қиз Низомжонга эмас, унинг акасига тегди. Уртада даҳшатли коллизия туғилди. Бу энди уларни умр бўйи таъқиб қилади, уларни ўз қайғули исканжасидан чиқармайди. Қиз ҳам, Аъзамжон ҳам ҳеч қачон Низомжоннинг маънос кўз ёшларидан қутулолмайдилар. «Қотиб-қотиб кулиш» ўкириб-ўкириб йиғлаш билан алмашди. Қизнинг таҳдиди амалга ошди. Бунинг у Низомжон болта кўтаролмайдиган қилиб амалга оширди. Низомжондан чиқиб кетди. Кўп ўтмай Аъзамжондан қоракат келди. Низомжоннинг бир қайғуси икки бўлди. Иноят оқсоқол келинининг мол-дунёси, катта ҳовлисини қўздан чиқармаслик учун уни Низомга бўлишмоқчи. Уятномус ўтида қовурилган Низомжон яна уйдан чиқиб кетди. У ака хотирасини оёқ ости қилишни, келир аясига уйланишни истамади.

Низомжон чиркинроқ уй муҳитига сиғмади. Шунда

унинг характери кучли суратда намоён бўла бошлади. Дард уни енголмади, лекин абгор қилиб қўяёзди.

Низомжон то Икромжон билан Зирилламанинг чой-хонасида учрашгунча унинг барча хатти-ҳаракатлари стихияли тарзда давом этди. Икромжон билан учрашув уни янги муҳитга олиб кирди. Меҳрга ташна Низомжон уни топди. Икромжон кўрсатган меҳр унинг юрагини алғов-далғов қилиб юборди. Низомжонда янги кайфият, янги руҳ пайдо бўлди. Унда янги ҳиссиёт: яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш ҳиссиёти туғилди ва сўнг ҳеч қачон унинг юрагини тарк этмади. Бу Низомжон характерининг етакчи хислатига айланди. Яхшилик қилиб яшаш иштиёқи уни қаттиқ ҳаяжонга солди. Низомжон шундан эътиборан ўз ҳаётини бошқаларга бағишлаб яшашга аҳд қилди. Унда альтруизм шу тариқа туғилди.

Ҳаётнинг қаттиқ гирдобларига тушиб, юраклари чўлдек бўм-бўш бўлиб қолган Икромжон билан Низомжон бир-бирларига тирак бўлиб, қадларини тиклайдилар. Саид Аҳмад уларнинг тақдирларини турли синоқлардан олиб ўтаркан, ҳаётнинг қудратини, яшаш завқини гўзал кўтаринкилик, жўшқинликда ифода қила боради.

Бошларига тоғлардек ғамлар қулаган бу қаҳрамонлар ҳеч қачон яшашдан, меҳнат қилишдан безмайдилар.

Улар ҳаётни нақадар севадилар ва бу севгилари нақадар инсоний, нақадар пок! Саид Аҳмад улар образи тимсолида яшамоқ завқини, одамийлик шарафини юксак ҳаётий пафос билан тасвирлайди.

Кулфатлар Низомжон ва Икромжон атрофида гирдоб каби айланади, вариллайди, ўра ҳосил қилади ва ҳар дамда уларни ўз комига тортмоқчи бўлади.

Низомжон ота ўлими, ака фожиаси, Икромжоннинг адоқсиз ҳасрати қуршовида яшайди. Бундай ғамзадаликка ким дош беради? Лекин Низом дош беради. Чунки унинг учун алам — ўткинчи, ҳаёт — абадий. Икромжонлар Езёвон чўлларини ўзлаштиргани отландилар. Уларнинг юраклари ҳам чўлдай бўлиб қолган. Лекин чўл аста яшнаб, обод бўла бошлайди. Бу ажиб кишиларнинг юраклари ҳам яшнаб кетармикин? Низомжон шуни орзу қилади. У Икромжон ҳақида ўйларкан, унинг дили «чўл билан баробар яшнаб кетса», деб умидвор бўлади. Низомжон кечани кеча, кундузни кундуз



демай чўл чопади, тўрт-беш одам қиладиган ишни бир ўзи уддалайди. Унинг юрагида зўр армон бор: фронтга бориб, дўстларим сафида туриб жанг қилолмадим, деб ўксинади. Шунинг учун фронтга кетганлар учун ҳам ишлашим керак, дейди. Лекин у ўз меҳнатида завқланади. Меҳнатини эса кўпга бағишлаган: «Менга бир дона ҳам гуруч керак эмас. Нимаики ҳосил олсам, Зирилламага кўчиб келган госпитал ошхонасига обориб тўкаман». Тоға Низомжон ағдарган ерларни кўриб: «Раҳмат, жиян, раҳмат. Фронтчасига иш қипсан», деганда, Низомжон ўзининг энг қимматли орзулари ушалаётгандек қувонади.

Саид Аҳмад Низомжон, Икромжон, Азизхон, Тоға, Асрора каби инсон образларини бадий тадқиқ қиларкан, уларда юксак даражада тараққий қилган меҳнат психологиясини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Меҳнатканшлик, меҳнатга интилишни олижанобликнинг маънавий белгиси деб қарайди. Меҳнат психологиясини шюирона ва реал қилиб ифодалашда Саид Аҳмаднинг усули Шароф Рашидов романларида кузатилган усулга яқин туради. Шароф Рашидов ҳам, Саид Аҳмад ҳам меҳнат одамни гўзал қилади, деган ғояни илгари суррадилар. Бу ғояни чинакам халқчил, замонавий инсон характерларининг мазмунини очиш билан ифодалайдилар. Бунда биз икки адибнинг тадқиқот йўллари бутунлай ўзига хос бўлгани ҳолда ҳаёт материалига ёндашиш принциплари яқин эканлигини кузатамиз.

Низомжонга қайтайлик. Чортеракда уқубатлар исканжасида қолган Низомжон билан Найманга келиб паҳлавонлардек ер ағдараётган Низомжон ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Бу — юраги обод бўлган, юрагини янги, тоза ҳиссиётлар шодлантирган Низомжон! Бу — меҳнат, поклик, ҳалолликнинг ҳавосини тўйиб-тўйиб шимирган, коллективнинг ҳаётбахш кучидан баҳра олган Низомжон! Отасидан қолган беш юз мингни, мол-давлатни чўлларни ўзлаштиришга топшираркан, у қанчалар бахтли ва қанчалар бу унга ярашади!

Шу билан бирга Низомжон фавқулодда қаҳрамон эмас. Илгари мен Низомжоннинг шунчалар ишларини қила олиши мумкинлигига андак шубҳа билан қараган эдим. Лекин мен Малик чўлларида Низомжонга ўхшаган одамларни кўрдим. Чўл уларни шунчалар содда,



«Келинлар қўзғолони»дан сахна.

шунчалар мард, ўз сўзли қилиб юборганки, Низомжон қилгандан кўра анча ортиқ ишларни ҳам улаб писандасиз, шовқин-суронсиз адо этаверадилар. Мен шунда Ёзувчининг ҳаётни, ўз қаҳрамонларини қанчалар чуқур билишига ишонч ҳосил қилдим. Улуғ муҳитдагина улуғ одамлар дунёга келади, деган ҳикматнинг маъносини англадим.

Трилогиянинг яна аллақанча қаҳрамонлари борки, улар тасвир миқёсига кўра Низомжондан кам ўрин ишғол қилмайди. Ёзувчи романда яшовчи қаҳрамонларнинг ҳаётлари миқёсан ҳам бир-бирларига уйғун бўлишига, бунда симметрияни сақлашга кўп эътибор беради.

Чунончи, Аъзамжон трилогиянинг энг мураккаб образларидан. Табиати чигал ва ўзгарувчан. Яхшилик томонга эмас, ёмонлик томонга, қайсар ва кож. Ёзувчи Аъзамжон табиатидаги ғашлик, ёлғончилик, рўйкорчиликни психологик теран таҳлил қилади. У иззатталаб одам. Урушдан қайтгач, колхозга раис бўламан, деб хаёл қилган бўлса керак, уни эмас, Асрорани раис қилиб сайлашгач, ўзини қаттиқ таҳқирланган деб билади. Дарҳол чўлга кетаман деб пўписа қилади. Лекин у чўлда ҳам қилар ишини аниқ билмайди. Чортеракликларга бригадир бўлиш нияти йўқ эмас. Лекин чўлга келган ҳамқишлоқлари уни эмас, Холматжонни бригадир қилиб сайлайдилар. Бу ерда ҳам нияти рўёбга чиқмагач, Аъзамжон чўлни ҳам, оилани ҳам ташлаб кетади. Беза Маҳбубани йўлдан уради, унга уйланади. Уни ҳам охир-оқибат ташлаб кетади. Ҳалокатга учрайди.

Аъзамжон ҳаётда омонат яшовчи одам тимсоли. У ўзини қуршаган одамларга бахтсизлик келтиради. У ҳирсининг зўри билан яшайди. Хонавайронлик эса доимо мана шу нарсанинг ортидан қолмай изма-из юради. Отадаги молга ҳирс ўғли Аъзамжонда давом этади. У бойлик деб укаси Низомжонни ўлдираёзди, бойлик деб Маҳбубадай мунис аёлни ташлаб кетди. Ҳирсининг қувғиндиси бўлган бу одам, охири ҳирсининг қурбони ҳам бўлди.

Дилдор унинг ҳирси ўтида эриб, ҳаётининг гўзал чоғларини маломатда ўтказди.

Саид Аҳмад Дилдорни романнинг энг гўзал ва ҳаётий; теран ишланган образлари даражасига кўтарди.

У ўзининг ниҳоятда индивидуал хислатлари билан ажралиб туради. Аёллик латофати қанчалар кучли бу Дилдорда. Ҳатто Асроранинг сўзига қараганда, қизларнинг ўзлари ҳам унга ошиқ бўлиб юришади.

Унинг кечинмалари жуда бой. У ўзини, ўз ҳаётини чуқур ўйлайди. Унда ички таҳлил романинг бошқа ҳамма қаҳрамонларидан кўра ҳам бойроқ, жонлироқ, зиддиятлироқ. Дард уни ғоятда ўйчан қилиб қўйган. У Низомжонни бахтсиз қилиб қўйдим, деб қайғуради. Шу билан бирга унинг қизиққонлиги, лафзи тезлиги, бир ишни ўйламай қилиб қўйиши ҳамон йўқолган эмас. У аввал бир ишни қилиб қўйиб сўнг нима қилганлигини ўйлайдиган одамлар тоифасидан. Шунинг учун бошига талай савдолар тушади. У ҳам Иноят оқсоқолнинг муҳитига сифмаган қаҳрамонлардан. Сўнг чўлга борди. Трактор минди. Елғизлик жафосини чекди. Шунда ўз ҳаёти, умрларнинг маъноси ҳақида кўп ўйлайдиган бўлди. У трилогия охирида ўйчан қаҳрамон сифатида жуда жозибалидир. Холматжон унинг юрагида янги муҳаббат алангасини ёқди. Ёзувчи бу қийин муҳаббатни инсоний назокати билан ифодалай олди.

Турсунбой образини таҳлил қилганда, қаҳрамонни бошқаларнинг қалб кўзгусига солиб акс эттириш ҳақида сўзлаган эдик. Ёзувчи мана шу усулдан беҳад маҳорат билан фойдаланади. Кўп ўринларда зўр инсоний таъсирчанликка эришади.

Дилдор образини бадиий гавдалантиришда ҳам у шу усулдан усталик билан фойдаланади. Биз Дилдорни Низомжон, Ўзамжон, Асрора, Холматжоннинг қалб кўзгусидаги портретлари билан танишамиз. Бу портретлар шунчалар табиий оқимда ишланганки, бунда усул мутлақо сезилмайди. Дилдорнинг мана шу қаҳрамонлар ва айниқса, Низом ва Асрора қалбининг кўзгусида акс этган қиёфаси нақадар тўлақонли, нақадар ҳаётий ва нақадар ҳаққоний. Уларнинг юракларидаги тиниқ кўзгу Дилдорга турли томондан шуъла ташлаб туради.

Асрора — трилогияда яратилган гўзал образлардан бири. Асрора табиятан устоз Ойбекнинг аёл қаҳрамонларига яқин. Руҳига кўра у ойбеккона қаҳрамон. Ўзбек аёллари ўртасида шундай жўшқин қизлар кўп. Асрорада халқнинг соғлом, кўтаринки руҳи гуркираб туради. Унинг самимияти тенгсиздир. Унинг Дилдор ҳаётининг

мазмунини таҳлил қилган ўринлар одамнинг қулоғида кумуш қўнғироқнинг жарангидай қолади.

Асрора — атроф муҳитга шодлик ва жўшқинлик олиб киради. У роман саҳифаларига ҳаётин қуввати ҳеч қачон сўнмайдиган чироқдек шодон шуъла таратиб туради.

«Уфқ» — йирик эпик полотно. У ўзбек халқи ҳаётининг катта бир тарихий даврини қамраб олиб акс эттирди. Миллий-маданий ҳаётдаги буюк ўзгаришлар, урушнинг оғир оқибатлари, чўлларни ўзлаштиришга отланган халқнинг сафарбарлик руҳи, оддий меҳнатнинг, лекин яратувчи меҳнатнинг беҳад кўтаринки пафоси, инсоний драмаларнинг, инсон тақдирларининг чигал оқимлари, совет кишининг қаҳрамонлиги каби ҳодисалар трилогияда ҳаққоний ифодаланади.

Трилогияда ўзбек миллий прозаси тасвир усуллари синтезлашди. Жуда чуқур лиризм билан суғорилган бу асар эпик тасвир билан замонавий илғор психологик таҳлилнинг бирлашган намуналарини беради.

Ёзувчининг трилогияда кўрсатган маҳорати шу қадар салмоқли ва шу қадар кенг бир бадий ҳодисаки, у махсус йирик тадқиқотлар яратишни талаб қилмоқда.

## ХАЛҚ САНЪАТКОРИ. БАЪЗИ ХУЛОСАЛАР.

Шундай қилиб, Саид Аҳмад деганда кўз ўнгимизда кулги ва қувончнинг табиати жонлангандай бўлиб кетади. Саид Аҳмад ҳам мана олтмиш ёшга кирибди. Кулги ва қувончнинг ёши олтмишга кирибдими дейсиз. Лекин кулги ва қувонч вақт, умр ва буларнинг ўтиб боришига тобе эмас, у доимо ёш, доимо одамзод авлодлари билан бирга, гўдакликда ҳам, қариган чоғда ҳам одамнинг қалбида баб-баравар гулдек очилаверади. Саид Аҳмад одамларни кулдириш учун туғилган. У кулгига ўрганган эмас. Кулги унинг табиатида туғма. Шунинг учунмикин, унинг атрофида, Саид Аҳмад нафас олган ҳавода ҳамisha кулги айланиб юради, Саид Аҳмад теварагида кулги янграмаган, шодликнинг баланд овози эшитилмаган пайтлар йўқ.

Кулги Саид Аҳмад маънавиятининг бир ажралмас бўлаги.

Лекин Саид Аҳмаднинг иқтидори, заковати фақат кулги яратиш учун, кулдириш учун бағишланган бўлганда, албатта, у бизнинг кўз ўнгимизда ҳозиргидек виқорли халқ ижодкори бўлиб гавдаланмас эди. Саид Аҳмад жуда нозик лирик. Унинг юрагида беҳад нозик ҳиссиётли, кечинмалари тубдан теран шоир яшайди. Унинг истеъдоди кулги ва лирика яратади. Унинг истеъдоди шу икки ноёб ҳодисанинг камдан-кам бўлагидан, бирлигидан туғилган.

Халқ ўзининг санъатга бўлган қизиқишларида энг кўп интиладиган нарсалар ҳам кулги ва лирика. Бу — халққа табиатан хос. Саид Аҳмад талантининг шу ўзак

қирралари билан халққа жуда яқин. Шулар билан у халқнинг чуқур қатламлари ичига кириб борган. Унинг талантининг табиати шу жиҳатларига кўра ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий ва Ғафур Ғуломнинг талафтига жуда ўхшаш.

Саид Аҳмад жуда ёшлик чоғларидан халқ ичида юради ва халқ ҳаётини тубдан билади. У ҳеч қачон халқдан ўзини олиб қочган эмас, балки доимо унинг оддий меҳнаткаш фарзанди каби яшаган. Ёшлар билан қилган суҳбатларидан бирида адиб: «Мени бесаранжомлик ёзувчи қилиб етиштирган бўлса керак. Қилмаган касбим қолмаган десам ҳам бўлади. Фотограф бўлганман. Сурат чизиб, сураткашлик қилганман. Ўзбекистонни мухбир бўлиб кезиб чиққанман. Ҳатто ўч ўчирувчи бўлиб ишлаганман. Кўзларим кўп нарсаларни кўрди», деб айтган эди. Мана шунинг учун ҳам у халқ маънавиятида, қарашларида, интилишларида рўй бераётган ҳодисаларни яхши билади. У ҳаётнинг катта оқими ичида яшайди ва шу оқимни тубдан ўрганган. Саид Аҳмаднинг ҳаёт йўли — катта йўл. Унинг биринчи ҳикоялар китобчаси «Тортиқ» чиққанига ҳам мана, қирқ йил бўлади. Лекин Саид Аҳмаднинг «машқ чалиш» даври анча чўзилди. 1949 йилда ўзининг биринчи кичик қиссаси «Қадрдон далалар»ни ёзди. «Қадрдон далалар» аскар йигитларнинг урушдан қайтиши, колхозларни қайта оёққа бостириши, аста авж олиб келаётган қурилишлар кўтарилиб келаётган маданий ҳаётнинг руҳини акс эттиришга бағишланган эди. Лекин асар «омонат можаролар асосига қурилганидан, қаҳрамонлар руҳий дунёси жуда юзаки акс этган»идан (У. Норматов) китобхонлар ўртасида жиддий эътибор қозонмади. Лекин «Қадрдон далалар» устида олиб борилган ижодий иш Саид Аҳмадни ёзувчи қилди. «Қадрдон далалар» ёзувчида олижаноб ва жуда қимматли тасвир усули шаклланаётганлигини, бу усул билим ва тажрибалар билан бойиган тақдирда улуғ самаралар бериши мумкинлигини, адабиётга кўзи ўткир ва юраги тоза бир истеъдод катта қадам ташлаб кириб келаётганлигини кўрсатди. Бу қиссанинг жонли ҳаётий лирик парчалари ҳамон ўқиганда ҳаяжонга солади. Унда ўсмирлик ўнғайсизлиги ҳар қадамда сезилиб турса-да, лекин адабий ижод йўлларида фойдали самаралар қандай дунёга келишини яққол кўрсатиб туриши билан бу асар Саид Аҳмад ижодида қимматлидир. Саид Аҳмаднинг

иккинчи кичик қиссаси «Ҳукм» ўн йилдан сўнг яратилди. «Ҳукм»да биз Саид Аҳмадни шаклланган ёзувчи сифатида кўрамиз. «Ҳукм»да Саид Аҳмад Советни ичдан емиришга қаттиқ уринган синфий душманларнинг ёвуз қиёфаларини очиб ташлади. Янги ҳаётнинг қудратли куртакларини кўрсатди. Саид Аҳмад прозанинг содда йўлида тиниқ ҳаётий характерлар яратишга муваффақ бўлди. Ёзувчи очиқ курашга мадори қолмаган, ўтақаси ёрилиб кетган синфий душмanning янги шароитга мослашишга интилаётган чоғдаги психологиясини усталик билан чизиб берди. Одамлар янги колхозларга бирлашаётган йилларда душман колхоз идорасига суқилиб олишга, янги коллектив хўжаликларни ичдан бузишга ҳаракат қилган эди. Босмачиларнинг ҳалокатидан сўнг ўзини шўро ишларига урган ва Зорқишлоқнинг «фаоллари»дан бирига айланган эски тилмоч Ғиёсиддин Азмиддинов ўша ичдан бузувчиларнинг социал белгиларини ўзида акс эттиради. Саид Аҳмад унинг қиёфасидаги душман ўтакетган ғаламисга айланиб кетганлигини кўрсатди. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатида ғаламислик намоён. У Бўтабой каби шўро ишига чин юракдан жон куйдирадиганларни бадном қилиш, обрўсини тўкиш, иложини топса қириш, йўқотиш йўлини тутган. У чинакам тажрибакор, ўз мақсади йўлида ва ўзига қулай фикр уйғотишга устомон душман. Бўтабойлар албатта унинг қаршисида соддалик, тажрибасизлик қиладилар. Лекин Бўтабойларда қудратли ирода ва халқ ишига ишонч бор. Мана шу ишонч ва имон, маслак қувваги билан улар азмиддиновларни енгадилар.

«Ҳукм» Саид Аҳмадга бир канча қимматли адабий тажрибалар берди. У ёзувчи сифатида шу кисса билан ўзини тугал топиб олди. «Қадрдон далалар»га таҳлил ва теранлик етишмаган эди. «Ҳукм»да Саид Аҳмад воқеаларни бадий таҳлил қила билиш санъатини кўрсатди. У прозанинг содда, табиий, ўзбекча, тўғрироғи, ғоятда халқчил бир усулини топди. У турли характерларни изчил ва яхлит бадий гавдалантириш томон муваффақиятли қадам ташлади. Сюжет чизиқларини мустаҳкам ва пишиқ тортишга ўрганди. Шулар баробарида у ҳаёт ҳақиқатини шоирона тарзда акс эттиришга эришди. Саид Аҳмад прозада бадий лўндалик сирларини кашф эта бошлади. «Ҳукм» жуда лўнда асар. Сўзлар, тасвирлар,



ифодалар, таърифлар, портретлар, таҳлиллар лўнда. Икки ғаламис: Эшон ая билан Гиёсиддин тунда хуфия учрашдилар. Улар ҳар бири андак хаёлга толиб қолдилар. Ёзувчи шу ҳолатни бундай таҳлил қилади: «Йиллар ўтди, замон ўзгарди, одамлар ўзгарди. Қанчадан-қанча воқеалар бўлиб ўтди. Аммо булар ўзгармади. Гиёсиддиннинг ҳаётидаги ягона ўзгариш шу: қариди.

Гиёсиддин ёшлигида оёғига илаштирган лойни ҳали ҳам судраб юрибди. Қайга борса, қаерга кирса, ифлос қилади.

Эшон ая ҳам ҳамон ўша. Уша оқсоқолнинг қизи. У Эшоннинг ўлишини кутади. Эшонни ҳадеганда ажал ола қолмайди. Бу кунни кута-кута Эшон аянинг сочига оқ оралаб қолди. Эрининг ўлимини кута-кута ўтказган ва ўтказаётган бу кунларда у ўз ётоғидан кимларга жой бермади?» Қанчалар ёрқин бу таҳлил. Қанчалар мазмундор. Қанчалар тусини очади ўша типларнинг. Эпик тасвири лўнда ва худди ўртасидан кесилгандай бўлиб кўринадиган жумла — услуб билан олиб бориш ва аиниқса, теран психологик таҳлиллар қилиш қийин. Катта насрнавислар бу усулда ишламаганлар. Улар бадий прозани, унинг услуби ва тилини, ритмикасини ҳаддан ташқари соддалаштириб юборишдан чўчиганлар. Абдулла Қаҳҳор «Қўшчинор чироқлари»да шундай қилиб кўрган эди. Сўнг у бу усулга қайтмади. «Ҳукм»да топилган проза усули эртак усулига ўхшайди, лекин эртакнинг худди ўзи эмас. Ифодаларда эртаклардан кўра маданийлашув ва адабийлашув аён кўринади. Лўндалик эпик тасвир талабларига жавоб бериш учун у яна андак батафсиллик касб этиши керак эди. Бу ибора қанчалар ғалати бўлиб кўринмасин, лекин шундай лўнда батафсилликка Саид Аҳмад кейинроқ бориб ўзининг умрлик асари «Уфқ» трилогиясида эришди. Ўзбек прозасининг бошқа намояндаларида учрамайди бу эпик лўндалик. У Саид Аҳмаднинг ўзига, унинг проза мактабига хос хислат бўлиб қолмокда. Хўш, бу усул қаердан, қандай шаклланди? Ёзувчи ёшлар билан қилган суҳбатда бир гапни айтган эди: ялтироқ сўзлар, олифталик, мураккабликни ёмон кўраман, қувноқлик, кулгини, одамнинг кўкрагини енгил қиладиган нарсаларни яхши кўраман...

Ана, ёзувчининг услуби туғилган ер. Услуб ёзувчининг шахсий қарашларидан, қалб даргоҳида айланаётган қоннинг тезлигидан ва ҳароратидан дунёга келади.

Унинг проза услубида соддалик ва лўндалик етакчи мавқеда туришининг бош сабаби шу. Саид Аҳмадни инсон сифатида халққа яқин қилган хусусиятлар пировардида унинг прозасининг қонига сингиб кетди ва бу прозани халқчил проза даражасига кўтарди.

Бу айниқса, унинг «Уфқ» трилогиясида кўзга ташланади. «Уфқ» Саид Аҳмаднинг бутун ижодидан ўсиб чиққан асар. Бу асар билан Саид Аҳмад романчиликда янги саҳифа очди. Унда мазмунан халқ қаҳрамонлиги тарихини яратди. Янги одамларнинг туғилишини кузатди. Уларнинг маънавий-ахлоқий дунёсида содир бўлган тарихий ўзгаришларни зийраклик билан илғаб олди ва ишонарли қилиб тасвирлади. Трилогия воқеалари ўзбек диёрида рўй берган, халқнинг онгида бурилиш ясаган, халқ ҳаётини кучли суратда ўзгартирган воқеаларни ўз ичига қамраб олади. Биз трилогия саҳифаларида ўзбек халқининг Катта Фарғона канали қурилишида, Улуғ Ватан уруши йилларида ва ундан кейинги чўлларни ўзлаштиришнинг буюк ҳаракати кучайган даврда кўрсатган қаҳрамонликлари билан танишамиз. Саид Аҳмад трилогияда меҳнат кишиси образини рўй-рост ва халқчил бир йўлда бадий гавдалантириб беролди. Трилогия қаҳрамонлари бениҳоя пок бир ижтимоий ҳаво ичра ҳаракат қиладилар. Шу поклик уларнинг инсоний кифо-ларига ҳам қаттиқ таъсир қилганлигини кўраемиз. Роман қаҳрамонлари бизда кучли таассурот қолдиради. Биз бу таассуротнинг сабабларини ўйлаймиз. Шунда бу қаҳрамонлар одамийлик, фидокорлик, меҳр-шафқат бирлигидан туғилган кишилар эканлигини англаймиз. Уларнинг ахлоқий-маънавий оламларида шу хусусиятлар бирлашган кучга айланган.

Трилогияда уч ўғилнинг, уч отанинг тақдири биринчи планга чиқариб ёритилади. Марказда шуларнинг қисмати туради. Аҳамияти жиҳатдан булардан кам ишланмаган бошқа қаҳрамонлар шу учликлар атрофида айланади. Трилогия композициясида мана шу тақдирлар ҳалқаланади. Трилогиянинг образлар олами жуда бой, воқеалар миқёсан жуда улуғ. Биз романда қаҳрамонлик меҳнатимизнинг тарихини яратган одамлар билан танишамиз. Улар том маънода даврнинг реал, умумлашма қаҳрамонлари каби гавдаланадилар. Азизхон ҳам, Низомжон ҳам, Икром ҳам, Дилдор, Зеби, Асроралар ҳам давр яратган қўйма одамлар. Улар жуда жозибадор,

жуда ҳаётӣй ва жуда халқчил образлар. Ёзувчи уларнинг ҳар бирини ўзига хос ғоятда кучли инсоний ва ҳаётӣй драмалар ичида тасвирлайди. Уларнинг ҳаётлари бениҳоя бой ва ранг-баранг. Лекин ёзувчининг энг катта ютуқларидан бири шундаки, у ана шу ранг-барангликни ҳаётнинг бош ва устивор қонуниятлари ичида гавдалантиради. Шу қонуниятлардан маълум бир система яратади. Табиӣйки, шундай система бўлмасайди, бу асар трилогия даражасига кўтарилмас эди.

Энг аввало бу қаҳрамонлар жуда ажиб материалдан ишланганлар. Уларни гоҳ ҳаётнинг қудратли зарбалари қайириб ташлайди. Лекин улар қайриладилару ҳеч қачон синмайдилар. Инсонийлик қудрати билан улар ўзларини яна тиклаб оладилар. Шу томондан олиб қараганда, Саид Аҳмаднинг қаҳрамонлари менга ҳаётни қайта қуришга беҳад қобил бўлган кишилар каби кучли таъсир қилади. Прометей бизга яшамоқнинг гўзаллигидан, лекин бурчнинг шу гўзалликни собит яратувчиси эканлигидан сабоқ беради. Низомжонда, Азизхонда, Икромжонда биз юрт олдида, эл олдида, одамлар олдида шундай бурчли бўлиб яшаш туйғусига дуч келамиз. Шу туйғу билан, яна ирода билан ва яна инсонийликнинг баланд даражаси билан улар ҳар қандай кўргиликларни енгиб ўтадилар, чидаб бўлмайдиган жойда чидайдилар ва ўзларини энг олижаноб инсон каби кашф этадилар. Уларнинг айниқса, ишга қарашлари энг юксак ахлоқий принцип даражасига кўтарилгандир. Азизхон: «Шу канал мени одам қилди. Шу канал мени юртга қўшди. Шу канал менга обрў берди», дейди. Дўнан Дўстматов: «Онамиз ишга туққан. Ишдан бошқасини билмаймиз. ...Мана ишляпмиз. Агар бошқалардан кўп ишлаётган бўлсам, бу севинганимдан, болаларимнинг ризқини ўйлаганимдан, далаларимга сув чиқишига қувонганимдан бўлса ажабмас», деб айтади. Низомжон эса Найман чўлларига борганда ўзига энг оғир иш беришларини қаттиқ талаб қилади. Эш полвон эса биз каналга ишлагани келганмиз, қандоқки иш бўлса, уҳдасидан чиқамиз, деб уларга жўр бўлади. Бу оддий сўзларнинг ортида уларнинг зўравор фидокор меҳнатлари ётади. Улар сўзлари билан ишлари бир одамлар.

«Уфқ» трилогияси Саид Аҳмаднинг бутун ижодиетидан ўсиб чиққан ва барча томирлари билан унинг ажойиб, ранг-баранг ҳикояларига, жонли ва жозибадор

қиссаларига, халқ севиб томоша қилаётган комедиясига боғланган, шулар билан томирдош асардир. Мана шу гоёвий, мавзувий, услубий, бадиий томирдошлик туфайли Саид Аҳмад асарлари китобхон кўз ўнгида бир яхлит гўзаллик олами бўлиб гавдаланади.

Саид Аҳмад асарларида одамлар бир-бирларининг яхшилиқларидан завқ оладилар. Меҳр-шафқатнинг қудрати билан дунёга қайта келгандай бўладилар. Чунончи, «Хазина» деб аталган ҳикояда тракторчи қиз Инобат чалган куйдан сел бўлиб ўтирган мухбир йигит шундай дейди: «Бу куй менга ёшлигимни, болалигимни қайтариб келди... Вужудимда ҳалигача ҳеч ким билмаган ва ҳеч ким қилолмайдиган аллақандай зўр ишлар қила олишга қодир бир куч пайдо бўлаётгандек эди... куйлагим келар эди...» дейди. Саид Аҳмаднинг асарлари ана шу Инобат чалган куйга ўхшайди. У доимо китобхонга саҳийлик билан илҳом ва муҳаббат тортиқ қилади.

## МУНДАРИЖА

Прозанинг шоири. Дебоча . . . . .	3
Ёшликнинг шўх шуълалари . . . . .	13
Саодат фалсафаси . . . . .	44
Матонат ва эзгулик . . . . .	72
Чўлларнинг дили . . . . .	91
Оламро қизлар . . . . .	106
Ўтмиш ва бугуннинг ўртасида . . . . .	115
Туганмас умр йўллари . . . . .	122
Азизхон. Бургут боласи. Юртга ҳизмат. Янги онг . . . . .	127
Инсон ва муҳит. Турсунбой. Онг таназзули . . . . .	132
Низомжон. Муҳитдан қочиш. Янги муҳит. Тақдирлар орбитаси . . . . .	140
Халқ санъаткори. Баъзи хулосалар . . . . .	150

*На узбекском языке*

**Ибрагим Гафуров**

**ПОЭТ ПРОЗЫ**

Редактор *Т. Алимов*  
Рисом *Б. Хайбулин*  
Форзацни *Саид Аҳмад* чизган.  
Расмлар редактори *В. Немировский*  
Техн. редактор *У. Ким*  
Корректор *Ш. Соатова*

ИБ № 1662

Босмахонага берилди 05. 12. 1980 й. Босишга рухсат этилди 13. 03. 1981 й.  
Р 08907. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори  
босма. Шартли босма л. 8,4+0,03 вкл. Нашр. л. 8,18+0,03 вкл. Тиражи 5000.  
Заказ № 48. Баҳоси 1 с. 10 т.

Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат  
Қомитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси.  
Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1981 й.

Ғафуров, Иброҳим.

Прозанинг шоири: Ижодий очерк.— Х.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.— 160 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад янги ўзбек миллий прозасининг атоқли намоёндаларидан. Унинг асарлари ўзбек халқи ҳаётида юз берган улуғ ўзгаришларни, янги муҳитда янги онг пайдо бўлиши жараёнларини акс эттиради.

Саид Аҳмад прозани шоир каби ёзади. Бу — лирик проза. У инсоний кечинмаларга, маънавий тўқнашувларга ниҳоятда бой. Саид Аҳмад инсон қалбий гўзаллигининг куйчиси. Ва куйчи бўлиши билан халққа сеvimли. Унинг ижоди тадқиқотчилар учун ҳам беҳад бой ва серқирра санъат олами.

Бу тадқиқот — шу гўзал оламдан бир қатраи таассурот, холос.

Ғафуров, Ибрагим. Поэт прозы. Творческий портрет.

83.3У37

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЕТ ВА САЊЪАТ  
НАШРИЕТИ 1981 ЙИЛДА КУЙИДАГИ КИТОБЛАРИНИ  
ЧОП ЭТАДИ.

1. Назир Сафаров. Момақалди роқ. *Роман.*
2. Ҳамид Ғулом. Замин юлдузлари. *Ҳикоялар.*
3. Мирмуҳсин. Япроқлар ва илдизлар. *Роман.*
4. Адабиёт ва замон. Мақолалар тўплами.
5. Маҳмудали Юнусов. Ҳаёт нафаси. *Мақолалар.*